

**К**итоблар  
**К**утубхоналар  
**К**аталоглар



А.Эркинов, Н.Полвонов,  
Ҷ.Аминов

**МУҲАММАД РАҲИМХОН II**  
**— ФЕРУЗ КУТУБХОНАСИ**  
**ФЕХРИСТИ**



A.

M

(X)

А.С.ЭРКИНОВ, Н.Т.ПОЛВОНОВ, Ҳ.А.АМИНОВ

МУҲАММАД РАҲИМХОН II  
– ФЕРУЗ КУТУБХОНАСИ  
ФЕҲРИСТИ

(ХОРАЗМДА КИТОБАТ ВА КУТУБХОНАЧИЛИК  
ТАРИХИДАН)

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

сари Аширбек Мўминов ҳамда мазкур ишнинг масъул муҳаррири Шодмон Воҳидовларни киритиш мумкин. Бундан ташқари мазкур китобни юзага чиқаришда бизга яқиндан ёрдам берган Матниёзов Қурбияз ака ва бошқа барча ҳамкасбларимизга ташаккур билдирамыз.

«Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи» қўлёзмаси матни билан биз дастлаб 1997 йили ЎЗР ФА Қўлёзмалар институти фондида танишгандик (бу институт 1978-1998 йиллари фаолият олиб борган). Ўша йиллари мазкур институтга раҳбарлик қилган академик Азиз Қаюмов ва институтнинг қўлёзмалар фонди бошлиғи Бобохон Қосимхоновларга ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

*Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёзув, илм-фан,  
санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш  
босқичларини ўзида мужассам этади.*

*Ислом КАРИМОВ<sup>2</sup>*

## **XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШИ ХИВА МАДАНИЙ МУҲИТИ**

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Хива хонлиги маданий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Чунки бу даврда Россия мустамлакаси остига тушиб қолган Хива хонлиги ҳудуди, аҳоли сони жиҳатдан қисқарган, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалари чекланган ва фақатгина Россия орқали уларни амалга оширилиши белгиланган вазиятда эди. Бундай тарихий вазият, албатта, маданий муҳитга ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмасди. Мазкур муҳит маданий ҳаёти ҳақида кўплаб адабиётлар мавжуд бўлиб, қуйида биз улардаги айрим маълумотларни умумлаштирилган тарзда келтириб ўтамиз<sup>3</sup>.

Хива хонлигидаги ўзгаришлар, турли ҳудудларида жойлашган халқлар мамлакат маданий ҳаёти тараққийсида ўзига хос ўрин тутганлар<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Каримов. И.А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Каримов. И.А. Асарлар. 6-том. Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. 375-бет.

<sup>3</sup> Vambéry H. Zwei moderne centralasiatische Dichter, Munis und Emir // Wiener Zeitschrift für die Kunde des Morgenlandes. IV. Band. Wien, 1892. P.271-291; Матниёзов М., Сотлиқов А. Жаҳон тарихи ва маданиятида Хоразм. Урганч: «Хоразм», 1999; Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. Тошкент: «Адолат», 2001; Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Тошкент: «Abu matbuot konsalt» МЧЖ, 2007; Худойберганов К. Хива хонлари тарихидан. Урганч, 2008 ва бошқалар.

<sup>4</sup> Полвонов Н. XX аср бошларида Хива хонлигининг аҳоли таркиби ва унинг жойлашган ўрни // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент 6-7 май, 2009. Тошкент, 2009, 189-191-бетлар; Шу муаллиф. XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм воҳасидаги тарихий демографияни ўрганиш манбалари // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009, 292-298-бетлар.

Бу даврдаги маданий ҳаёт ривожи, бевосита, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910)<sup>5</sup> фаолияти билан боғлиқ. У маданият ҳомийси сифатида ном чиқариши қаторида «Феруз» тахаллуси остида шеърлар ёзиб, ўз девонига эга шоир бўлган<sup>6</sup>. Муҳаммад Раҳимхон II ўз даври маданий ҳаётининг айрим жиҳатларида анъанавийликка берилишидан қатъи назар, янгликлар тарафдори ҳам эди. У тарихчи, шоир, санъат, адабиёт ҳам мусиқа ҳомийси ва билимдони, сиёсий арбоб сифатида из қолдирди. Унинг раҳнамолигида мингдан ортиқ қўлэмалар кўчирилди<sup>7</sup>, юздан ортиқ асарлар араб ва форс тилларидан эски ўзбек тилига гаржима қилинди<sup>8</sup>. Шеърый ижодкорлик ва китобхонлик давлат сиёсати миқёсига кўтарилди<sup>9</sup>.

Муҳаммадюсуф Баёний (1858–1923) ва Ҳасан Мадаминов маълумотларига кўра, Россия bosқинидан сўнг Феруз тушкунлик кайфиятига берилиб хонанишин бўлиб қолади<sup>10</sup>. Мана шундай шароитда саройнинг кўзга кўринган зиёлиларидан бири, шоир ва композитор Комил Хоразмий (1825–1899) ва бошқа мансабдорлар Муҳаммад Раҳимхонга шеърят ва мусиқа кеча-

---

<sup>5</sup> Barthold W. [Brill M.L.]. Khowa. EI<sup>2</sup>, Vol.V. P.24-25, Hofman H.F. Turkish Literature. A bio-bibliographical survey. Section III, part I. Vol. 3. Utrecht, 1969. P.54-63, Vol.6. P.27-32;Eckmann J. Die tschaghataische Literatur. In: Philologiae Turcicae Fundamenta. Vol.II. Wiesbaden, 1964. P.390-391.

<sup>6</sup> Раҳим Д., Матрасулов Ш. Феруз шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1981; Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул. Шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Феруз – шоҳ ва шоир. Урганч: Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат Университети, 1994; Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. Нашрга тайёрловчи Г.М.Исмоилова. Тошкент, 1994; Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Нусратулло Жумахўжа. Феруз. Тошкент, 1995; Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: «Фан», 1995.

<sup>7</sup> Матяқубова М.М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном. дисс. Урганч, 2008. – 187 б.

<sup>8</sup> Камилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в.). Дисс. . док. филол. наук. Тошкент, 1987.

<sup>9</sup> Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари. Тошкент, 1994, 15-16-бетлар.

<sup>10</sup> Баёний Муҳаммадюсуф. Шажарайи Хоразмшоҳий // Мерос. Тошкент, 1991, 257-бет; Ўзбекистон марказий давлат архиви (бундан кейин – Ўз МДА). 125-фонд, 1-рўйхат, 609-иш, 1-52-варақлар.

лари уюштиришни таклиф қиладилар: «Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзидан бошқа кучли ва нуфузли ёт бир қувватни кўргач, бир хили замонлар муттаасир бўлиб юрди. Ўзини тасалли қилажак ҳеч бир машгулот топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан мусиқашунос Паҳлавонниёз Мирзабоши<sup>11</sup> хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди. Ниҳоят, хонни мусиқий базмларини уюштириб, натижада «Хоразм чизиги» майдонга чиқиб, Хоразм мусиқаси хийлагина ривож бўлуб халқ орасина интишор этмакка бошлади»<sup>12</sup>. «Хоразм чизиги» эса Комил Хоразмий бошчилигида мусиқани ифодалаш учун тузилган нота эди<sup>13</sup>. Кейинчалик, XX аср бошларида Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммадрасул мирзо (1850–1923) Хоразм «Шашмақом»ини етти мақомда танбурга мослаб нотага туширган<sup>14</sup>.

Шундан сўнг Феруз хонликдаги ҳар бир иқтидорли, илмли кишига ғамхўрлик қилиб, саройда илмий суҳбат ва мушоиралар ўтказа бошлади. Натижада «Ҳар кишининг шеър айтмоқга саҳл қобилияти бўлса, навъи шеърларни айтиб даргоҳи олийга олиб бора бердилар. Шоирларнинг ададлари кам-беш қирқга ёвуқ борди»<sup>15</sup>. Феруз иқтидорли шоир бўлгани туфайли ҳузурига келган шоирларнинг билим даражасини текшириб, маҳоратини тез ва яхши англаб, уларни баёз ва девонлар тузишга рағбатлантирар эди.

1908 йили Хива ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II саройига туркийшунос олим А.Н.Самойлович (1880–1938) ташриф буюради. У Муҳаммад Раҳимхон Феруз билан учрашиб, уни шундай тасвирлайди: ҳозирда ҳукмдор бўлиб турган Сайид Муҳаммад Раҳим маърифатли шахсдир. У фан ва санъат ҳомийси ҳисобланиб, бу мамлакатни ўрганишимга астойдил ёрдам беришини изҳор қилди. Хива хони ҳатто ўзининг шахсий китоб хазинаси билан танишишимга ҳам руҳсат берди. Мен унинг Арк ва Тозабобдаги кутубхоналарида бўлдим. Туркий тилдаги қўлёзмаларга асосий эътибо-

<sup>11</sup> Яъни, Комил Хоразмий.

<sup>12</sup> Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммадйусуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Тошкент: «Ёзувчи», 1998, 12-бет; Полвонов Н. Хива хонлигидаги ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (Хоразм мисолида 1900-1924 йиллар). Тарих фан. ном. дисс. Тошкент, 2005, 41-42-бетлар.

<sup>13</sup> Матякубов О., Болтабоев Р., Аминов Х. Ўзбек нотаси. Тошкент, 2007.

<sup>14</sup> Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. Тошкент: «Фан», 1987, 14-бет.

<sup>15</sup> Баёний Муҳаммадйусуф. Шажарайи Хоразмшоҳий // Мерос. Тошкент, 1991, 256-бет.

римни қаратдим. Икки марта Тозабобдаги хон босмахонасини кўздан кечирдим<sup>16</sup>.

Демак, Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлиги сабабли Баёний, Комёб, Лафасий (1898–1942), Иваз Ўтар (1884–1919), Мутриб Хонахаробий (1860–1923), Муҳаммадюсуф Харратов – Чокар (1889–952), Илёсмудла Муҳаммад ўғли – Сўфи (1860–1916) каби тарихчи ва тараққийпарвар шоирлар етишиб чиқдилар. Уларнинг асарларида эски адабиётимизга хос анъанавийлик ва мадҳиябозлик йўналишига амал қилиш билан бирга, мавжуд тузум иллатлари, хон амалдорлари, бойларнинг зўравонлиги ва порахўрликларини халққа фош этиб, янги тузумга, янги ҳаёт, тараққиёт ва истиқлолга умид уйғота билдилар.

XIX аср сўнги чорагига келиб Хива хонлиги адабий муҳитида, Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида ижод қилган шоирлар асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, улар ижодида анъанавийлик, мадҳиябозлик йўналишидаги шеърӣ асарлар кўплай учрайди. Масалан, 1324/1906–1907 йили Муҳаммад Раҳимхон II кўрсатмасига биноан Аҳмад Табибий (1868–1910) томонидан «Мажмуаи шуарои Ферузшоҳӣ» номли шеърӣ тўплам тузилади. У дастлаб тошбосма усулида нашр этилади<sup>17</sup>, сўнг қўлёзма ҳолида кўчирилади<sup>18</sup>. Мажмуанинг тошбосма нашрига А.Н.Самойлович тақриз

---

<sup>16</sup> Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. №9. Санкт-Петербург, 1909. С.21.

<sup>17</sup> Мажмаи си шуарои пайрави Ферузшоҳӣ. Хива, 1324 [1907] (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти (Бундан кейин «ЎРШИ»), тошбосма, № 27).

<sup>18</sup> Мажмуаи шуарои Ферузшоҳӣ. Ўзбекистон фанлар академияси шарқшунослик (бундан кейин – ЎРШИ) институти қўлёзмаси, 1- фонд, №1152 (1326 йил 3 сафар / 1908 йил 8 мартда кўчирилган, котиб Муҳаммад Яъқуб Девон Харрот ибн уста Қурбоннӣз Хоразмӣй (Собрание восточных рукописей. В 11 томах. Том II, Ташкент, 1954, №1691). (Turcs. EF<sup>2</sup>, Vol.X. P.728-782, Ўзбек адабиёти тарихи. IV жилд, Тошкент, 1978, 22-бет). Афсуски, мазкур баёз совет замонида сарой муҳити маҳсули сифатида ўрганилмай, нотўғри баҳоланган. Замонавий тадқиқотларда эса, бу асар яратилган тарихий муҳит, аниқроқ қилиб айтганда асарнинг вудужга келишидаги тарихий асослар етарлича ҳисобга олинмаган (қаранг: Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис («Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳӣ») асосида. Филол. фан. ном. дисс. автореферати. Тошкент, 2007).

ёзади<sup>19</sup>. Бу баёзга Хива саройидаги ўттиздан ортиқ шоирлар шеърлари киритилганди<sup>20</sup>. Айни шеърлар Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз ғазалларига эргашиб, пайрав тарзида эски ўзбек тилида битилган.

Муҳаммад Раҳимхон II саройи шоирларига ўзининг 101 ғазалига эргашиб жавоб шеър ёзишни буюради ва улар буни амалга оширадilar. 30 шоирнинг жавоб ғазаллари 2 998 донани ташкил этади. «Мажмуаи шуарои Ферузшоҳий» баёзидаги шеърларнинг умумий миқдори 3099 та ғазалдан иборат<sup>21</sup>. Бу шоирлар Ферузнинг ҳар бир ғазалига эргашиб ғазал ёзганларида, асос шеърнинг услуби, радифи ва қофиясини сақлашлари лозим эди. Мажмуадаги пайравда иштирок этган шоирлар Ферузнинг қариндошлари, шаҳзодалар ва Хива саройидаги мансабдорлар эдилар. Айни вақтда, иштирокчи шоирлар анъанавий адабиётни ривожлантириш йўлидан кетганлар. Умуман олганда, янгиликларга интилиш қаторида, анъанавий қадриятларга эътибор қаратиш Хива хонлиги муҳитига хос эди<sup>22</sup>.

Хива хонлигида Ўрта Осиёдаги дастлабки тошбосма китоблар чиқаришининг йўлга қўйилиши ҳам кўриб чиқаётган даврга тўғри келади. Шарқда биринчи матбаа 1832 йил Эронда пайдо бўлган эди. Шунинг учун Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачи Хива саройига ишга таклиф этилади<sup>23</sup>. Иброҳим Султон маҳаллий ёшлардан Отажон Абдаловга матбаачилик сирларини ўргатади, 1874 йилдан бошлаб баъзи ҳужжатлар тошбосма усулида

---

<sup>19</sup> Самойлович А.Н. Собрание 30 царских поэтов, сопутствующих Ферузу. Хива, 1909 г. 1638 стр. in folio // Записки восточного отделения императорского русского Археологического общества. Том 19, 1909, С.0198-0209.

<sup>20</sup> Бу шоирлар ҳақида қаранг: Hofman H.F. Turkish Literature. A bibliographical survey. Section III, part I. Vol.3. Utrecht, 1969. P.54-63,11-12,26-28,110-117,131,150,226,238, Vol.4. P.7-8,224,260,278-280, Vol.5. P.135-136,193-194,237, Vol.6. P.55-56,147-148.

<sup>21</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. IV жилд, Тошкент, 1978, 21-22-бетлар.

<sup>22</sup> Эркинов А. «Тимуридский маньеризм в литературной среде Хивы при Мухаммад Рахим-хане II (на примере антологии «Маджму'а-йи шу'ара-йи Феруз-шахи)/Timurid mannerism in the literary context of Khiva under Muhammad Rahim-khan II (Based on the anthology Majmu'a-yi shu'ara-yi Firuz-shahi)». Вестник МИЦАИ /Bulletin of IICAS. Vol.8./ Выпуск 8, 2008.С.58-65;Шу муаллиф. Анъанавий ва модерн муҳитлар қиёси: Комил Хоразмийнинг Тошкентга бағишланган қасидаси // Ўзбекистон пойтахти 2200 ёшда: Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро конференция материаллари. Тошкент: «Фан», 2009, 315-319-бет.

<sup>23</sup> Комил Иваз. Тошбосма // Хива. 1997, №7-8. 16-бет.

чоп этила бошлайди. 1876 йилда Абу Наср Фаробийнинг «Нисоб ас-сибён» (Болалар nasibasi) номли фалсафий асари тошбосмада чоп этилган<sup>24</sup>. Феруз Отажон Абдаловга Муҳаммад ва Худойберган харрот, Худойберган муҳракан, Исмоил девон ва Комил девон каби тараққийпарвар кишиларни ёрдамчи қилиб қўяди. Хива матбаасида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида чоп этилган тарихий, адабий-илмий асарлар Хива хонлигидаги маориф ва фан ривожига катта ҳисса қўшган.

Феруз китобат санъатига катта аҳамият бериб, кутубхоналар ташкил этди. Бу ҳақда Баёний: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо била суҳбат тузуб, китобхонлиқ этдурур эрдилар... сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлиқ этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар... тамоми вилоят халқи китобхон бўлдилар»<sup>25</sup>, – деб ёзади. Муҳаммад Раҳимхон Феруз хаттотларнинг меҳнатини гоят қадрлаб, улар учун махсус шароит яратиб берган<sup>26</sup>. Феруз саройида хаттотлар меҳнати қадрланар ва уларга нодир асарларни кўчириш вазифаси мунтазам топшириб туриларди. Тадқиқотчи А.Муродов XIX асрда Хивада яшаб ўтган 87 хаттот ҳақида маълумот беради<sup>27</sup>.

Тадқиқотчи Э.Исмоилованинг ёзишича: «XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Хива қўлёзмалари ўзининг гўзал архитектуроникаси, ҳажми, матн ва ҳошияларининг ўта мутаносиблиги, ёзувининг тоза, текис, ҳушхатлиги, мисраларнинг бир-бирига мослиги ва варақдаги барча лозим элементларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Хива қўлёзмаларининг бошқа қўлёзмалардан фарқли томони улар ташқи қиёфасида намоён бўлиб, бу қўлёзма китоблар салобатли нақш босилган қора чарм муқовалари билан ажралиб туради. Бутун Ўрта Шарқда уларнинг монанди ўша даврда йўқ эди»<sup>28</sup>.

---

<sup>24</sup> Давлатёр Раҳим Шихназар Матрасул. Феруз: шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент: Гафур Ғулوم номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 103-бет.

<sup>25</sup> Баёний Муҳаммадюсуф. Шажарайи Хоразмшпоҳий. 257-бет.

<sup>26</sup> Эрназаров Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида хива хонлигидаги маданият ҳаёт. Тарих фан.ном. дисс.. Тошкент, 2005, 56-бет.

<sup>27</sup> Исмоилова Э. Қўлёзма китобат санъати // Хива минг гумбаз шаҳри. Тошкент: «Шарқ», 1997, 90-бет. Тадқиқотчи Ҳамидулла Аминовнинг аниқлашича, кейинги тўрт аср мобайнида Хоразмда 200 дан ортиқ хаттот фаолият олиб борган. Ушбу китоб сўнггидаги иловага қаранг.

<sup>28</sup> Исмаилова Э. Искусство оформления среднеазиатской книги XVIII-XIX вв. Тошкент: «Узбекистон», 1986. -С.60.

А.Н.Самойлович саройдаги маданий муҳит, жумладан, хон кутубхонасидаги китоблар билан танишганлиги, айниқса, аркдаги ва Тозабўғдаги хоннинг махсус кутубхонасида ажойиб китоб ва қўлёзмалар мавжудлигини алоҳида таъкидлайди<sup>29</sup>.

Булардан ташқари Хива хонлигидаги тарихнавислик ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Хива хони Абулғозихон (1643–1663) ўз вақтида бошлаб берган туркий тилда тарихий асарлар ёзиш анъанаси Мунис ва Огаҳийлар томонидан, кейинчалик эса, XIX аср сўнгги – XX аср бошида Баёний, Комёб ва бошқа кўплаб тарихчилар томонидан давом эттирилди.

Аста-секин Хиванинг Россия билан иқтисодий алоқалари тобора кенгайиши натижасида рус тилини биладиган маҳаллий кадрларни етиштиришга эҳтиёж туғилди. Давлат арбоби, шоир Комил Хоразмий ташаббуси билан 1880-йиллар бошларида Хивада биринчи рус-тузем мактаби очилди. 1887 йил март ойига келиб, бу мактабда ўқиётганлардан 11 таси шахсан хон маблағи ҳисобидан ўқирди. 1891 йилда Хива хонлигида яна бир рус-тузем мактаби очилди<sup>30</sup>. 1897 йилга келиб, бутун Туркистон ўлкасида 22 та рус-тузем мактаби мавжуд бўлиб, унда 461 ўқувчи ўқиган<sup>31</sup>. Шу билан биргаликда Хива хонлигида эски мактаблар фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳар бирида 30 нафардан бола ўқийдиган 1500 мактаб бор эди. Уларда 45 000 га яқин бола таълим олган<sup>32</sup>. Рус-тузем мактабида эса рус ўқитувчилари болалар билан арифметика, рус тили ва бошқа дунёвий фанлардан, мусулмон ўқитувчилар эса «жадид мактаб»лари дастури бўйича дарс ўқитишган.

«Баъзи масжидлар қошида имомлар ўзига тўқ оила болаларига араб алифбоси ва «Қуръон»ни ўқишни ўргатардилар, бундай жойларда ўқиш 8

---

<sup>29</sup> Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году // Известия Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношении. №9. Санкт-Петербург, 1909. С.21-22; Шу муаллиф. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе II. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня. // Известия Академии наук Туркменской ССР. Серия общественных наук. 1981, №1. С.74-82.

<sup>30</sup> Погорельский И.В. Очерки политической и экономической истории Хивинского ханства конца XIX и начала XX вв. (1873-1917 гг.). Ленинград, 1968. С.42.

<sup>31</sup> Бендриков К. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Москва, 1960. С.214.

<sup>32</sup> Ўз МДА. 125-фонд, 527-иш, 70-варақ.

йилгача давом этган. Шуни айтиш керакки, секин-аста маҳаллий аҳоли орасида рус тилини ўрганганлар сони ортиб борган. 1911 йил 3 октябрда Шўраҳон рус-гузем мактаби ўқитувчиси Эржон Қодиров шундай деб ёзган эди: «Рус-гузем билим юртининг ўқитувчиси Саидназар Сўпижонов билим юртида 10 йилдан ортиқ ишламоқда. Мактаб ўқитувчиси вазифасида ишлаши билан бирга у кечки курсларда яна ўқиб, билимини ошириб келади, ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштириш билан бирга рус тилида ҳам тиниқ гаплашади. Унга эргашиб маҳаллий аҳоли ва унинг болаларининг кўпчилиги рус тилини яхши ўрганмоқда»<sup>33</sup>.

XIX аср охири – XX аср бошига келиб, Хива хонлигида ҳар бирида 50 нафар талаба таълим олган 130 мадраса ва 63 қорихона фаолият олиб борган. Демак, бир вақтнинг ўзида хонликда 51 500 нафар киши таълим олган<sup>34</sup>. Муаллифлар Гиршфельд ва Галкин берган маълумотга кўра, XIX асрнинг охириларига келиб, Хива хонлигида 2300 дан ортиқ қуйи босқич мактаб мавжуд бўлиб, уларда 3 000 га яқин одам ўқиган<sup>35</sup>. Мадрасалар сони эса 70 та бўлиб, уларда 2 500 га яқин киши таҳсил олган<sup>36</sup>.

XX асрнинг бошларида Хиванинг ўзида 65 та мадраса бўлиб, уларнинг 10 дан ортиғи XVIII – XIX асрларда хонлар томонидан, 20 дан ортиғи хоннинг қариндошлари томонидан, қолганлари эса хон амалдорлари ва йирик ислом уламулари томонидан қурилган эди. Ўша даврда бу мадрасаларда 2440 киши илм олган<sup>37</sup>. Баёний Муҳаммад Раҳимхон замонида қурилган маҳобатли масжид ва мадрасалар ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Маълум бўлсинким, хон ҳазратлари бағоят мушфиқи фуқаро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар, кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар, кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар. Андоғким, Муҳаммад-мурод девонбеги бир мадраса бино қилди ва Юсуф маҳрамга буюриб бир мадраса бино қилдилар ва Қадам ясовулбоши бир мадраса бино қилди ва Иброҳимхожа бир мадраса бино қилди ва Юсуф ясовулбоши бир мадраса

---

<sup>33</sup> Ўз МДА. 181-фонд. 1-рўйхат. 108-иш. 21-варақ, Эрназаров Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2005, 67-бет.

<sup>34</sup> Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил, 6 май.

<sup>35</sup> Муаллифлар маълумоти шубҳали бўлса-да, уларни айнан келтирдик.

<sup>36</sup> Гиршфельд В., Галкин М.Н. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть II. Ташкент, 1903. С.137.

<sup>37</sup> Ўз МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 596-иш, 2-варақ.

пи  
да  
ан  
им  
ш-  
и,  
ш,  
ш  
д  
х  
ж  
м  
ш,  
л  
о-  
д  
р  
к  
к  
х  
к  
г  
ш  
о-  
х  
а  
да  
га  
ад  
ла  
ла

бино қилди ва Ҳусайн Муҳаммадбой бир мадраса бино қилди ва Дўст Олим бир мадраса бино қилди ва қози ал-қуззот қози Муҳаммадсалим бир мадраса бино қилди ва Исломхожа бир минорали мадраса бино қилди. Бу биноларнинг ҳаммалари ал-ҳазратнинг тарғиблари била бўлди... Кўп масжидлар, мадрасалар ва қорихоналар бино бўлиб, кўп ерлар ободон бўлди»<sup>38</sup>.

Хива хонлиги аҳолисининг маданий даражасини белгиловчи соҳалардан бири албатта соғлиқни сақлаш масаласидир. Бу даврда рус врачлари хонликда европача замонавий даволаш ишини йўлга қўйишга ҳисса қўшди. Хонлик халқи орасида турли касалликлар ҳамда ўлим сони ортиб бориши муносабати билан рус шифокорлари хонга Хива шаҳрида 10 ўринли, Янги Урганч ва Қўнғиротда 6 ўринли кичик шифохона очишни таклиф қиладилар. Вақти келиб улар очилади. Маълумотларга кўра, 1891 йилнинг уч ойи ичида 10 000 дан ортиқ киши шифохонага мурожаат қилган ва улардан 4747 таси аёллар бўлган<sup>39</sup>. Тан олиб айтиш керакки, Хива хонлиги Россияга бўйсундирилгандан сўнг хонликнинг кўпгина жойларида малакали рус шифокорлари ёрдамида соғлиқни сақлаш ишлари бирмунча йўлга қўйилди.

Хива хонлигида XIX аср охири – XX аср бошида Ўрта Осиёда биринчи марта Хива хонлигида Худойберган Девонов (1878–1940) саъй-ҳаракатлари билан кино санъати вужудга келди<sup>40</sup>. У 1907-1908 йилларда Москва, Петербурдан телескоп, граммафон, кино ва фото асбобларини олиб келиб, Хива шаҳрида фотолаборатория ташкил қилди. Худойберган Девонов «Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари», «Туркистон кўринишлари» ва «Хива ва хиваликлар» каби қисқа фильмларни яратган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошида Хива хонлигида анъанавийликка эргашган ва айни пайтда янги давр билан бўйлашишга қаратилган маданий ҳаёт мавжуд бўлган. Хива хонлиги анъанавий шарқ адабиёти ва санъати қадриятларини ҳам, янгилиниш билан боғлиқ жиҳатларни ҳам ўзига хос тарзда турмушга тадбиқ қилиш йўлидан борган. Буларнинг барчасида Муҳаммад Раҳимхон II нинг ўрни катта бўлган.

<sup>38</sup> Баёний Муҳаммадйусуф. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 й., 252-253-бет.

<sup>39</sup> Ўз МДА. 125-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 65-варақ, 309-иш, 15-варақ.

<sup>40</sup> Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. Тошкент: «Фан», 1987, 15-16-бетлар.

## Хоразм кутубхоналари<sup>41</sup>

Инсоният тамаддунининг марказларидан бири бўлмиш Хоразм ўзининг маданий ҳаётида узоқ ўтмишга бориб тақаладиган китоб ва кутубхоналари тарихига эга.

Хоразмда эрамиздан олдинги IV–III асрга оид Қўйқирилган қалъа шаҳри вайроналарини қозиш вақтида қадимги Хоразм ёзувининг намунаси топилган. Унда расадхона мавжудлиги ўлкада тараққий топган ёзма маданият бўлгани билан боғлиқдир. Масалан, Тупроққалъани қозиш вақтида бутун бошли архив қолдиқлари топилган. Уларни олимлар Кушон подшоҳлиги даврига тааллуқли деб топганлар (эрамизнинг I–III аслари). Демак, ўша даврларда ҳам Хоразмда анчагина ўқимишли кишилар мавжуд эди ва улар маълум маънода ўз бой кутубхоналарига эга бўлганлар. Аммо бу даврда Хоразмнинг, умуман, Ўрта Осиё халқларининг ёзма манбалари деярли сақланиб қолмаган. Машҳур мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) айтишича, араблар маҳаллий дин, санъат, адабиёт намояндаларини, олимларни ўлдирганлар, уларнинг асарларини, маданий бойликларини йўқотишга ҳаракат қилганлар. Маҳаллий ёзувни, турли ҳужжатларни ёндириб юборганлар<sup>42</sup>. Аммо Хоразм ёзувида сақланиб қолган айрим ҳужжатлар археологик қазилмалар жараёнида топилган ва тадқиқ этилган. Хоразм ёзуви ёдгорликларининг катта туркуми, юқорида айтганимиздек, Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Тупроққалъа харобаларидан топилган ёғоч тахтачаларга ва чарм юзасига ёзилган ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар илмий муомалага киритилган<sup>43</sup>.

Исломот таълимоти тез орада адабиёт, санъат, фан, фалсафа, ахлоқ, урф-одат, таълим-тарбия кабиларнинг барчасига ўз таъсирини кўрсатди. «Кўп ўтмай эътиқодли халқ ёт араб имлосида хат-савод чиқаришга киришади. Масжид ва хонақоҳлар савод мактабига айланиб, имому мутаваллилар устозу мутакаллим вазифасини бажарадилар»<sup>44</sup>. VIII–X асрларда кутуб-

---

<sup>41</sup> Мазкур қисм Ҳамидулла Аминов томонидан тайёрланиб, Франциянинг Ўрта Осиёни ўрганиш институти (IFEAC) тадқиқотлари лойиҳаси доирасида бажарилган.

<sup>42</sup> Беруний. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент: «Фан», 1968, 72-бет.

<sup>43</sup> Исҳоқов М. Тарихни тилга киритган ёзув // Фан ва турмуш. 2006, №1-3, 33-35-бетлар.

<sup>44</sup> Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Фафур Фулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. 153-бет.

хоналар аввало масжидларда вужудга келди, сўнг йирик олимлар, шоҳ ва вазирлар томонидан шакллантирилди. Умуман, китобга қизиқиш, уларни тўплаш ва сақлаш ўрта асрда маърифатга интилишнинг муҳим қисмига айланди. Масжид, мадраса, шифохона, саройларда ва бошқа ерларда шахсий кутубхоналар сони кўпайди. Катта шаҳарларда, масалан, Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч каби маданият ўчоқларида катта кутубхоналар мавжуд эди<sup>45</sup>. Шундай қилиб китобга қизиқиш, уни тарқатиш ва кутубхоналарга жамлаш маънавий-маърифий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

VIII–XI асрларда ҳам Хоразм фан ва маданиятнинг йирик маркази бўлиб, бу ерда Шарқнинг буюк олиму шоирлари тўпланган эди. Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма»нинг барча ажойиб анъаналарини давом эттирган Ўрта Осиёда биринчи Хоразмшоҳ Маъмун (999–1017) томонидан академия ташкил қилинди. У Гурганжда жуда катта илмий жамоани тўплай олди. Уларнинг илмий тадқиқотлариغا шароит яратиб берди. Маъмун саройи қошида араб, форс, турк тилларидаги қўлёзмалар жамланган кутубхона ташкил қилинган эди. Шунингдек, кутубхонада китоб усталари, хаттотлар, муқовасозлар Хоразмшоҳ ва унинг аъёнлари буюртмасига биноан қўлёзмаларни тайёрлар эдилар<sup>46</sup>. Хоразмшоҳ Маъмун 1011 йилда Абу Мансур ас-Саолибийга (961–1038) ўзининг ана ўша бой кутубхонасини кўрсатган эди<sup>47</sup>.

Бу даврдаги катта кутубхоналардан бири Хоразмнинг таниқли олими Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (ваф. 427/1036) хонадониди тўпланган эди. Кутубхона деворлари ёнида ҳар бирида нафис сўз ёки муайян фан соҳасига тегишли қўлёзма китоблар сақланаётган темир сандиқлар қатор териб қўйилган. Бадавлат Ибн Ироқ Хоразмшоҳ Маъмуннинг қариндоши бўлиб, уйдаги кутубхонасида риёзиёт ва фалсафага оид рисоалардан, шунингдек, фалакиёт илми жадвалларидан нусха кўчириб берувчи ходимларни ишлатиш имкониятига эга бўлган. Сандиқларда Бағдод, Рай, Дамашқ, Бухорода ўша даврдан юз, икки юз йил илгари яратилган қўлёзмалар сақланган. Ибн Ироқ кутубхонасининг ноёб ганжиналаридан бири ғоят

<sup>45</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Тошкент: «Фан», 1994, 34-бет.

<sup>46</sup> Ахунджанов Э.А. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии. Ташкент: Изд. полиг. объединение имени Ибн Сины, 1993. С.62.

<sup>47</sup> Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. Москва: «Наука», 1985. С.245.

ажойиб тарзда безалган «Шопуркон» эди. Китоб қалин чарм муқовага олинган, устига тоза кумушдан нафис ҳал бериб таёрланган эди. Китоб матни хитой қоғозида зарҳал ҳарфларда ёзилганди<sup>48</sup>.

XII–XIII асрларга келиб Гурганж мадрасаси кутубхоиаларида катта қўлёзма мажмуалари борлиги ва у ерда «барча илмлар соҳасида кенг билимга эга» малакали мударрислар ишлаганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд.

Мўғул истилосидан биров олдин Марвдан чиқиб кетган Ёқут Ҳамавий (1178–1229) мазкур шаҳарда ўша вақтда ўнга йирик кутубхона бўлганлиги тўғрисида ёзган эди. Жомеъ масжиди кутубхонасида 12 минг жилд китоб тўпланган<sup>49</sup>. Шаҳардаги барча кутубхоналардан фойдаланганини ва шу туфайлигина асарларини ёзганлигини эътироф этган Ёқут Ҳамавий Марвда лозим бўлган асар нусхалари ҳам кўп бўлганлигини, асос эътибори билан дунёнинг бирор шаҳридаги кутубхона Марв билан беллаша олмаслигини қайд қилган<sup>50</sup>. Ҳатто у кутубхонада Берунийнинг фақат табиий фанларда ёзилган китоблари рўйхати ёзилган 60 варақли дафтарни кўрганлигини қайд ҳам этган<sup>51</sup>. Демак, ўша пайтнинг кутубхоналаридаги китоблар рўйхати бўлганлиги, шунингдек, улар ҳозирги даврлардагидек, системалаштирилган, фанларга ажратилган, муаллиф номлари бўйича қилинган каталоглар бўлганлигини билдиради. Бу Хоразмшоҳлар даврида Марвнинг буюк бир маданият марказига айланганидан далолат беради. Хоразмдаги кутубхоналар ҳақида ан-Насавий (ваф. 646/1249) берган хабарни ҳамда шаҳарда китоб тижорати билан шуғулланган саҳҳофларнинг махсус бозори бўлганлиги тўғрисидаги фикрини эътиборга олсак, пойтахтнинг улкан илмфан ва маданият марказига айланганлиги маълум бўлади<sup>52</sup>.

---

<sup>48</sup> Исмоилова Э. Қўлёзма китобат санъати // Хива минг гумбаз шаҳри. Тошкент: «Шарқ», 1997, 88-бет.

<sup>49</sup> О.Қосимова уни шаҳарнинг Азизия мадрасаси ҳузуридаги кутубхонада бўлган, деб ёзади. Қаранг: Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Тошкент: «Ўқитувчи», 1992, 7-бет. Аслида, катта жоме масжидига тегишли «Азизийа» ҳамда «Камолыйа» номли иккита (фонд) кутубхона мавжуд бўлган.

<sup>50</sup> Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. Тошкент: «Шарқ», 1999, 106-бет.

<sup>51</sup> Ёқут Ҳамавий. Мўъжам ал-удабо. Байрут: Мактабат ал-мишкот ал-исломиййа, жузь 17.

<sup>52</sup> Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. Тошкент: «Шарқ», 1999, 106-107-бетлар.

ХII асрда Хоразмшоҳ Муҳаммад саройи қошида Шаҳобиддин Хивақий ўз маблағи ҳисобидан беҳад бой кутубхона ташкил қилди. Муаррих ан-Насавий фикрича, бундай кутубхона «аввал ҳам, кейин ҳам бўлмаган». Султон Алоуддин Муҳаммад (1200–1220) давридаги Хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбобларидан бўлган мазкур зот Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивақий бўлиб, у машҳур фақиҳ, шофия мазҳабининг муфтийси эди. Унинг зукко ва зийрак шоғирдлари кўп бўлганлиги манбаларда қайд этилади. Султон жуда муҳим ишларда у билан маслаҳатлашарди. Шаҳобиддин Хивақий Хоразмнинг бешта мадрасасида дарс ўқир, фақат дарслари тамом бўлганидан кейин бошқа ишларга қарар эди. Унинг машҳур кутубхонаси Хоразмдаги Шофия масжиди қошида жойлашганди<sup>53</sup>. Мўғул истилоси тўғрисида хабар топган Шаҳобиддин Хивақий Хоразмни тарк этар экан, энг нодир китобларни олиб кетади. Зеро, у бу китоблардан айримларига эга бўлиш учун кўп ҳаракат қилганди. Бир неча йилдан сўнг, ватанини бутунлай тарк этишга мажбур бўлганида, у ҳаммадан кўп ўз китобларига ачинган<sup>54</sup>.

ХVI асрда янги ташкил топган Хива хонлиги саройи кутубхоналарида хаттотлик, ҳусни хат мактаби шаклланди. 1556 йили хаттот Ҳамдамий Хива аъёнларидан бўлмиш Эшмуҳаммадбийга Фирдавсийнинг (941–1025) «Шоҳнома»сини кўчириш жараёнида қўлёзмада миниатюралар келтирилиши учун мўлжалланган очиқ жой қолдирган. Аммо, ушбу миниатюралар самарқандлик мусаввир Муҳаммадмурод Самарқандий томонидан анча кеч, ХVII асрда қўлёзмага киритилган<sup>55</sup>. 964/1556 йилда Хоразмда кўчирилган ушбу қўлёзмада ҳозирги кунда 115 та миниатюра мавжуд<sup>56</sup>. Эшмуҳаммадбий кутубхонасидаги ўзи вақф қилган китобларидан баъзилари Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг шарқшунослик институтида сақланади<sup>57</sup>.

Абулғози Баҳодирхон (1643–1663) томонидан ҳам қимматли тарихий қўлёзмалар тўпланган. Унинг ўзи қайд қилишича, «Эрон билан Туронда

---

<sup>53</sup> Бунёдов З. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998, 157-бет.

<sup>54</sup> Ўша жойда.

<sup>55</sup> Исмоилова Э. Қўлёзма китобат санъати // Хива минг гумбаз шаҳри. Тошкент: «Шарқ», 1997, 88-89-бетлар.

<sup>56</sup> Oriental miniatures. Volume I. 14<sup>th</sup>-17<sup>th</sup> centuries. P. 141-160. Ушбу нодир қўлёзма ЎРШИ институтида №1811 тартиб рақами билан сақланади.

<sup>57</sup> Масалан, ЎРШИ-1, №№ 1283, 8404.

ўтган Чингизхон ўғилларининг оталарини айтилган тарихлардан ушбу замон фақирнинг олдинда ўн саккиз мужаллад ҳозир турар»<sup>58</sup>. Унинг буйруғи билан 1062/1652 йилда кўчирилган «Куллиёти Хоқоний» асарининг нодир нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг фондида №1057 тартиб рақами билан сақланади. Демак, у ўз кутубхонасини китоблар билан доим бойитиб боришга ҳаракат қилган.

Муҳаммадамин иноқ (1763–1790), Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825), Аллоҳқулихон (1825–1842), Сайид Муҳаммадхон (1856–1864) каби Хива хонларининг муҳрлари босилган қўлёзмалар борки, улар орқали биз ўша даврлардаги китобхонлик маданияти, қандай китоблар кўпроқ мутолаа қилинганлигини, хонларнинг маърифат даражасини аниқлашимиз мумкин. Афтидан, маърифатпарварлик, маданият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш Хива хонларининг аксариятига хос бўлган.

Хонлар ўз саройларидан ташқари ўзлари қурдирган мадрасалар қошида ҳам кутубхоналар барпо этишга, уларни китоблар билан бойитишга аҳамият бериб келганлар. Уларнинг мадрасаларга қилган вақф китобларини қўлёзма китоблардаги муҳрлари орқали аниқлаб олишимиз мумкин<sup>59</sup>. Муҳаммадамин иноқ ҳамда Аллоҳқулихон ана шундай китобхон ва китобсевар хонлардан бўлганлар. Уларнинг кутубхонасига тегишли ўндан ортиқ қўлёзмалар ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади<sup>60</sup>. Қутлуғмурод иноқ (1855–1856) ҳам ўзи қурдирган мадрасага китоблар вақф қилиб турган. Масалан, ЎзР ФА ШИнинг қўлёзмалар фондида сақланадиган 6762 тартиб рақамли қўлёзма китобнинг бир қанча варақларида «Бу китобни Қутлуғмурод иноқ ва бий ўзи обод қилган (маъмур этган) мадрасага вақф қилди» деб форс тилида битилган 200 x 300 мм ўлчамли саккиз бурчакли муҳри мавжуд. Умуман, Қўнғирот сулоласининг барча хон ва шаҳзодалари ўзлари қурдирган мадрасаларга китоблар вақф қилиб турганлар. Мазкур институтнинг 1399 тартиб рақамли нусхадаги муҳрда: «Ин китоб вақф дод унвон. Аллоҳқули Баҳодирхон» деб ёзилган ва ҳижрийда 1245 йил санаси қўйилган. Муҳр тожсимон бўлиб, 250 x 220 мм ўлчамга эга. Демак, Аллоҳқулихон сарой кутубхонасидан ташқари ўзи қурдирган мадрасага ҳам китоблар вақф қилиб турган. Бундай анъана сулоланинг кейинги хонларига ҳам тегишли бўлган.

---

<sup>58</sup> Абулғози. Шажараи турк. Тошкент: «Чўлпон», 1992, 4-бет.

<sup>59</sup> Қўлёзма китоблардаги муҳрларни аниқлашда яқиндан ёрдам берган ЎзР ФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими т.ф.н. Ш.Зиёдовга миннатдорчилик билдирамиз.

<sup>60</sup> Масалан, ЎРШИ-1, №№780, 6855, 13220, 13377...

А.Н.Самойлович маълумот берганидек, «унинг умуман китобга, ундан нусха кўчиришга бўлган иштиёқи жунун даражасида» бўлган Муҳаммад Раҳимхон Феруз баъзида давлат ишларидан толиқиб, кутубхонага кирар, ўз буйруғига кўра хаттотлар кўчирган янги китобларни варақлаб ўтирарди. Дарвоқе, хоннинг ота-боболаридан тўпланиб келинаётган, хон амри билан кўпайтирилаётган жуда бой кутубхонаси бор эди. Хива кутубхоналарида қўлёзма матнни ҳуснихат ва гўзал нақшлар билан безаш мақсадида мусаввирлар ҳамда моҳир хаттотлар узоқ, қунт билан ишлар эдилар. Кутубхонадаги бундай ишлар Муҳаммад Раҳимхон Феруз ҳукмдорлиги йилларида сезиларли равишда кенгайди. Хоннинг ўзи ҳам илм-фан, шеърят ва хаттотлик машғулотларига кўп вақт ажратар эди. А.Н.Самойлович таъбири билан айтганда, «илм-фан ва санъатнинг маърифатпарвар ҳомийси» Муҳаммад Раҳимхон II ўз саройида кутубхона қошидаги устахонага катта эътибор билан қараб, тез-тез буюртмалар берар эди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири қишки қароргоҳ – Арк ичкарасида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги Тозабоб саройида жойлашган эди. Бу кутубхоналарда ихчам каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига уларнинг номлари битилган ёрлиқлар ёпиштирилган эди. А.Н.Самойловичнинг кўрсатишига қараганда, қишки кутубхона Аркнинг ғарб томонидаги бинонинг юқори қаватида, чоғроққина хонада жойлашганди. Хонанинг шимол тараф деворида ёпиқ жавон, кунботар тарафида эса иккита ойнаванд эшикчали жавон турарди. Жавонларнинг бирида кичкинагина қўлёзма каталогда 500 та қўлёзма ва китобларнинг номи ҳамда рақамлари кўрсатилган. Кунботар тарафдаги жавонда эса тиббиётга оид кўплаб китоблар мавжуд. Орқадаги жавонда бўлса, тарихий, тасаввуфий ҳамда сиёсатга оид асарлар, ҳар хил қўлёзма ва босма китоблар бор эди. Китоблар асосан форс тилида, арабчаси камроқ. Туркий тилидаги адабиётлар эса чигатой туркийси, усмонли (румли) ҳамда қозоний-татар (нўғой)ча эди<sup>61</sup>. А.Язбердиев бу кутубхонада 550 та китоб мавжуд бўлган дейди<sup>62</sup>. А.И. Кормилицын эса ушбу кутубхоналарда 1200 га яқин китоблар бўлганлигини ёзади<sup>63</sup>.

<sup>61</sup> Самойлович А.Н. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе II. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня // Известия Академии наук Туркменской ССР. Серия общественных наук. 1981, №1. С.74.

<sup>62</sup> Язбердиев А. Гундогар метбелчилиги ва қоне туркмен басма китоплары. Ашгабат: 2002, 290-бет.

<sup>63</sup> Кормилицын А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. Ташкент, 1993. С. 35.

Тозабоғдаги хоннинг кутубхонасини 1908 йилда ўз кўзи билан кўрган А.Н.Самойлович у ерда ҳаммаси бўлиб, 200 та атрофида босма ва қўлёзма китоблар бўлганини қайд этган<sup>64</sup>. Ҳар бир қўлёзманинг муқоваси четига ошпоқ қоғозда ёрлиқча ёпиштирилган бўлиб, унга китоб номи, жилди ҳамда қўлёзма ва босма асар эканлиги ва мавзуси, яъни насрда ёки назмда битилганлиги ёзиб қўйилган. Арқдаги кутубхонадаги китобларнинг каталогини кўрган А.Н.Самойлович бу ердаги китобларнинг каталоги йўқ, деб ёзади.

Хиванинг Чор Россияси томонидан забт этилиши оқибатида Ўрта Осиё халқларининг эрки, инсоний ҳуқуқлари поймол қилинди. Улар моддий бойликларини ўз тасарруфига тортиш билан қаноатланмай, маънавий мулкни ҳам талон-ғарож этди. «Кауфман келиб, Арқка кириб, тахти Хоразмшоҳийда ўлтиргандан» кейин Хоразм хазинасидан жуда катта бойлик Петербургга жўнатилади. Қимматбаҳо нарсалар билан биргаликда, хон алоҳида сақлайдиган 300 жилдан ортиқ нодир қўлёзма китоб ҳам Петербургга жўнатилади. Баёний бу маълумотларни ички бир таассуф, норозилик оҳанги билан ёзган эди: «Яна бир уйда уч юз мужаллад<sup>65</sup> ёзма музайян китоблар бор эрди, ...Петербургга юборилди»<sup>66</sup>. Генерал Н.К.фон Кауфман топшириғига кўра шарқшунос А.Л.Кун Хива саройидан 300 қўлёзма, 18 Қуръон, 50 дарслик китобларини мусодара қилган. 140 жилдли бу нодир қўлёзмалардан 129 таси тарихий асарлар эди. Шарқ шоирларининг 30 жилдли асарлари, 50 жилдли фикҳ илмига доир китоблар Петербургга Халқ кутубхонасига юборилди<sup>67</sup>.

А.Самойлович таъбири билан айтганда, «умуман китобга, ундан нуха кўчиришга бўлган иштиёқи жунун даражасида» бўлган Ферузга шундай ажойиб ва нодир китобларнинг Чор Россияси томонидан мусодара қилиниши ва Петербургга юборилиши жуда қаттиқ таъсир қилган, албатта. Чор Россияси келганидан кейинги Феруз обрўси, давлатнинг бир қисми йўқолгани, шунингдек, уларнинг маънавият ва маданиятга қилган тажоз-

---

<sup>64</sup> Самойлович А.Н. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе II. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня // Известия Академии наук Туркменской ССР. Серия общественных наук. 1981, №1. С.79.

<sup>65</sup> Мужаллад – жилд.

<sup>66</sup> Муҳаммадюсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994, 53-бет.

<sup>67</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-жилд. Тошкент: «Шарқ», 2000, 145-бет.

вузи халқни ҳамда Ферузни жуда танг аҳволга солиб қўйди. Бундай танглик ва қарахтлик ҳолатидан чиқиб кетиш учун, халқнинг кўнглини кўтариш, яна маданият ва иқтисодий ривожлантириш лозим эди. Феруз саройга олимларни, созанда ва хаттотларни яна тўплай бошлади, уларга ўзи ҳомийлик қилди<sup>68</sup>. Тўпланган тарихий ва бадиий асарлар ва амалий санъат ёдгорликларидан бир қисми Тошкент, Нижний Новгород, 1904 йилда АҚШда халқаро кўргазмаларда намойиш этилади. Бу нодир ва ноёб санъат асарлари Хоразмнинг бетакрор маданиятига жаҳонда катта қизиқиш уйғотади<sup>69</sup>. Бу хилдаги тадбирлар сарой кутубхонасининг бойиб боришига сабаб бўлди. Афғондил Эркинов ҳамда Шодмон Воҳидовларнинг аниқлашларига қараганда, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг ҳукмронлик йилларининг охири давралига келиб, сарой кутубхонасидаги жами қўлёзма ва тошбосма китоблар 914 та (шулардан 604 таси қўлёзма, 310 таси тошбосма асарлар)ни ташкил этган. Булар 1911-1912 йилларда ёзилган сарой кутубхонасининг феҳристи-катологи орқали маълум бўлган<sup>70</sup>.

Хонларнинг ака-укалари, қариндошлари ҳам китобхонликка ниҳоятда аҳамият берганлар. 1200/1786 йилда Хива қалъасининг деворлари янгидан таъмирланади. Ўша йили қалъа ичида ҳам бир қанча мадраса ва масжидлар таъмирланади, янгидан барпо этилади. «...инилари (Муҳаммадамин иноқнинг иниси – Ҳ.А.) беки комил Муҳаммадфозил мадрасаи Шерғозихоннинг шикаста ва вайрон бўлган ерларин таъмир қилиб...»<sup>71</sup> бўлганларидан кейин унинг кутубхонасига китоблар вақф

<sup>68</sup> Хоразм воҳасидаги баъзи маҳаллий матбуот ва маҳаллий адибларининг асарларида Муҳаммад Раҳимхон Феруз 1898 йил 12 апрелда хонлик ҳудудида сақланиб қолган қадимий маданий ёдгорликларни тўплаш ҳақида алоҳида фармон чиқарганлиги ҳам қайд этилади. Ушбу фармонда: «Қадимдан қолғон ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирмасунлар, ҳар бир тариқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тариқа бино бўлганларини ва кўҳна тилло ва танга ва фуллар бўлса, баҳолаб топиб мунда юборсунлар» деб кўрсатилган экан. Ана шу фармон Ферузнинг маданиятимиз тарихига, миллий қадриятларимизга нақадар эътибор ва масъулият билан қараганлигидан гувоҳлик беради. Бундай фармоннинг асл матни топилган эмас, бинобарин, ушбу фармоннинг аслида чиқарилгани шубҳалидир.

<sup>69</sup> Саъдуллаев А., Сотлиқов А. Хоразм Маъмур Академиясининг тарихий илдизлари. Урганч-2003. Нукус: Қорақалпоғистон нашриёти, 2003. 328-бет.

<sup>70</sup> Erkinov A., Vahidov. Sh. Une source m'connue pour l'étude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim II (Khiva, fin XIX<sup>e</sup>. s). P. 178.

<sup>71</sup> Рисола хилвати сўфийҳо. ЎРШИ-1, №.7610, 24а.

қилган<sup>72</sup>. Эшмухаммадбийнинг ўғли Фозилбек қилган вақф китоблари 1203/1788-89 йили кўрсатилган ўз муҳри билан тасдиқланган<sup>73</sup>. Кейинчалик у 1234/1799 йилда қурдирган мадрасасига китоблар вақф қилган<sup>74</sup>.

Натижада бир қатор мадрасаларда ўзига хос кутубхоналар шакллана бошлади. Қўлэзма асарларда китоб Хиванинг қаерида ёзилганлиги ҳам қайд этилади. 1311/1893 йилда Домла Бекмухаммад томонидан Абдулали Биржандийнинг (ваф. 935/1528) «Мухтасар ал-Виқоя» асарига ёзган шарҳи таржима қилинади<sup>75</sup>. Унинг Мусо тўра мадрасасида таржима этилганлиги ёзилган. Шунингдек, тажвидга оид асар 1909 йили Муҳаммадйусуф ал-Бадрхоний тарафидан Хиванинг энг катта ва машҳур мадрасаларидан бири – Арабхон мадрасасида таржима қилинганлиги маълум<sup>76</sup>. Демак, мадрасалар кутубхоналарини бойитиш мақсадида у ерларда моҳир хаттотлар китобларни узлуксиз кўчириш учун фаолият олиб борганлар.

Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қариндошларидан Абдуллоҳжон тўра ҳамда Носиржон тўраларнинг ҳам ўз шахсий кутубхоналари мавжуд бўлган. Носиржон тўра Феруз даврининг таниқли шоир ва маърифатпарварларидан ҳисобланади. Ҳасанмурод Лаффасий (1898–1942) ёзишчи, у 1305/1887 йили таваллуд топган<sup>77</sup>. Кейинчалик ўн нафар шахзода қаторида Сибирга сургун қилинган ва кейинги тақдири номаълум<sup>78</sup>. Тарихчи Муҳаммадйусуф Баёний (1859–1923) Хива шахзодаси Носирхон тўра Султонийнинг девонига ёзган сўзбошисида унинг васфида шундай деган эди: «Ҳафтада икки навбат уламо била суҳбат тузуб, китобхонлиқ этар эрдилар. Ул мажлиси олийда даҳон\*нинг дуржи лаолий бениҳоятин д бағоят гуҳари шахвор нисор этар эрдиларким, ҳама ғоят ҳайратдин лол ва шикаста мақол бўлур эрдилар.

---

<sup>72</sup> Унинг муҳри 270 x 370 мм. ҳажмли саккизбурчак шаклида бўлиб, икки хил сана кўрсатилган. Бу «Шерғозихон» мадрасаси ҳамда ўзи қурдирган мадрасага қилинган вақф китоблари учун бўлса керак.

<sup>73</sup> Жумладан, унинг муҳри босилган қўлэзмалар ЎРШИ фондида №№6636, 6645, 6663 каби тартиб рақамлари билан сақланади.

<sup>74</sup> У вақф қилган китоблар орасида ушбу йил кўрсатилганлари, жумладан, ЎРШИ фондида №№8357, 8370 каби тартиб рақамлар билан сақланади.

<sup>75</sup> ЎРШИ-1, №7314.

<sup>76</sup> ЎРШИ-1, №3987/1.

<sup>77</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч, 1992, 32-бет.

<sup>78</sup> Бобожон Тарроҳ. Хоразм навозандалари. Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. 32-33-бетлар.

\* Муҳаммад Раҳимхон Феруз назарда тутиляпти.

*Тузуб олимлар ила суҳбати хос,  
Аларга кам-кам ортар эрди ихлос.  
Оғиздин бениҳоят кўп гуҳарлар,  
Сочарлар эрдилар мажлисга яксар»<sup>79</sup>.*

Буни Бобожон Тарроҳ Ходим (1878–1970) ҳам ўз эсадиқларида тасдиқлайди: «Олимлар бирла ҳар ҳафта зиёфат қилиб, биринчи олим Юсуф Ҳожи охун, иккинчи олим Сиддиқ охун, учинчи Юсуфбек (адабий номи Баёний)лар бирла зиёфат қилиб, алардин шоирликни ўрганиб, хусусан, Юсуфбек Баёнийни ўзига устоз қилиб олиб шоир бўлди»<sup>80</sup>.

Шунингдек, Отабек тўра Оқилнинг ўта машҳур кутубхонаси бор бўлган. У Феруз опасининг ўғли эди. Оқил Муҳаммад Раҳимхон Феруз қўл остида тарбия топган бўлиб, ўқимишли, араб, форс ва рус тилларини мукамал билган. Расм ва ислимий нақшларни жуда чиройли чизадиган наққош ва рассом бўлган. У саховат соҳиби бўлиб, «ҳамиша уламо, машойхлар била ҳамсуҳбат ўлиб, доимий китобхонлиқ қилиб, аларнинг суҳбатларидан баҳра олур эрди». У ўз даврининг хат услубларини ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, моҳир хаттот саналар эди. «Аммо Оқил шундоғ хушхат хатти кўфий, хатти райҳоний, хатти сулс, хатти арабийларни яхшигина ўқиганидек ҳам ёза билур эрди», деб ёзади Лаффасий. Унинг адабий тахаллуси Оқил бўлиб, маҳоратли шоир саналар, ўша давр анъаналарига кўра девон тартиб берган эди. Яна у Хоразмнинг етук созандаси Муҳаммадқуб позачидан саз ўрганган бўлиб, Хоразм мақомларини ҳам тўла ўзлаштирган. Отабек тўра 1930 йилда 55 ёшида вафот қилган<sup>81</sup>. Лекин Лаффасий уни 1923 йил вафот этган, деб ёзади<sup>82</sup>.

Унинг бой кутубхонаси бор эди. Унда араб, форс ва туркий тиллардаги китоблардан ташқари рус ва инглиз тилларида чиққан китоб ва журналлар, ҳар хил газеталар ҳам бор бўлган. Бу кутубхона ўз даврининг оммавий кутубхонаси ҳисобланган. Лаффасий ёзади: «Чет мамлакатлардин дағи турлук китоб, журнал олиб истеъмол қилиб турганидек, тарихшунос бўлиб, ўзига махсус кутубхона қилиб, «Хайриёти кутуб» деб, кимлар бўлса ҳам

<sup>79</sup> Девони ҳафт шуаро. Хива, 1324 (1906-1907). 31-32 бетлар (ЎРШИ, Тошбосма. №40).

<sup>80</sup> Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари. Тошкент, 1994, 31-бет.

<sup>81</sup> Ўша жойда. 44-бет.

<sup>82</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч шаҳри, 1992, 39-бет.

ҳамма вақт истеъмолга бериб турар эрди»<sup>83</sup>. Ушбу кутубхонага тегишли бир қанча қўлёзмалар ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Уларда руслар таъсири остида рус тилида ёзилган «Атаджан тюра. Кутубхонаи Назриййа» каби ёзувлар мавжуд<sup>84</sup>. Мазкур фондда сақланадиган 8505 тартиб рақамли қўлёзмада: «Кутубхонаи Назриййа. Муассиси Ҳасанмуродбек ал-машҳур Атобек тўра ал-мутахаллис Оқил» деган жумлалар қайд этилган<sup>85</sup>. У ўз кутубхонаси китобларига номер-тартиб рақами қўйиб чиққан бўлиб, рақам ёзилгандан сўнг «нўмра» сўзини ҳам ёзиб қўйган<sup>86</sup>. Доирадаги 6886 тартиб рақами билан сақланувчи қўлёзмининг 1<sup>а</sup> varaғининг юқори қисми бурчагида: «Тартиб нўмраси 24 чи, баҳоси икки сўм хон танга» деб, 1307/(1889) ҳижрий сана қайд этилган. Кейинчалик ушбу қўлёзма яна бир шахзода Раҳматуллоҳ тўра кутубхонасига ўтган. А.Н.Самойлович ўзининг «Хива саройи китоб асровхонаси ва тошбосмаси» деган асарида Исфандиёр тўранин<sup>87</sup> ва бош вазир Исломхожанин<sup>88</sup> кутубхонаси борлигини қайд этади. Унинг ёзишига қараганда, бу икки сарой аёни унга китоблар ҳада қилганлар ва ўзларининг қўлларида сақланаётган қўлёзма китобларини кўрсатганлар<sup>88</sup>.

Хива давлат архиви ҳужжатларида саройда китоблар учун ишлатилган харажатлар ҳам битилган. Жумладан, «Отажон тўрамиз (Сайид Муҳаммадхоннинг ўғли, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг укаси Сайид Аҳмад тўра - Ҳ.А.)нинг китобларини шикаст-рехтига саккиз танга берилди» каби қайдлар мавжуд<sup>89</sup>. Демак, сарой харажатларидан шахзодаларнинг китобларини таъмирлаш, уларнинг янги китоблар сотиб олиши учун ҳам пуллар ажратилган.

Шунингдек, тахт вориси, бошқа шахзодалар (масалан, Саъдулло тўра, Сайид Асад тўра, Сайид Абдулло тўра)дан ташқари мансабдор аёнлар ва айрим уламоларнинг ҳам ўз кутубхоналари бўлган. Хоразмнинг моҳир

---

<sup>83</sup> Ўша жойда.38-бет.

<sup>84</sup> Масалан, қаранг: ЎРШИ-1, №7433.

<sup>85</sup> ЎРШИ-1, №8505, 1<sup>а</sup>.

<sup>86</sup> Масалан, ЎРШИ-1, № 3924. Унда 21 номери ёзилган. 22 тартиб рақами қўйилган қўлёзма ЎРШИда №1219 тартиб рақами билан сақланади.

<sup>87</sup> А.Н.Самойлович Хивага борган 1908 йилда ҳали Исфандиёр тўра хон эмас эди. У Муҳаммад Раҳимхон вафот этганидан сўнг хон бўлган (1910–1918).

<sup>88</sup> Самойлович А.Н. Материальный по среднеазиатско-турецкой литературы. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня. ..., С.82.

<sup>89</sup> Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Тошкент: Ўздавнашр., 1959. 49-бет.

хаттотларидан бири, сарой аёни, Комил Хоразмий (1825–1899)нинг ўғли Муҳаммадрасул Мирзонинг (1850–1922) бой кутубхонаси бўлиб, у ҳақда «отасидан қолгон ва ўзини йиғнағони била минг дурлидин ортуқ китоби бўлиб, буларни ҳеч кимга инонғонидек, орият ҳам бермас эди» деб ёзади замондошлари<sup>90</sup>. Унинг китоблари сонини Ю.Юсупов 5000 дан ортиқ китоб, деб ёзади<sup>91</sup>. У ўз китобларини ниҳоятда қадрлар эдики, китобхонларга уйларига олиб кетишга асло йўл қўймас эди. Фақатгина шу ернинг ўзида ўқишга рухсат берар эди. «Орият» дегани моддий нарсани бировга фойдаланиш учун бериб туришни айтилади. Бу кутубхонани авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўша даврнинг сулолавий кутубхоналарининг типик намунаси деса бўлади. Афсуски, ушбу нодир қўлёзма ҳамда босма китоблар кутубхонаси 1916 йил 10 январь кечаси Хивада қўзғолон кўтарган явмутлар томонидан ёқиб юборилган<sup>92</sup>. Мирзо ҳижрий 1340, милодий 1922 йилда 83 ёшида вафот этди ва ўз хусусий мадрасасига дафн қилинган<sup>93</sup>.

Муҳаммадсодиқ эшон Хоразмнинг машхур қози калонларидан бири бўлиб, Оллоқулихон (1825–1842) даврида хоннинг ўнг тарафида ўтирадиган энг ҳурматли шахслардан бири бўлган<sup>94</sup>. Унинг йирик кутубхонаси мавжуд эди. Кутубхонасига тегишли китоблардан айримлари ҳозирда ЎРШИ кутубхонасида сақланади<sup>95</sup>. Унинг китоблари сулолавий кутубхона тарзида авлодларига ўтган.

XX асрнинг бошларида Хоразмдаги энг йирик хусусий кутубхоналардан бири Мулла Бекчон Раҳмон ўғли (1887-1929)га тегишли бўлган. У Хоразм маърифатпарварларининг кўзга кўринган вакилларида бири бўлиб, Ёш хиваликлар фирқасининг аъзоси, Хоразм Халқ Совет Республикасининг Халқ маданияти ва маорифи нозири, Марказий Ижроия Комитети иш бошқарувчиси бўлиб фаолият юритган. Мулла Бекчон Раҳмонов 1887 йилда Хива шаҳрида туғилган. 1913-1918 йилларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўқиган<sup>96</sup>. Унинг «Озоднома» ва «Хоразм мусиқий тарихчаси» каби китоблари мавжуд. Хоразмда биринчи ташкил этилган «Инқилоб қуёши» газетасининг муҳаррири бўлган.

<sup>90</sup> Мулло Бекчон Раҳмон ўғли, Муҳаммадюсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Москва, «Нашриёт» хусусий матбааси, 1925. 43-бет.

<sup>91</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. Тошкент: Ф.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1967. 74-бет.

<sup>92</sup> Ўша жойда.

<sup>93</sup> Ўша жойда.

<sup>94</sup> Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тошкент: 2005. 39-бет.

<sup>95</sup> Масалан, ЎРШИ-1, №7131, 7150.

<sup>96</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993. 28-бет.

1920 йил 11 апрелда Хивада ХХСР ҳукуматининг ташаббуси билан Халқ музейи ташкил этилади. Унга Мулла Бекчон Раҳмонов раҳбарлик қилган. Ушбу музей қошида кутубхона ҳам ташкил этилади. У «Кутубхонаи умумийи Хива», «Ба умумий мудироти Хоразм», «Хоразм шўролар жумҳуриятининг маориф-маданият назорати қаромақидоғи қироатхонаи умумий» номлари билан юритилган<sup>97</sup>. Кутубхонага халқ қўлида сақланаётган қўлёзма ва босма асарларни сотиб ола бошланди. Шу вақтларда Мулла Бекчон Раҳмон ўғли кейинги даврларда кўчирилган, сифатсиз, ёмон сақланган китобларни ўз кутубхонасига тўплай бошлайди. Баъзи китобларни қайта кўчиртириб, кутубхонасини бойитади<sup>98</sup>. У қўлга киритган китобларининг биринчи ёки сўнги варақларига ўз номини ёзиб қўйган ва кутубхонасига кирган китобнинг тартиб рақамини ҳам қайд этиб борган. Бир қўлёзмада 479 тартиб рақами кўрсатилган. Шу орқали биз унинг кутубхонасида 500 атрофида китоб бўлганлигини биламиз.

Кутубхоналари бор маърифат соҳибларини маҳорат билан тасвирлаган Лаффасийнинг ҳам шахсий кутубхонаси мавжуд бўлган. Унинг кутубхонасига тегишли «Жавоҳир ал-Қуръон» номли тошбосма асар ЎЗР ФА ШИ кутубхонасида 7048 тартиб рақами билан сақланади. Унинг 1<sup>а</sup> варағида «Домла Ҳасанмурод қори мулаққаб ба Комкор, 1314/1896 сана» деган ёзув бор. Яъни, у китобни шу йили қўлга киритган. Лекин китобда унинг 1328/1910 йил санаси қўйилган (111-бетида) 180 x 220 мм. ўлчамли, саккизбурчакли. Муҳри мавжуд. Демак, у узоқ йиллар давомида китоб йиғиш билан шуғулланган.

Китобхонлар қўлида сақланаётган хусусий китобларга китобхоннинг ўз муҳри босилар ёки номи ёзиб қўйиларди. Масалан, 1154 тартиб рақамли китобнинг биринчи бетига «Бу китобнинг соҳиби Сайид Муҳаммад Носиржон тўрадурлар» сўзи форс тилида ёзиб қўйилган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Хоразмда қўлёзмаларга соҳибининг шахсини билдирадиган муҳрлар қўйиш жуда кам учрайди. Хоразмликлар ундан кўра «Ушбу китоб фалончиникидур» деб ёзишни афзал кўрганлар. Энг қизиғи шундаки, муҳри бор арбоблар ҳам муҳр босиш ўрнига номини ёзиб қўявер-

---

<sup>97</sup> Ушбу кутубхонадаги китоблар бугунги кунда ЎРШИ фондига олинган. Биз ушбу кутубхонага тегишли китобларни улардаги кутубхона муҳрлари орқали биламиз.

<sup>98</sup> Масалан, Бекчон Раҳмон ўғли ЎРШИда сақланаётган 7700 тартиб рақамли қўлёзмани ғазибодлик Муҳаммад Шариф деган табиб қўлидаги нусхадан 1925 йил кўчиртирганини охириги варағига ёзиб қолдирган.

ганлар. Масалан, Сайид Абдуллоҳжон тўранинг муҳри ЎРШИда сақланадиган №3340 тартиб рақамли қўлёзмада бор<sup>99</sup>, лекин унинг кутубхонасига тегишли бошқа китобларга муҳри урилмаган<sup>100</sup>. Шунингдек, Сайид Носиржон тўранинг ҳам муҳри бўлган. Лекин у ҳам китобларига муҳр уриб ўтирмаган. Масалан, №6817 тартиб рақамли қўлёзманинг 1<sup>6</sup>-варағида унинг авал шаклидаги 150 x 220 мм ҳажмли 1328 ҳижрий йили кўрсатилган муҳри мавжуд. Китобларнинг биринчи варақлари ёки ундан олдинги одатда бўш қолдириладиган варақлардаги шу хилдаги ёзувлар орқали биз бир қанча маърифатли кимсаларнинг кутубхоналарини аниқладик.

Кутубхонаси бор кишилар қўлида мавжуд ёки кутубхонага вақф қилиб берилган китобларга унинг вақф қилинганлиги ҳамда эгасининг номи қайд қилиб қўйилган. Китобни сотиш ҳамда бошқа шаҳарга олиб чиқиб кетиш мумкин эмаслиги ҳам китобларда кўрсатилган. Масалан, бир тошбосма китобнинг<sup>101</sup> биринчи бети юқорисига Қозий ал-қуззот Домла Муҳаммадамин махдум ибн Раҳматуллоҳ охунд марҳумийнинг 1213 ҳижрий йили (1798-1799) кўрсатилган муҳри урилган ва унинг ёнида эса «Вақфун, ло юнқалу мин ҳаз ал-балад» («Вақф, бу шаҳардан олиб чиқилмаслиги керак!») деган ёзув бор. «Китоби Жунг» деб аталган китоб Аллоҳқулихон мадрасасининг кутубхонасидан ижарага олиб турилганлиги ҳақида ҳам қайд учрайди<sup>102</sup>. Ушбу китоб 1276/1859-1860 йилда Абдураҳим ибн Муҳаммадшариф деган қози калон томонидан ижарага олинган. Демак, мадрасанинг мутаваллий ва китобдорлари мадраса кутубхонасидаги китобларни баъзан ижарага ҳам бериб турган. Ундан тушган маблағ эвазига эса кутубхона ва китобларни таъмирлаган, албатта.

Баъзида вақф қилгувчининг шартлари ҳам муҳрлар ёнига ёзиб қўйиларди. Домла Муҳаммадйусуф ҳожи ибн Сайид Ниёз номли шахс томонидан вақф қилинган китобда унинг шартлари араб тилида мана бу тарзда қайд этилган: «Ушбу китобни мен холис Аллоҳ таоло учун вақф қилдим ва уни менинг авлодимдан ҳар бир талаба мутолаа қилишини шарт қилдим. Агар унга салоҳияти бўлмаса, мутолаа қилишни салоҳияти бор ҳар бир биродаримга топширилади. Агар буларда ҳам салоҳият етарли бўлмаса, ҳар бир толиби илм учун китоб етказилсин. Аллоҳ таоло қабул қилсин.

<sup>99</sup> Муҳр 1<sup>4</sup>-варағига урилган бўлиб, овал шаклида 220 x 280 мм. ҳажмлидир.

<sup>100</sup> Унинг кутубхонасига тегишли қўлёзмаларнинг баъзиси ЎРШИда ушбу тартиб рақамида сақланади: №№7133, 7150, 7171, 7182.

<sup>101</sup> Ушбу тошбосма ушбу сатрлар муаллифи қўлида сақланади.

<sup>102</sup> ЎРШИ-1, №6686, 1<sup>а</sup>.

1295 (1878) сана»<sup>103</sup>. Бундай ёзувлар Бухорода вақф қилинган китобларда ҳам учрайди. Баъзида китобларни бировга сақлаб туриш учун берилган ҳоллари учраганда унинг ҳақи ёзиб қўйилар эди. Масалан, 3193 тартиб рақамли китоб 1262/1845 йилда Мулла Абдулғафур Ҳофиздан сақлаб бериш учун олинган ва у ҳақини ҳар ойда 15 тангадан тўлаб туриши битилган. Шунингдек, китоблар қатта бойлик сифатида гаровга ҳам қўйилар эди. Хусусан, 7137 тартиб рақамли қўлёзмада шундай воқеанинг қайд қилинганини учратдик: «Тарих жумоди ал-аввалнинг охири (1274/1857) минг икки юз етмиш тўрт эрдиким, Бобожон Маҳдум ибн Қози Муҳаммад-содиқ эшон марҳумий бир «Мишкоти шариф» ва бир «Фатово» китоб била ушбу «Маснавийи шариф»ни гаров қўйиб, Ивазмуҳаммад Сўфидан уч тиллои ним мисқолий қарз олди. Ва бу китоблар муҳофазати ужраси (ижара ҳақи - Ҳ.А.) учун ҳар олти ойда (2) икки ярим танга вазни саба бермакчи бўлди». Хоразмнинг қози калони Содиқ эшоннинг кутубхонасига тегишли бўлган Абу Абдурахмон ас-Сулабийнинг «Тафсир ал-ҳақоик» асарининг матндан олдинги саҳифаларида ва охиридаги бўш варақларда юқоридаги маълумотларга ўхшаш олинган қарз эвазига китобларни гаровга қўйиш ҳамда сақлаб туриш ҳақи ёзилган қозилик ҳужжатларининг намуналари қайд этиб борилган. Уларнинг йили, ой ва куни ҳамда ҳужжат тузилаётган вақтдаги гувоҳларнинг номлари ҳам кўрсатилган<sup>104</sup>. Бу ҳужжатлар қози калоннинг муҳри билан тасдиқланган. Ушбу қайдлардан бирида бундай кўрсатилган: «Тарихи ҳижрий 1293 да (милодий 1876 йил) эрдиким, моҳи сафарнинг 12 сйда иқрори мўътабари шаръий қилдилар Қаландархожа охунд эшон маъруф валади Гадоийниёзхожа охунд эшон марҳумий бу жумлағаким, (Муҳаммадкамоул эшон)<sup>105</sup> валади Исмоилхожа эшондин 10 тилло олдуқ. Бу мужаллад китоби тафсири шарифни гаров қилдуқ. Ужрай муҳофазати учун ҳар уч ойда ёрим шоҳий била уч ярим танга бермакчи бўлдуқ. Ҳуззори мажлис: Сайид Абдуллохожа ва Атожон Маҳдум ва ғайруҳумо». Ёки мана бундай: «Тарихи ҳижрий 1299 (1881) эрдиким, зул-ҳижжанинг аввалида иқрор қилди Домла Юсуф Маъруф Хонимжон бикадин 2 тилло олдуқ, деб ва яна ужрай муҳофазати учун шул китобни ҳар ойда ярим танга бермакчи бўлди. Гувоҳлари: Домла Қаландархожа охунд ва Тоҳир хожа». Бундай маълумотлар орқали биз кутубхоналари мавжуд бўлган маърифат соҳибларини ҳам аниқлай оламиз.

<sup>103</sup> ЎРШИ-1, №7127, 1<sup>а</sup>.

<sup>104</sup> ЎРШИ-1, №8349.

<sup>105</sup> Ушбу номни ўчириб ташлашга уринилган.

Муҳр одатда ҳошияга босилади. Муҳр ёзувлари шу китобнинг кимга тегишли эканлигидан ёки сарой, вақф, мадраса кутубхоналарида сақланганидан дарак беради. Хива хонларининг вақф қилган китобларига, шунингдек, қозилар тарафидан ҳам вақф китобларига муҳрлар қўйиш одати мавжуд. Хива хонлари вақф қилган китобларга босилган хонларнинг муҳри ёнида ушбу вақфни тасдиқлайдиган қозининг муҳри ҳамда унинг шу ҳақда чиқарган ҳукмини ёзиб қўйиш одати ҳам мавжуд эди. Шунини таъкидлаш лозимки, бу ҳилдаги қозининг тасдиқлаши бошқа шаҳарлардаги вақф китобларида учрамайди. Сайид Муҳаммадхон вақф қилган 7552 тартиб рақами билан сақланаётган қўлёзмада ушбу китоб хон томонидан вақф қилинганлиги қози калоннинг муҳри билан тасдиқланган. Шунингдек, унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон ҳам вақф қилган китобларини қози томонидан тасдиқлатиб қўйган. Жумладан, у ўз мадрасасига вақф қилган китобнинг 2<sup>а</sup>-варағида шундай дейилади: «Таърихи ҳижрий минг уч юздоғи унда моҳи жу-модий ал-аввалнинг учланжи кунида Султон аз-замон, зиллу-с-субҳон, боис ал-амн ва-л-амон (Абулфатҳ Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон зийда умраҳу ва дома давлатаҳу)<sup>106</sup> вақфи саҳиҳи шаръий қилдилар. Ҳаммаси ва тамоми бир мужаллад «Китоби тафсир ал-кабир», ўз ҳақ мулкларини ўзларининг кўҳна қалъаи Хивақда бино этган мадрасаларига. Ва шарт қилдилар воқифи мазкур муниким, китоби мавқуфаи мазкуранинг мутаваллийси мадрасаи мазкуранинг охундлари бўлсун, ҳар уламо ва ҳар толиби илмни анга ҳожати бўлса, они мутаваллийи мазкурдин олиб, ба қадри ҳожат истеъмол қилиб, ҳожатдин сўнгра мутаваллийи мазкурға тофшурсун. Ва мутаваллийи мазкур они олиб, камо янбағий муҳофазат қилсун. Фа-сора ҳазо вақфун саҳиҳан шаръийан жамиғийан би-жамиғи сиҳҳати шароит ал-вақф. (Бу вақфнинг барча шарт-шароитларига тўғри, шаръий вақфга айланди – Ҳ.Аминов) 1310». Муҳр қозий ал-қуззот Домла Оллоҳберди охунд ибн Мулло Бобо марҳумийга тегишли бўлиб, 1310 ҳижрий сана кўрсатилган. Худди шу ёзув ва муҳр билан «Мабсут ас-Сарахсий» номли йирик ҳажмли китобни ва Каломуллони ҳам вақф қилинган<sup>107</sup>.

Бухоро қўлёзмаларида вақф китобларни фақат вақф қилгувчининг муҳри ёки вақф қилинган маърифат масканининг муҳри орқали таниб олиш мумкин. Уларда китобга ёки қозихоналарда китобларни қози томонидан

---

<sup>106</sup> Ушбу қавс ичидаги сўзлар матндан ажратилиб китоб юқорисига қайд этилган. Хонларнинг номини ҳурмат билан ажратиб юқорида кўрсатиш Хоразмда урф бўлган эди.

<sup>107</sup> ЎРШИ-1, №№6762, 1226.

тасдиқланиши учрамайди. Шунингдек, вақф қилгувчининг шартлари ҳам кўрсатилмаган. Хоразм қўлёзмаларида эса вақф қилгувчи вақф қилган китобини қозига кўрсатиши, шартларини очиқ айтиши ва ушбу вақфни қози тасдиқлаши керак бўлган. Бу ҳолат Хоразм қўлёзмаларида кўрсатилган. Масалан, 9241 тартиб рақамли қўлёзманинг 1<sup>а</sup>-варағида мана булар қайд этилган: «Махфий қолмасунким, таърихи ҳижрий минг икки юз етмиш саккизда (1278) зу-л-қаъда ойи эрдиким, Худойберганбой маъруф валади Отажонбой маҳкамаи қазоға ҳозир бўлуб, иқрори муътабари шаръий қилди. Бу тариқадаким, вақфи саҳиҳи шаръий қилдум бул-китоби «Шайхзода»ни холисан лиллоҳи таоло. Ва кона золика би-маҳзари фи-л-муслимийн»<sup>108</sup>.

Мазкур вақфномадаги охирги арабча иборадан бу хилдаги вақфномалар мусулмонлар ҳақидаги маҳзарлар, яъни ҳужжат тахламлари орасида сақланиши кўрсатилган. Бундай вақфномаларнинг тузулишига сабаб Ўрта Осиё халқлари амал қилиб келган ҳанафий мазҳабидаги вақф масаласидаги кўрсатмаларга асосланган. Ҳанафий мазҳабида Имом Абу Ҳанифа (699-767) кўчмас мулклардан ташқари нарсаларни вақф қилиш мумкин эмас, деб фатво берган. Чунки унинг фикрича, вақф узоқ муддатлар давомида сақланиши лозим. Кўчмас мулклардан бошқасида бундай имкониятлар оздир<sup>109</sup>. Шунинг учун илк ҳанафийлар даврларида китобларни вақф қилиш ҳолатлари жуда кам учрайди. Аммо унинг шогирди Муҳаммадуш Шайбоний (749-805) халққа манфаати кўпроқ бўлишини назарда тутиб, манқул нарсаларнинг ҳаммасида вақф қилиш мумкинлигига ҳукм қилган<sup>110</sup>. Ҳанафий мазҳабининг кейинги олимлари ана шу фатвога амал қилишади. Ушбу сабабга кўра бўлса керак, бир неча асрлар Ҳанафийлар орасида китобларни вақф қилганлик ҳолатлари учрамайди<sup>111</sup>. Шунингдек, Абу Ҳанифа ва

---

<sup>108</sup> Ушбу вақфнома қози аскар Домла Абдусаттор охунд ибн Домла Отажон аълам марҳумийнинг 1276 йил кўрсатилган 320 x 320 мм хажмли айлана муҳри билан тасдиқланган.

<sup>109</sup> Убайдаллаҳ ибн Масъуд ал-Бухорий. Шарҳ ал-виқоя. Ҳиндистон: Мужтабой матбааси, 1327. II-жузъ. 410-бет.

<sup>110</sup> Бурҳон ад-дин ал-Марғилоний. Ал-Ҳидоя. Ҳиндистон: Юсуфий матбааси, 1314. II-жилд. 615-616-бетлар.

<sup>111</sup> Бу ҳолатга қўлёзма китоблар тадқиқотчиси Ф.Дерош (F.Deroche) ҳам эътибор берган. У вақф қилинган қўлёзмалардаги муҳрлар XIII–XIV асрга тегишли эканлигини аниқлаган. Қаранг: Deroche F. Manuel de codicologie des manuscrits en écriture arabe. Bibliothèque nationale de France. Paris. 2000. P.355-356. А.Б.Холидов эса Боғдоддаги ҳанафийлар мадрасасига XI асрнинг иккинчи ярмида (1066 й.) китоблар вақф қилинганлигини ёзади. Қаранг: Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. Москва: «Наука», 1985. С.194-195.

Муҳаммад аш-Шайбоний наздида вақф қилинган мулкни ёки, масалан, китобни вақф қилинганлиги тўғрисида ҳоким ёки қози ҳукм қилиши, ҳеч бўлмаганида, мутаваллий ва масъул одамлар уни расмий тасдиқлаши шартдир. Бу нарсани Абу Ҳанифанинг яна бир шогирди Абу Юсуф (731-804) шарт эмас, дейди<sup>112</sup>. Халққа манфаати кўпроқ бўлиши нуқтаи назаридан Абу Юсуф фатвосига амал қилиб келинган. Яъни, вақф қилгувчи ўз муҳрини босиши ёки оғзаки айтиб мадрасага топшириши билан китоблар вақф бўлиб ҳисобланган. Бухоро ва Қўқонда кўчмас мулкларни вақф қилинган суратлардагина қозилар томонидан вақфномалар тузилган, холос. Аммо барча ҳолатларда Абу Ҳанифа ва аш-Шайбонийнинг фатвосига ҳам амал қилиш авло ҳисобланган<sup>113</sup>. Шу жиҳатдан Хоразмда китобларни вақф қилгувчилар қозининг тасдиқлашини инобатга олганлар.

Тарихий-маданий тараққиёт давомида Хоразм китобатчилиги тармоқлари билан боғлиқ жараёнлар ҳам кенг кўлам олди. Китоб кўпайтириш ва нусха кўпайтириш бўйича хаттотлик касби муқовасозлик, саҳҳофлик, китобфурушлик касблари каби мустақил меҳнат тақсимооти доирасига кўтарилди. Қўлёзма китоб ишлаб чиқаришнинг кўпайиши туфайли китоб савдоси кенгайди, кутубхоналар кўпайди. Улар орқали библиографик тавсифий китоблар, китоб мажмуаси (репертуар) рангбаранглиги шаклланди. Бу маънода, биринчи галда ҳусни хатли котиб хаттотлар ва оддий ихлосмандлар томонидан буюртма ёки ўзлари истифода этишлари учун китоб кўчириш, кўпайтириш ва муқовалаш кенг йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим. Жамиятда китоб тақсимотининг китоб савдоси ҳамда кутубхона иши сингари воситалари иккинчи муҳим омил эди. Ниҳоят, китобнинг жамиятда фойдали тарқалиши ва ўқилишини таъминловчи яна бир омил – бу китоблар ҳақида уларнинг рўйхати, кутубхонада библиографик каталог, олим-библиографларнинг библиографик қўлланмалари, ахборотномалари (справочник) кабилар бўлган. Кутубхоналардаги вақф сифатида топширилган китоблар рўйхати-феҳристлар бўлган. Бир вақтнинг ўзида улар ҳуқуқий ҳужжат ва каталог ўрнида ишлатилган<sup>114</sup>. Булардан ташқари китобларда учрайдиган китоб номлари, улар ишорат этган адабиётлар манзари (обзори) ҳам истифода учун китоб излаш, топиш, китобнинг жамият-

<sup>112</sup> Бурҳон ад-дин ал-Марғилоний. Ал-Ҳидоя. II-жилд. 612-622- бетлар.

<sup>113</sup> Абд ал-Ҳайй ал-Лакнавий. Умдат ар-риоя. Ҳиндистон: Мужтабой матбааси, 1327. II-жузь. 408-бет.

<sup>114</sup> Халидов А. Книжная культура. //Очерки истории арабской культуры. V-XV в.в. Москва, 1982. С. 283.

даги тарқалиши учун гоят фойдали омил ҳисобланган. Шунингдек, Хива, Янги Урганч ва Ҳозарасп шаҳарларида махсус китоб бозорлари ишлаб турган. Туркий, араб, форс-тожик тилида битилган қўлёзмалар кўчирилиб китоб бозорларида тарқатила бошлаган<sup>115</sup>. Бу нарса Ўрта Осиёда бой қўлёзма китоблар фондлари Қўқон, Самарқанд, Қўқон ва Бухородан ташқари Хоразмда ҳам мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон тарихи унинг халқи юксак ва ўзига хос маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Бу маданиятда қадимги ёзма ёдгорликлар ва кутубхоналар муҳим ўрин тутган. Хоразмнинг сарой, мадраса ва хусусий кутубхоналарини ва уларнинг соҳибларини ўрганиш ҳам Ўзбекистон маданияти тарихини янада бой маълумотлар билан таъминлаши шубҳасиздир.

### «Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи» ҳақида<sup>116</sup>

Биз аввалги қисмда Хоразм кутубхоналари ҳақида тўхталгандик. Мазкур бўлимда эса айни Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристининг ва унинг хусусиятларига диққатимизни қаратамиз. «Феҳрист» сўзи каталог, китоблар ёки кутубхонадаги китоблар, умуман рўйхатни англатиши мумкин. Мазкур китобда биз «феҳрист» сўзини кутубхонадаги китоблар рўйхатига нистабан ишлатдик<sup>117</sup>.

Хива хонлиги (1511–1920) Ўрта Осиёдаги қолган икки хонлик – Қўқон (1710–1876) ва Бухоро (1753–1920) хонликларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу хослик қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Хива адабий муҳити форсий адабий марказлардан узоқлашиб туркийликка қараб интилиб келган. Масалан, биринчилардан бўлиб эски ўзбек

---

<sup>115</sup> Саъдуллаев А., Сотлиқов А. Хоразм Маъмур Академиясининг тарихий илдизлари. Урганч, 2003. Нукус: Қорақалпоғистон, 2003. 191-бет.

<sup>116</sup> Мазкур кутубхона ва ундаги китоблар рўйхати ҳақида қаранг: Erkinov A., Vahidov Sh. Une source meconnue pour l'etude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim II (Khiva, fin XIX<sup>e</sup>. s). P. 175-193.

<sup>117</sup> Кутубхона – О.Ф. Акимускин мазкур терминни ислом дунёсидаги кутубхоналарга нисбатан қўллаган. Унинг фикрича, Шарқдаги кутубхона бу оддийгина кутубхона эмас ва уни рус тилига таржима қилиб бўлмайди. Кутубхона деб китоблар сақланадиган махсус жой саналган (хазинат ал-кутуб). Уларнинг ўз котиблари, китоб тайёрлаш бўйича турли мутахассислари мавжуд бўлган (Акимускин О.Ф. О придворной библиотеке Сафавидов Тахмасбе I в Тебризе // Средневековый Восток. 1980. С.5,15).

(чиғатой) тилида Носириддин Рабғузий (XIV) қаламига мансуб, пайғамбарлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Қиссас ал-анбиё» асари Хоразм ҳудудида яратилган.

2. Нома жанридаги эски ўзбек тилида 754/1352-53 йили яратилган дастлабки асар – «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий шу замин фарзанди бўлган.

3. Айни ҳолат – эски ўзбек тилидаги ижодкорликни тарихий асарлар яратишда ҳам кузатиш мумкин. Мазкур тилдаги энг дастлабки тарихий асар 1550 йилда битилган «Тарихи Дўст Султон» асари бўлиб, унинг ягона нусхаси ўз вақтида Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890–1970) шахсий кутубхонасида сақланарди<sup>118</sup>. Хива хони Абулғозий Баҳодирхон (1643–1663)дан бошлаб шоир ва тарихчи Мунис (1778–1829) ва Оғаҳий (1809–1879)ларгача ўз асарларини эски ўзбек тилида битганлар.

4. Профессор Қ.П.Содиқовнинг оғзаки маълумотига кўра, XIV асрдан бошлаб ёриқлар эски ўзбек тилида ҳам ёзилган. Айни даврда, Ўрта Осиёдаги кўпгина хонликларда расмий ҳужжатлар асосан форс тилида битилган.

5. XIX аср иккинчи ярмида, сўнгги Хива хонлари замонида форс ва араб тилларидан эски ўзбек тилига бир юз ўн бешдан ортиқ асар эски ўзбек тилига таржима қилинган<sup>119</sup>.

Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) ҳокимияти даврида унинг саройидаги маданий муҳит кучаяди. Унинг ўзи Феруз тахаллуси остида шеърлар ёзиб, девон битган. Унинг буйруғига биноан кўшлаб қўлёзмалар кўчирилган<sup>120</sup>. Буни кутубхона феҳристи ва унинг кутубхонаси ҳам исботлаб турибди. Қуйида биз ана шу кутубхона ва ундаги китоблар тўғрисида маълумот берувчи дафтар тўғрисида сўз юритамиз.

Мусулмон Шарқида азалдан кутубхона ва турли китоб жамғармалари мавжуд бўлган. Айни вақтда, сарой кутубхоналарини ҳам эсга олиш ўрин-

---

<sup>118</sup> Hofman H.F. Turkish Literature. A bio-bibliographical survey. Section III, part I, vol 6. Utrecht, 1969. P.72, Togan A.Z.V. Tarihde usul. Istanbul, 1950. P.47, 241. Яна қаранг: Воҳидов Ш., Эшмурадов М. Хоразм тарихчилари: Ўтемиш ҳожи, Абулғозий, Мунис. Тошкент, 2009.4-11-бетлар.

<sup>119</sup> Камилов Н. Хорезмская школа перевода. Дисс. докт. филол. Ташкент, 1987. С.351-369; Хоразм воҳаси ижтимоий ҳаётининг баъзи қирралари ҳақида қаранг: Наврузов С. Социально-экономическая и культурная жизнь Хивинско-го ханства в исторической, историко-географической литературе XIX-XX в. Дис. канд. ист. наук. Ташкент, 1991. – 156 с.

<sup>120</sup> Бу китобларнинг бир қанча қисми ҳақида қуйироқдаги жадвалда тўлиқ маълумот келтирилади.

ли<sup>121</sup>. Шу маънода Ўрта Осиёдаги сулолалардан Сомонийларнинг Бухородаги, Маъмунийлар (992–1017) нинг (хоразмшоҳларнинг иккинчи сулоласи) Урганчдаги, Темурий Мирзо Бойсунқурнинг (1397–1433) Ҳиротдаги кутубхонасини<sup>122</sup> ҳамда Мирзо Улуғбек (1394–1449) обсерватория (расадхона)сидаги кутубхонани эсга олиш мумкин<sup>123</sup>. Ўша даврлардаги темурийларнинг<sup>124</sup>, XVII – XX аср бошларида Ўрта Осиё ва унга қўшни мамлакатлар ҳукмдорларининг кутубхоналари тўғрисидаги маълумотлар тарихдан яхши маълум<sup>125</sup>. Уч хонликдаги кутубхоналардан Бухородаги сарой кутубхонаси ҳақидаги маълумотларни қайд этиб ўтиш мумкин<sup>126</sup>. Бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан Муҳаммад Порсо (1345 –1420 )<sup>127</sup>,

---

<sup>121</sup> Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М., 1985. С.244-248, масалан, сафавийлар (1501–1736) кутубхонаси ҳақида О.Ф. Акимушкиннинг эслатилган мақоласида маълумотлар бор, яна Усмонли турклар (1453-1922) сарой кутубхонасини эслаш мумкин (Жукова Л.В. Из истории Османских библиотек // Средневековый Восток. 1980. С.145-147).

<sup>122</sup> Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Алишер Навои. Сборник статей. Москва-Ленинград, 1946. С.20.

<sup>123</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Улуғбек и его время // Сочинения. Том II(2). Москва, 1964. С.122, Библиотека Шибанидов в Бухаре XVI века // *Islamkundliche untersuchungen*. Band 185. Ingeborg Baldauf, Michael Friedrich (Hrsg). Bamberger Zentralasiestudien. Konferenzakten. ESCAS IV. Bamberg 8-12. Oktober 1991. Berlin. 1994. – S. 325-342.

<sup>124</sup> Древние рукописи в Самарканде. Библиотека Тимерлана. // Туркестанские ведомости, 1870, №3, Туркестанские ведомости. 1871, №7; Библиотека Тимура // Туркестанские ведомости, 1873. №44; Кун А.Л. Предение о библиотеке Тимерлана. // Материалы для статистики Туркестанского края, вып. III. СПб., 1874. с. 405-506; Поиски библиотеки Тимура Мэкензи Уоллосом // Туркестанские ведомости, 1889. № 28; Логофет Д. Тимерлановская библиотека. // Туркестанские ведомости, 1911, №24.

<sup>125</sup> Akimushkin O.F., Ivanov A. A. Une école méconnue: Boukhara au XVIIIe siècle. Notes sur les calligraphes et les peintures de la bibliothèque des Ashtarxanides d'après Mohammad Amin Buxari / Art et société dans le monde iranien. Paris, 1982. P.127-139; Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // ЗВОРАО. 22 (1913-14), 1915. – С. 303-320; Шу муаллиф. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. Отчёт о командировке. // ЗВОРАО. 23 (1915), 1916. – С. 245-262; Глухов А. Улуғбек и его книги (О библиотеке Улуғбека). // В мире книг. 1969, №9, С. 14-16; Абдурахмонов М., Зоҳидий А. Закий Валидийнинг Туркистонга илмий сафари. – Т.: «Фан», 1997; Акимушкин О.Ф. О придворной китабхвне сефевиды Тахмаспа I в Табризе // Средневековый Восток: история, культура, источниковедение. Москва, 1980. – С.5-19; Szuppe Maria. Lettres, patrons, libraries. L'apport des recueils biographiques

Джуйбор шайхлари, Муҳаммадали халифа – Дукчи эшон (1852-1898)<sup>128</sup>, Генерал Жўрабек (1840–1906)<sup>129</sup>, Муҳаммадшарифжон Садри Зиё (1867–1932)<sup>130</sup>, қози Иноятуллоҳ<sup>131</sup>, қози Бурҳониддин, В.Д.Вяткин (1869–1932), Абдурауф Фитрат (1886–1938), Маҳмудхожа Беҳбудий (1875–1919), Исҳоқхон Ибрат (1861–1937), А.А.Семёнов (1873–1958) ҳамда бошқа олим ва шоирларнинг кутубхоналари ўрганилгани яхши маълум<sup>132</sup>.

Хива хонлигидаги китобат иши ва кутубхоначилик тарихига оид айрим тадқиқотлар амалга оширилган<sup>133</sup>. Илмий адабиётларда Хива саройи

sur le rale du livre en Asie centrale aux XVI<sup>e</sup> et XVII<sup>e</sup> siècles. // [Cahiers d'Asie Centrale 7], A. Muminov, F. Richard and M. Szuppe (eds.), IFEAC- Edisud, Tachkent - Aix-en-Provence, 1999. P. 99-115; Porter Y. Farhad le peintre. A propos des ateliers de peinture de Boukhara a l'epoque de 'Abd al-'Aziz Khan (1645-1680). // [Cahiers d'Asie Centrale 7], A. Muminov, F. Richard and M. Szuppe (eds.), IFEAC-Edisud, Tachkent-Aix-en-Provence, 1999. P. 267-278; Шу муаллиф. Remarques sur la peinture de Boukhara au XVIe siecle // Cahiers l'Asie centrale, 1998. – n°5-6. – P. 147-167; Шу муаллиф. Le kitabhana de 'Abd al-'Aziz Khan (1645-1680) et le mǝysinat de la peinture a Boukhara // [Cahiers d'Asie Centrale 7], A. Muminov, F. Richard and M. Szuppe (eds.), IFEAC- Edisud, Tachkent - Aix-en-Provence, 1999. P. 117-141.

<sup>126</sup> Қаранг: Семёнов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. 4-11 июня. Ташкент, 1958. С. 913; Косимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Тошкент, 1992. С.11; Холназарова Л. Бухородаги давлат ва шахсий кутубхоналарнинг манбаларда ёритилиши (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009, 270-277-бетлар;

<sup>127</sup> Халидов А.Б. Рукописи из библиотеки Мухаммада Парса // Петербургское востоковедение. Выпуск 6. Санкт-Петербург, 1994, С. 506-519; Морозов Д.А. Три московских рукописи из библиотеки Мухаммада Парса (Дополнение к статье А.Б.Халидова) // Петербургское востоковедение. Выпуск 9. Санкт-Петербург, 1999. С. 553-554; Muminov A., Ziyadov Sh. L'horizon intellectuel d'un erudite du XI<sup>Ve</sup> siecle: nouvelles decouvertes sur la bibliothique de Muhammad Parsa // [Cahiers d'Asie Centrale 7], A. Muminov, F. Richard and M. Szuppe (eds.), IFEAC-Edisud, Tachkent-Aix-en-Provence, 1999. P. 77-99; Subtelny M.E. The Making of Bukhara-yi Sharif: Scholars and Libraries in Medieval Bukhara (The Library of Khwaja Muhammad Parsa) // Studies in Central Asian History in Honor of Yuri Bregel. Edited by Devin DeWeese. Bloomington, Indiana, 2001, С. 79-111; Муминов А.К. Библиотека вакфа Ходжа Мухаммада Парса в Бухаре // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Материалы международной конференции. 2-3 мая 2006 года, г. Алматы. Алматы: Дайк-Пресс, 2007, С. 155-162; Зиёдов. Ш. Khwodja Muhammd

кутубхонаси ҳақидаги ҳозиргача маълумотлар мавжуд, лекин улар нисбатан умумий характерга эга<sup>134</sup>. Бугунги кунгача мазкур кутубхонадаги китоблар рўйхати келтирилган дафтар ҳақида битта мақола ёзилиб, у мазкур кутубхона таркиби ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди<sup>135</sup>. Бунинг устига бугунги кунгача айти кутубхона ва ундаги китоблар ҳақидаги маълумотлар хронологик жиҳатдан умумлаштирилгани йўқ. Хива кутубхона-

---

Porso kutubhonasi // *Dinshunoslik fanlarinig dolzarb muammolari*. Tashkent Islamic University. Tashkent. – 2009. – pp.106-114.

<sup>128</sup> Зиёдов Ш. Муминов А. Библиотека Дукчи-Ишвна // *Манвқиб-и Дукчи Ишвн* (Аноним жития Дукчи Ишвн – предводителя Андижанского восстания 1898 года). Введение, перевод и комментарии: Б.М. Бабаджанова. Издатель: А. фон Кюгельген. Ташкент, Берн, Алматы: «Дайк-Пресс, 2004». С. 344-385.

<sup>129</sup> Бартольд В.В.

<sup>130</sup> Қаранг: Vahidov Sh., Erkinov A. «Le fihrist (catalogue) de la bibliothique de Sadr-i Ziya: une image de la vie intellectuelle dans le Mavannah (fin XIXe-deb. XXe s.)». P.141-174; Вахидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Ташкент: «Янги аср авлоди», 2007. – 252 с.

<sup>131</sup> Воҳидова Т. Қози Иноятуллоҳ кутубхонаси // *Сино*. 2007. № 27. 39-45 бетлар.

<sup>132</sup> Гаррицкий А. Библиотеки в Средней Азии до русского завоевания. // *Новый Восток*, 1925, № 10/11, с. 381-382; Касымова А.Г. Библиотечное дело в Узбекистана. – Ташкент: «Узбекистан», 1968. – 119 с.; Кормилицын А. И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане. (1868-1917 гг.). Автореф. дис. канд. ист. наук. Ташкент, 1969. – 31 с.

<sup>133</sup> Аминов Ҳ. Хоразмда ишланган муқовалар. // *Имом ал-Бухорий сабоқлари*. 2006. №3, б. 239-240; Шу муаллиф. Қўнғирот сулоласи даврида кутубхоналар // *Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари*. Тошкент, 2007. б. 102-104; Матяқубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан. ном. дисс. Тошкент, 2008.

<sup>134</sup> Қаранг: Ахунджанов Э.А. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии. Древность. Средние века. Ташкент. 1993. С.52-67; Шу муаллиф. Историко-типологическое исследование истории книги и книжного дела в Туркестане: Древность. Средние века. Диссертация доктора исторических наук. Ташкент, 1998. С.151-160, Erkinov A. Les manuscrits du Khamasa de «Ali Sher Navai» et la vie culturelle du khanat de Boukhara sous les Mangits. Boukhara-la-Noble. [Cahiers d'Asie Centrale 5-6]. IFEAC-Edisud, Tachkent–Aix-en-Provence, 1998. P.169-180.

<sup>135</sup> Erkinov A., Vahidov Sh. Une source myconnue pour l'ytude de la production de livres a la cour de Muhammad Rahim II (Khiva, fin XIX<sup>e</sup> s). P. 175-193.

сидаги китоблар рўйхати келтирилган дафтар – феҳрист мана шу бўшлиқни муайян даражада тўлдиришга хизмат қилиши мумкин. 1873 йилда Россия қўшинлари биринчи марта Хивани қўлга киритган вақтларида шарқшунос А.Л. Кун Хива саройи кутубхонаси ва ундаги қўлёзма китобларни тилга олган эди. Хива саройидаги архиви Россия қўшинлари томонидан қўлга киритилиб, Тошкентга олиб келтирилади ва ундан сўнг Петербургга жўнатилади<sup>136</sup>. А.Л.Кун қўлига сарой кутубхонасидаги баъзи қўлёзмалар тушади ва уларни ҳам Кун Петербургга юборади. А.Л.Кун тўплаган қўлёзмалар тўғрисида «Туркестанские ведомости» газетасида маълумот берилади: булар 300 жилд шарқ қўлёзмалари бўлиб, шулардан 129 таси 140 жилддан ўрин олган ва сарлавҳага эга эди, 30 жилд қўлёзма шоирлар девонларидан иборат, 40 та асар фикҳ – мусулмон юриспруденцияси (ҳуқуқшунослиги) бўйича, 18 дона Қуръон ҳамда 56 та дарслик мавжуд эди<sup>137</sup>.

Хивалик тарихчи Муҳаммадйусуф Баёний (1859–1923)нинг таъкидлашича, руслар саройни истило қилганида ўзлари билан 300 та китоб (яъни, қўлёзма)ни олиб кетган<sup>138</sup>.

XX асрнинг боши – 1908 йилда А.Н.Самойлович (1880–1938) Хивага ташриф буюрган вақтида мазкур кутубхонани кўрган экан. У Хивада икки кутубхона – Арқдаги ва Тозабобдаги кутубхоналарни кўрган<sup>139</sup>. Бу кутубхона таркиби ҳақида А.Н.Самойлович алоҳида мақола ёзган<sup>140</sup>.

1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтининг ташкил этилиши муносабати билан унинг фон-

---

<sup>136</sup> Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959. С.15-17.

<sup>137</sup> Туркестанские Ведомости. 1973, 18 декабря. Газетада А.Л.Кун докладынинг фақат бир қисмигина келтирилган. Мазкур докладнинг тўлиқ матни Россия фанлар академияси шарқшунослик институтида сақланади: фонд №33, папка №16.

<sup>138</sup> Баёний Муҳаммадйусуф. Шажараи Хоразмшохий. 221-бет.

<sup>139</sup> Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году // Известия Русского комитета для изучения средней и Восточной Азии в историческом, археологическом, лингвистическом и этнографическом отношениях. Санкт-Петербург, 1909, №9. С.21-22.

<sup>140</sup> Самойлович А.Н. Материалы по среднеазиатско-турецкой литературе II. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатня // Известия Академии наук Туркменской ССР. Серия общественных наук. 1981, №1, С.74-82; Язбердыев А. А.Н.Самойлович о дореволюционных хивинских книгохранилищах и книгопечатание // Общественные науки в Узбекистане. 1998, №1. С.83-85.

дини янги қўлёзмалар билан тўлдириш керак бўлганди. Шунда Хивага ҳам экспедиция уюштирилади. «Правда Востока» газетасининг 1945 йил 16 октябрь сонида «Муҳаммад Раҳимхонга қарашли қўлёзмалар кутубхонаси» номи ахборот эълон қилинган. Унда ёзилишича, бир тонна вазнга эга бўлган мўннга яқин, яъни катта қисм, қўлёзма китоблар Хивадан Тошкентга олиб келинган. Келтирилган барча маълумотлар асосида таъкидлаш керакки, Хива хонлиги саройи кутубхонаси қуйидаги уч қисмга бўлиниб кетган. Булар:

1. Хива Ичан қалъа фондида ҳозиргача сақланаётган қўлёзма китоблар.

2. Тошкентдаги Шарқшунослик институтидаги қўлёзмалар.

3. Санкт-Петербург кутубхонаси (ҳозирда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти фонди)да сақланувчи қўлёзмалар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида Хива хони Феруз кутубхонасининг қўлёзма феҳрист-каталоги сақланади<sup>141</sup>. Мазкур рўйхат китоби эски ўзбек тилида ёзилган. Унда кутубхонадаги эски ўзбек, форс ва араб тилларидаги асл нусхадаги (оригинал) ва таржима қилинган асарлар рўйхати келтирилган. Бу рўйхат сифатли рус қоғозига қора сиёҳ билан хоразмча настаълиқ ёзувида ёзилган. Қўлёзманинг ўлчами 210 x 350 мм, ҳажми 25 варақдир. Шулардан 22 варақда матн мавжуд бўлиб, тўртта бети бўш ёзувга эга эмас (1<sup>а</sup>, 8<sup>б</sup>, 9<sup>а</sup>, 22<sup>б</sup>, 23<sup>а-б</sup>). Рўйхат 1329/1911-12 йилдан кейин битилган, бунга энг сўнгги сана сифатида 1911-12 йилнинг кўрсатилгани асос бўлади. Мазкур қўлёзмада уни кўчирган ёки китоблар рўйхатни тузган шахс номи келтирилмаган. Феҳристда баъзи имловий хатолар учрайди.

Феҳристда қўлёзма ва литографик асарлардан жами 914 жилд китоб баёни келтирилган. Улар 893 асарни ташкил қилади. Буларнинг 604 жилди қўлёзма бўлиб, 651 та асарни ўз ичига олади (шулардан 106 таси эса баёздир). 310 жилд тошбосма китоб эса 242 ижод намунасини ўз ичига олади. Шунингдек, феҳристда 47 котиб, 20 та таржимон ва бир қанча буюртмачи, асосан, ҳукмдорларнинг номлари ҳам келтирилган.

---

<sup>141</sup> ЎРШИ-3, №269. Мазкур қўлёзма 1978–1998 йилларда фаолият олиб борган Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти фондида сақланган. Ҳозирда бу институт фонди 1998 йилдан Шарқшунослик институтига «3-фонд» номи остида қўшиб юборилган.

Моҳиятан мазкур рўйхат кутубхона китобларининг феҳристи-каталоги сифатида хизмат қилади. Кузатишимизча, феҳрист қуйидаги мавзулар бўйича тартибга солинган:

1. Ҳукмдор (Муҳаммад Раҳимхон II)нинг буйруғига кўра ёзилган китоблар.

2. Хивада таржима қилинган тарихий асарлар.

3. Тасаввуф ва исломга оид асарлар.

4. Қадимги қўлёзмалар .

5. Тиббиётга оид китоблар.

6. Тошбосма насрий асарлар.

7. Тошбосма назмий (шеърий) китоблар.

8. Шеърий асарларнинг қадимги қўлёзмалари.

Каталогдаги қўлёзмалар қуйидаги жиҳатларига кўра тавсифланган:

1. Асар номи.

2. Муаллифнинг исми.

3. Адабий асарнинг шакли.

4. Китоб кўриниши.

5. Қўлёзманинг (сақланиш) ҳолати.

6. Асар тили.

7. Асарнинг яратилган санаси ва макони.

8. Қўлёзма яратилган сана ва жой.

9. Қўлёзmani кўчирувчи (қотиб).

10. Буюртмачи ёки (қўлёзма ёки асарни) тузувчи.

11. Таржимон.

12. Жилдлар миқдори.

13. Матн мазмуни хусусиятлари ва матн жойлашишидаги ўзига хосликлар.

14. Қоғоз.

15. Муқова.

16. Қўлёзма ўлчами.

17. Ҳуснихат.

18. Дастхат.

Афсуски, асарларни тавсифлаш мобайнида мазкур кўрсаткичларга муттасил равишда риоя қилинмаган. Бу тавсифий кўрсаткичларнинг қисқа мазмуни қуйидагичадир:

1. **Асар номи.** Тавсиф асарни номлашни қайд этишдан бошланади. Агар асар номи бошқа қўлёзмада ҳам мавжуд бўлса, бу асарнинг номи «ва яна» (ҳам) сўзи билан таъкидланади. Асар номини келтиришнинг бир қанча шакллари мавжуд:

а) Бигта ном.  
б) Тилга олинган асарнинг иккинчи номи: «Миръот ал-меърож» – «Дақойиқ ал-ҳақойиқ» ҳам анинг бир исмидур»<sup>142</sup>.

в) Иккала ном.

г) Номсиз (бунда муаллиф исмигина қайд қилинади): «Восифий таржи-ма қилган»<sup>143</sup>.

2. **Муаллиф исми асар номидан сўнг келтирилади:**

а) Тўлиқ ҳолда. Агар муаллиф исми қўлёзмада келтирилган бўлса, бу ҳолда албатта ҳар сафар янгидан кўрсатилган.

б) Муаллиф исмисиз. Бунда фақат асар номи берилади: «Анвори суҳайлий»<sup>144</sup>.

3. **Адабий асарнинг шакли** атамалар воситасида кўрсатилади:

а) Наср (прозаик). Деярли ҳамма ўринда қайд этилади.

б) Назм (шеърӣй). Бу ҳам доимий келтирилади. Баъзида шеърӣй маж-муа жанри ҳам кўрсатилади:

– девон (бир шоир шеърлари тўплами)<sup>145</sup>.

– баёз (турли шоирлар шеърлари тўплами)<sup>146</sup>.

– қасидаи Жомий<sup>147</sup>.

– интихоб: масалан, «Интихоби «Маснави-йи Румий»<sup>148</sup>.

в) назм ва наср: «Миръот ар-рижол» назм ва наср»<sup>149</sup>.

4. **Китоб шакли** қуйидагича берилади:

а) Қаламий (яъни, қўлёзма шаклида). Ҳамма ўринда кўрсатилади. Баъ-зида ҳатто қўлёзманинг қоралама нусха эканлигига ҳам диққат қаратила-ди: «Тухфат ал-муъминин»нинг мусаввадаси»<sup>150</sup>.

б) Қолипий (тошбосма).

5. **Қўлёзманинг ҳолати.** Қадимий қўлёзмалар ҳолатини муаллиф қуйи-даги атамалар билан ажратган:

а) Кўҳна (қадимий). Булар асосан ўрта асрларга оид қўлёзмалар<sup>151</sup>.

<sup>142</sup> ЎРШИ-1, №269, 4<sup>б</sup>.

<sup>143</sup> Ўша жойда, 13<sup>а</sup>.

<sup>144</sup> Ўша жойда, 13<sup>а</sup>.

<sup>145</sup> Ўша жойда, 2<sup>а</sup>.

<sup>146</sup> Ўша жойда, 2<sup>а</sup>, 3<sup>б</sup>.

<sup>147</sup> Ўша жойда, 4<sup>б</sup>.

<sup>148</sup> Ўша жойда, 15<sup>а</sup>.

<sup>149</sup> Ўша жойда, 4<sup>а</sup>.

<sup>150</sup> Ўша жойда, 16<sup>а</sup>.

<sup>151</sup> Ўша жойда, 13<sup>б</sup>-16<sup>б</sup>.

б) Тоза (янги) ёзилган. Йўл-йўлакай эски қўлёзмалар жанри қайд этиб борилади: «Тоза ёзилган баёз»<sup>152</sup> (Янги ёзиб тугатилган баёз).

в) Нусха-йи қадим (қадимги рўйхат). Тахминан, қадимги ва бебаҳо қўлёзмалар айнан шундай номланган.

6. **Асар тили.** Қўлёзма ҳолатини кўрсатишдан аввал ёки кейин асар қайси тилда эканлиги билдиради:

- араб;
- форс;
- румийча туркий<sup>153</sup>.
- туркий: «Девони Табибий»<sup>154</sup>.

7. **Асар яратилган сана ва жой.** Феҳристонда асар яратилган сана ва жой ҳақида бир қанча маълумотлар мавжуд:

а) Сана: «Тарихи Фаришта» 998 йилда тасниф этилган»<sup>155</sup>.

б) Асар яратилган вақтга билвосита ишора: «Мавлоно Жомий... била ҳамасар Султон Ҳусайн мирзо замонида ... тасниф қилинган»<sup>156</sup>.

8. **Қўлёзма кўчирилган сана ва жой** ҳақидаги маълумот деярли барча тавсифларда кўрсатилган:

а) Сана. Аниқ сана қуйидаги берилган:

- рақам билан: «санаи 1322»<sup>157</sup>.
- сўз билан: «минг уч юз йигирма саккизда...»<sup>158</sup>.

Тахминий сана:

– Қўлёзманинг яқинда кўчирилганлигига ишора қилиш билан: «Девони Навоий», тоза... қайси замонда ёзилгани маълум эрмас»<sup>159</sup>.

– Қўлёзmani кўчиришга кўрсатма берган шахс исмини қайд қилиш билан: «Муҳаммад Раҳимхон соний бўйруғига кўра»...

б) Жой:

– бундай маълумотлар жуда кам келтирилган, агар қўлёзма Феруз буйруғига кўра кўчирилган бўлса, уни Хивада ёзилганлиги эҳтимоли ҳам катта.

---

<sup>152</sup> Ўша жойда, 2<sup>a</sup>.

<sup>153</sup> Ўша жойда, 4<sup>6</sup>, 19<sup>6</sup>. Румийча туркий деганда усмонлича туркий тил тушунилмоқда.

<sup>154</sup> Ўша жойда, 2<sup>a</sup>.

<sup>155</sup> Ўша жойда, 11<sup>a</sup>.

<sup>156</sup> Ўша жойда, 3<sup>6</sup>.

<sup>157</sup> Ўша жойда, 13<sup>a</sup>.

<sup>158</sup> Ўша жойда, 9<sup>a</sup>.

<sup>159</sup> Ўша жойда, 7<sup>a</sup>.

в) Бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги қайди. Улар мутлақо мавжуд бўлмаса, муаллиф бунни, албатта, қайд қилиб ўтади: «қайси вақтда ёзилгани ва кимнинг ёзгани маълум эрмас»<sup>160</sup>.

9. **Котиб.** Котиб исми қуйидаги шаклларда зикр қилинади:

а) Тўлиқ исми шарифи билан: «Домулло Отажон ибн Мулло Муҳаммадкарим ёзган»<sup>161</sup>.

б) Котиб тахаллуси кўрсатилади: «Муҳаммадияъқуб Девон мулаққаб ба Харрот»<sup>162</sup>.

в) котиб ва таржимон бир киши эканлиги айтилади: «Абдуллахожа таржима қилиб, ўзи ёзган»<sup>163</sup>.

г) котиб исми кўрсатилмаганлиги ҳам таъкидлаб ўтилади: «котиби номаълум»<sup>164</sup>.

10. **Буюртмачи.** Кўп ўринда буюртмачи Муҳаммад Раҳимхон II эканлиги таъкидланган.

11. **Таржимон.** Феҳристонда турли даврларда яшаган ўттиз битта таржимон номи келтирилган.

12. **Қўлёзма жилди таркиби.** Тавсифларда бирдан ортиқ асарларни ўз ичига олган жилдлар махсус кўрсатилади:

– битта асарга эга бир неча қўлёзма: «беш кичик мужаллад»<sup>165</sup>.

– бир неча асарга эга бир қўлёзма: «икки асар бир мужалладда»<sup>166</sup>.

– бир асарнинг бирор қисми: «биринчи дафтар»<sup>167</sup>.

13. **Матн мазмуни ва матн жойлашиши.** Мазкур маълумотлар қуйидаги жиҳатларига кўра келтирилади:

а) Асар мавзуси: «Мунтахаб ал-ақоид» – эътиқод баёнида», «Лубби лавойиҳ ал-қамар» – ой ва кунлар баёнида»<sup>168</sup>.

б) Матннинг жойлашиши ва нақши: «қошиясига рубоий ёзилган»<sup>169</sup>.

в) Матн атрофида жадваллар мавжудлиги: «жадвалу лавҳли»<sup>170</sup>.

---

<sup>160</sup> Ўша жойда, 5<sup>б</sup>.

<sup>161</sup> Ўша жойда, 9<sup>б</sup>.

<sup>162</sup> Ўша жойда, 2<sup>б</sup>.

<sup>163</sup> Ўша жойда, 15<sup>б</sup>.

<sup>164</sup> Ўша жойда, 16<sup>а</sup>.

<sup>165</sup> Ўша жойда, 2<sup>а</sup>.

<sup>166</sup> Ўша жойда, 3<sup>б</sup>.

<sup>167</sup> Ўша жойда, 2<sup>б</sup>.

<sup>168</sup> Ўша жойда, 4<sup>б</sup>, 16<sup>а</sup>.

<sup>169</sup> Ўша жойда, 1<sup>б</sup>.

<sup>170</sup> Ўша жойда, 3<sup>а</sup>.

14. **Қоғоз.** Баъзи тавсифлардагина қоғоз ҳақидаги маълумотлар мавжуд:

а) Қоғозга ишлов берилишига кўра: «афшон қоғозли»<sup>171</sup>.

б) Қоғоз ранги: «кўк қоғоз»<sup>172</sup>.

15. **Муқова.** Баъзан муқова ҳақидаги маълумотлар учрайди:

а) Материал: «хом мужалладли», «амиркон қоғли»<sup>173</sup>.

б) Устки жилд матоси: «қати калон, хом мужаллад»<sup>174</sup>.

в) Қўшимча мато ва унинг ранги: «кўк махмал мужалладли», «кўк махмал ташши»<sup>175</sup>.

16. **Қўлёмза ўлчами** фақат баъзи тошбосма асарлар тавсифида келтирилган. Шунда ҳам агар унинг ҳажми катта бўлса: «нусха-йи калон»<sup>176</sup>.

17. **Ҳуснихат** ўрни билан тилга олинган:

– шикастанамо (шикастага ўхшаш): «Девони Бедил», қаламий, шикастанамо»<sup>177</sup>.

– «мактуб би хатти Қуръоний»<sup>178</sup> (яъни насх хатида).

18. **Дастхат қўлёмза.** Замоनावий шоирлар қўлёмзаларининг дастхат эканлиги таъкиди: «Девони Асад», «Девони Оқил»... котиблари ўзлари»<sup>179</sup>.

Юқорида зикр қилинган бандлардан аксарият тавсифларда дастлабки ўн икkitаси нисбатан кўп марта келтирилган. Муаллиф ўз тавсифларига қўл остида мавжуд жами маълумотларни киритишга уринган. Бу маълумотлар эса, афтидан, етарлича бўлмаган.

Феҳристон ўз таркиби, келтирилган қўлёмзалар ва улар ҳақидаги маълумотларига кўра жуда аҳамиятли манбадир. Ундаги фактлар Муҳаммад Раҳимхон II давридаги Хива саройи маданий муҳитини ўрганишда зарур манба сифатида хизмат қилади.

<sup>171</sup> Ўша жойда, 11<sup>а</sup>.

<sup>172</sup> Ўша жойда, 14<sup>а</sup>.

<sup>173</sup> Ўша жойда, 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 17<sup>б</sup>.

<sup>174</sup> Ўша жойда, 13<sup>б</sup>.

<sup>175</sup> Ўша жойда, 1<sup>б</sup>, 13<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>.

<sup>176</sup> Ўша жойда, 18<sup>б</sup>.

<sup>177</sup> Ўша жойда, 7<sup>б</sup>.

<sup>178</sup> Ўша жойда, 14<sup>б</sup>, 15<sup>б</sup>.

<sup>179</sup> Ўша жойда, 24<sup>б</sup>.

## ФЕҲРИСТ МАТНИ

(1<sup>6v</sup>) Жаннатмакони соний<sup>180</sup> нинг амри олийлари била мактуб бўлган туркий назм китоблар

«Девони Мунис» туркий назм, сана минг уч юз йигирма бирда Муҳаммадияқуб Девон мулаққаб ба Харрот ёзган.

«Девони Огаҳий» туркий назм, сана минг уч юз йигирмада Муҳаммадияқуб Девон мулаққаб ба Харрот ёзган, кўк махмал мужалладли.

«Девони Равнақ», «Девони Рожий», «Девони Комил»лар бир мужалладда – кўк махмал мужалладли, сана минг уч юз йигирма бирда Муҳаммадияқуб Девон ёзган.

Ва яна кўк махмал мужалладли, жадвалли, лавҳли баёз: ҳошиясиға рубоий ёзилган. Сана минг уч юз йигирма тўртда Муҳаммадияқуб Девон ёзган.

«Муҳаммасоти мажмаъ аш-шуаройи Ферузшоҳий» туркий, бир минг уч юз йигирма олтида Муҳаммадияқуб Девон мулаққаб ба Харрот ёзган.

«Етти жом» ва «Нозиру Манзур» назми Табибий туркий, сана минг уч юз йигирма олтида Муҳаммадияқуб Девон мулаққаб ба Харрот ёзган.

«Хусну Дил»и Нишотий назми туркий, сана минг уч йигирма тўртда Домла Хожаниёз Шатлининг ёзгани.

Ва яна «Етти жом» ва «Нозиру Манзур» назми туркий, сана минг уч юз йигирма олтида Муҳаммадюсуфнинг ёзгани.

(2<sup>a</sup>v) «Хамсаи Навоий» беш кичик мужаллад, сана минг уч йигирма тўртда Худойберган Девон Муҳркан ёзган.

«Лисон ат-тайр» назми туркий, сана минг уч юз йигирма учда Худойберган Девон Муҳрканнинг ёзгани.

<sup>180</sup> Бундан Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1864–1910) назарда тутилади.

«Девони мажмуа аш-шуаро»<sup>181</sup> назми туркий Ферузшоҳий, қаламий, сана минг уч юз йигирма саккизда Маҳмуд охунднинг ёзгани. Тўрт дафтари Навоний ва «Хамса»си ва «Лисон ат-тайр»и мажмуи бир мужаллад, сана бир минг уч юз йигирма еттида Эшон Махдум ёзган.

Олтмиш адад тоза ёзилган баёз тоза шоирларнинг шеърларидин ғазалиёт ва яна тўрт мужаллад мазкур тариқада баёзи мухаммасот. Мазкур баёзларнинг котиблари Муҳаммадияқуб Девон ва Муҳаммадшариф Девон Тарро ва Эшон Махдум ва Мулло Бобожон Тарро ва Болта Ниёз ва Муҳаммад Комил ва Муҳаммадсосуф.

Ва бир Тошканд босма баёз туркий.

Ва яна уч мужаллад «Девони Табибий» туркий, афшон қоғазли ва жадвалли, учови ҳам уч юз йигирма еттиланжи йилда Муҳаммадияқуб ёзган.

Ва яна бир мужаллад «Девони Табибий» туркий, сана бир минг уч юз йигирма еттида Домла Бобожон Девоннинг ёзгани.

«Девони Шиносий», «Девони Мутриб» туркий, бир мужаллад, сана бир минг уч юз йигирма еттида Абдулкаримнинг ёзгани.

«Вомиқ ва Азро»<sup>182</sup> назми туркий Табибий, сана бир минг уч юз йигирма саккизда Домла Болта Ниёзнинг ёзгани.

(2<sup>6v</sup>) «Девони Табибий» туркий ва форсий, бир мужаллад, сана бир минг уч юз йигирма бешда Домла Бобожон Тарронинг ёзгани.

«Девони Доий» ва «Девони Умидий» ва «Девони Хаёлий» бир мужаллад, сана бир минг уч юз йигирма олтида Домла Абдулкаримнинг ёзгани.

Ва яна қирқ уч мужаллад, содда баёз, хат ёзил(ма)ган.

«Девони Ниёзий», «Девони Надимий», «Девони Мутриб», «Девони Иноят», «Девони Иваз», «Девони Ходим», «Девони Юсуф», «Девони Асад», «Девони Ғозий», «Девони Шиносий», «Девони Ҳабиб», «Девони Султоний», «Девони Ҳақир», «Девони Ожиз», «Девони Ғуломий», «Девони Оқил», «Девони Саъдий», «Девони Роғиб», «Девони Камолӣ», «Девоний Хокӣ», «Девони Пуркомил», «Девони Девоний», «Девони Мирзо», «Девони Чокар», «Девони Музниб», «Девони Баёний», «Девони Содӣ», «Девони Нозир» – ушбу мазкур бўлган девонларнинг ҳаммалари тоза шоирлар<sup>183</sup>, ҳар бирлари хом мужалладди.

---

<sup>181</sup> Бу ўринда Аҳмад Табибий 1328/1910 тузган «Мажмуаи шуарои Ферузшоҳий» (ЎРШИ-1, №1152) назарда тутилмоқда. Мазкур тўпламда Феруз шеърлари ва унга сарой шоирлари пайрав ғазаллари келтирилган.

<sup>182</sup> Баёзи адабиётларда Узро деб берилган. Лекин машҳур «Ғиёс ал-луғот» асарида Азро шаклида бўлиши айtilган. Биз ҳам шу шаклини ихтиёр қилдик.

<sup>183</sup> Яъни, Хиванинг замонавий шоирларидир. Уларни бошқа даврларда ва ўзга диёрларда ўтган шоирлар билан алмаштириш керак эмас.

Ва яна саккиз адад «Баёзи Ферузшоҳий», сана 1325 инжи йилда ёзилган. Ва яна бир мужаллад «Баёзи Мирзо», сана 1324 ланжи йилда Домла Муҳаммадрасул Мирзабоши ёзган.

Ва яна ун уч мужаллад «Баёзи рубоиёт», тозадан ёзилган, сана минг уч юз ўн етти била минг уч юз йигирма тўртнинг оралигида ёзилгандур.

(3<sup>av</sup>) «Девони Анварий» порсий, қаламий, сана 1318 инжи йилда Муҳаммадшариф ҳожини ёзгани.

Ва «Девони Ироқий» порсий, қаламий, кўҳна: қайси замонда ёзилгани ва кимнинг ёзгани маълум эрмас.

«Девони Ҳасан» порсий, қаламий, кўҳна: қайси замонда ёзилгани ва кимнинг ёзгани номаълум.

«Маснавийи Румий» порсий, қаламий, кўҳна, куллиётий: қайси замонда ёзилгани ва кимнинг ёзгани маълум эрмас.

«Девони Ҳузурий» порсий ва «Девони Ғиёсий» порсий, қаламий, бир мужаллад, сана 1259 нжи йилда Бухорода ёзилган.

«Девони Хоқоний» порсий, қаламий, кўҳна: 1150 нжи йилда, котиби Мавлавий Ғаний Ҳиндустоний, жадвалли ва лавҳли.

«Девони Муҳий» порсий, қаламий: қайси вақтда ёзилгани ва қайси котибнинг ёзгани ва қайси тасниф бўлгани<sup>184</sup> маълум эрмас.

«Мунтахаб ал-ақойид», порсий, қаламий, кўҳна: Кашмирда 1014 нжи йилда айёми Абдулазизхонда<sup>185</sup> Муҳаммад Жамил ибн Абу Туроб ал-Бадахший тасниф қилган.

«Девони Ибн Ямин» – Форс адабиётида кўзга кўринган шоирлардан Маҳмуд ибн Ямин (1286-1368) Сабзаворнинг Фарюмад қишлоғидан

бўлган. Мадрасани тамомлаб, асосан деҳқончилик билан кун кўрган. Девони ғазал, қитъа, қасида, рубоий ва маснавийлардан таркиб топган бўлиб, кўп марта китобат қилинган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 429, 460, 954).

«Девони Имло» – Ҳазрат охунд Мулло Муҳаммад Имло (1686-1749) Бухоролик тариқат муршидларидан бўлиб, умрининг охирида тузилган девонидаги ғазаллар сўфиёна руҳдадир.

«Девони Имод» – Имоиддин Ғазнавий Шаҳриёрий Имодий (ваф. 573/1178) асли Райлик бўлган. Девони машҳур.

«Девони Иноят» – Асли Қўнғиротлик бўлган Иноятуллоҳ Девон Хивада ватан тутиб қолган. Ўз даврининг шахмат устаси саналган. 1912 йили ўн беш ойлик зиндон азобларидан сўнг вафот этган. Унинг девони «Иноят» ва «Иноятий» тахаллуси билан тузилган бўлиб, Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Ироқий» – Фахриддин Иброҳим ибн Шаҳриёр Ироқий Ҳамадонда туғилган. У Мўлтонда бир муддат яшаган, кейин Ироқда яшаб қолган. Шунинг учун Ироқий нисбаси билан танилган. Унинг энг машҳур асарларидан бири «Ламаот»дир. Фахриддин Ироқий Дамашқда 802/1400 йилда вафот этган ва машҳур мутасаввиф Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165-1240) мақбараси ёнига дафн қилинган.

«Девони Исмат» – Хожа Исматуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий (1365-1426) таниқли шоирлардан. Кўпинча қасида, ғазал, маснавий ва рубоийда қалам тебратган. Зуллисонайн шоирлардан бўлган бу шоирнинг 8 минг байтгли девони ва ўзбек тилидаги «Иброҳим Адҳам» достони бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 805/Х, 1435, 2529/Ш).

«Девони Калим» – Форсийзабон икки нафар шоир ушбу тахаллус билан ашъорлар битган. Биринчиси Жаҳонгиршоҳ (1605-1627) ва Шоҳ Жаҳон (1628-1657) даврларида яшаб ижод қилган Абу Толиб Калим Ҳамадоний (ваф. 1060/1650) бўлиб, унинг «Подшоҳнома» асари ҳам бор. Девонида қасида ва маснавийлар кўпроқ учрайди. Сайид Нур ал-Ҳасанхон (1862-1913) ҳам аввалига Нур, кейинчалик Калим тахаллуси билан ижод қилган. Девонидан ташқари «Тазкираи Нигористони сухан», «Китоб ан-наҳж ал-мақбул» каби асарлар таълиф қилган.

«Девони Камолий» – Отаназар Мусо ўғли (1849-1914) Хиванинг Шийхлар қишлоғида туғилиб ўсган. Отаси ва ўзи Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва унга қилинган вақфлар мутаваллийси бўлган. Хон олдида ҳам шу жиҳатдан эътиборли аёнлардан саналган. У гарчи шеър ёзишга унчалик ўқуви бўлмаса ҳам, шоир Умидий ёрдамида девон тартиб беришга муваффақ бўлган.

«Девони Киром» – Киромиддин Киром (тахминан XVII аср) Бухорода яшаган шоир. Девони Хоразмда бир неча бор кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 987, 1033/І, 2236/XX).

«Девони Қудсий» – Ҳожи Муҳаммадхон Қудсий Тусий (ваф. 1050/1640 ёки 1055/1645) асли Машҳадлик бўлган, кейин Ҳиндистонга кетиб яшаган, ўша ерда вафот этган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 347).

«(Девони) Лайло» – Лайлохоним Ҳамид Афанди қизи Туркияда 1264/1848 йил вафот этган шоира. Девон тузган, девони Хоразмда бир неча марта кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 6680/III, 918/II).

«Девони Кишвар» – XIX асрда Эронда ўтган Кишвар тахаллусли шоир бўлиб, девонида ғазал, марсия, мухаммас, рубоий ва муножотлар ўрин олган. Девони Хоразмда бир неча марта китобат қилинган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 652/II, 1021, 1044/V).

«Девони Қоилий (Қойил)» – Эронлик шоирлардан бўлиб, Таршиз шаҳридан чиққан. Девонини Хоразм хаттотларидан Муҳаммадъяқуб 1904 йили китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 920/IV, 966/IV). Унинг девонидан ташқари «Тазкират аш-шуаро» асари ҳам бор.

«Девони Комил» – Паҳлавон Ниёз Муҳаммад Комил Хоразмий (1825-1899) Хоразмнинг таниқли шоир, адиб, хаттот ва мусиқашуносларидан бири. Саройда мирзабоши ва девонбегилик мансабларида ҳам хизмат қилган. Девони Хива ва Тошкент тошбосмаларида ҳам нашр этилган.

«Девони Қооний» – Мирзо Ҳабибуллоҳ ибн Муҳаммадали Қооний (1808-1854) Фатҳ Алишоҳ (1797-1834) даврининг энг машҳур шоири. Қасида, мусаммат ва таржеъбанд жанрларида баракали ижод қилган. Девонидан бошқа асарлари ҳам бор.

«Девони Қосимий» – Қосими Анвор номи билан танилган Али ибн Наср Абулқосим ал-Ҳусайний ат-Табризий (ваф. 837/1433)нинг девони. Унинг девонида диний-ирфоний қасидалар кўплаб учрайди.

«Девони Котибий» – XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Шамсиддин Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ ал-Котибий ат-Туршизий ан-Нишопурий (ваф. 1439)нинг девони. У аввалига Ҳиротда Шоҳруҳ (1397/1447)нинг саройида яшаган, кейин кўчиб кетган. «Хамса» ёзишга киришган, лекин учта достонини ёзган. Унинг 30 минг байтдан ошиқ шеърлари етиб келган. Хива саройи кутубхонасида сақланган девонида (Қаранг: ЎРШИ-1, № 806) 401 та ғазал, 143 та қитъа, 20 та муаммо ва 20 та қасида бор. Қасидалари Аллоҳ таоло ҳамдига бағишланган.

«Девони куллиёти Хоқоний» – Афзалиддин Бедил ибн Али Хоқоний Ширвоний (1120-1199)нинг девони 17 минг байтдан иборат бўлиб, унда 220 та қасида, 330 ғазал, 300 рубоий, 230 та қитъа ҳамда 450 байт араб

тилидаги шеърлар жамланган. Хоқоний 1157 йилда «Тухфат ал-Ироқайн» сафарнома дostonини ҳам ёзган. У олти мақолатдан иборат.

«Девони куллиёти Бедил» – Аслида, Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721)нинг асарлари мажмуаси. Бедил асарлари орасида «Тилсими ҳайрат», «Тарккиббот ва таржеъот», «Тури маърифат», «Муҳити аъзам», «Ишорат ва ҳикоят», «Чор унсур», «Руқаот», «Ирфон», «Рубоиёт», «Ҳазалиёт» каби шеърӣй ва насрий асарлари халқ орасида машҳур бўлган. Хоразмда ҳам бир неча марта кўчирилган. Шарқнинг кўпгина шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган.

«Девони куллиёти Ғолиб» Қаранг: «Куллиёти Девони Ғолиб».

«Девони куллиёти Жомий» – Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг учта девонидан ғазаллар ва таркиббандлар танлаб олиниб, Тошкентда 1905 йилда нашр этилган. Яна Жомийнинг барча асарлари (52 та номдаги асарлари) жамланган куллиётлари ҳам тузилган ва китобат қилинган. Шулардан бири ЎзРФА ШИ кўлёмлар фондида 2122 тартиб рақами билан сақланади.

«Девони куллиёти Назирӣй» – Муҳаммад Хусайн Нишопурий Назирӣй Нишопурдан Ҳиндистонга – Аграга бориб яшаган. Акбаршоҳ (1556-1605) саройида эътибор топган. Заргарлик касби билан шуғулланган. Макка ва Мадина шаҳарларига зиёратга бориб келган. Назирӣй Машҳадий 1595 йилда Ҳиндистонга келганида унинг тахаллусини Назирӣй Нишопурий 10 минг рупияга сотиб олади. Шундан сўнг у Назир Машҳадий деб шуҳрат қозонган. Назирӣй 1023/1615 йилда вафот қилган. Унинг девони 10 минг байт атрофида.

«Девони куллиёти Фузулий» Қаранг: «Куллиёти Фузулий».

«Девони куллиёти Ҳазин» – Ҳазин – Лоҳижий Шайх Муҳаммадали ибн Абу Толиб Зоҳидий Гийлоний Исфаҳоний (1692-1779). У Шайх Али Ҳазин номи билан шуҳрат қозонган. 1734 йилда Исфаҳондан Ҳиндистонга кетади. 1741 йилда «Тарихи Сафавий» асарини ёзган. Ўша йилиёқ асар инглизча таржимаси билан бирга чоп этилади. Ҳазиннинг яна «Тазкираи шуаро», «Тарихи Ҳазин» асарлари бўлиб, чоп қилинган. Ҳазиннинг 4 та девони бор. Унинг куллиёти ғазал, қасида, қитъа, маснавийлар билан бирга «Сафири дил», «Ҳадиқаи соний», «Харобот», «Чаман ва Анжуман», «Матмаҳ ал-манзар», «Фарҳангнома», «Тизкорот ал-ошиқин» номли дostonларини ўз ичига олган. Куллиёт Кониपुरда 1893 йилда чоп қилинган.

«Девони Қутбиддин» – Қутбиддин Ҳайдар Туний Шайх Фаридиддин Аттор (1145-1221) замондоши. Аттор унга атаб «Ҳайдарнома» дostonини ёзган. Қутбиддин Ҳайдар 618/1222 йилда Табризда вафот этган. Ашъори вафотидан сўнг тўпланган. Ундан бироз кейинроқ Ўшда туғилиб ўсган

Қутбиддин Ўшй деган шоир ҳам девон тузган. У 634/1237 йил вафот этган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1037/1).

«Девони Лутфий» – 1366-1465 йилларда яшаб ижод қилган ўзбек шоирларидан бири Лутфуллоҳ Лутфийнинг девонида 100 минг байтдан зиёдроқ байт бўлган. Унинг «Гул ва Наврўз» достони ҳам бор. 1437 йилда Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини Шоҳруҳ Мирзонинг таклифи билан ўзбек тилига шеърйй йўлда ижодий таржима қилиб, дoston яратган, у бизгача етиб келмаган.

«Девони Мавлавий Жомий» қаранг: Девони Жомий.

«Девони Мағрибий» – Муҳаммад Ширин ибн Иззиддин Мағрибий Табризий (ваф. 809/1406) арабий ва форсий ашъорлари билан донг таратган. Таниқли шоир. Девонидан бошқа «Нузҳат ас-сосония», «Миръот ал-орифин», «Дурар ал-фарид», «Жоми жаҳоннома» каби асарлари бор.

«Девони Мажзуб» – Аслида Мажзуб тахаллуси билан учта шоир бўлганлиги маълум. Нурмуҳаммад Мажзуб (ваф. 1682), Шарофуддин Мажзуб Хоразмий ва халифа Абдулазиз Мулло (Муҳаммад Азизхожа) Ҳасан ўғли Мажзуб (XVIII асрнинг иккинчи ярми). Булардан охиргиси Эшони Мажзуб Намангоний номи билан шуҳрат қозонган ва девони ҳам халқ орасида машҳурдир. Девони Тошкентда 1911 ва 1915 йилларда нашр этилган.

«Девони мажмуат ал-шуаро»<sup>262</sup> – Аҳмад Табибий (1869–1911)нинг 1908 йилда Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864–1910)нинг буйруғи билан тасниф этган шеърйй мажмуаси. Унда Ферузнинг 101 та ғазалига Хива саройи шоирларидан 32 нафари пайрав-назира ғазал айтишади. Табибий шуларни тўплаган ва ҳар бир шоир ҳақида ҳам маснавий тариқасида баҳо берган. Шунинг учун ҳам асарнинг яна бир номи «Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшоҳий» деб ҳам аталади. Баёний (1859-1923) бу ҳақда бундай хабар ёзиб қолдирган: «Хон ҳазратлари ўз ғазалларидан юз ғазални шоирларга бериб буюрдилар: «Мунга пайравлик этиб ғазал айтгинлар». Шоирларнинг ҳар бири онга пайравлик этиб, юз ғазал айтдилар. Хон ҳазратлари Табибийга амр этдиким, токим, ал-ғазалларни маснавий зимнида жам қилиб, бир китоб этгай. Табибий фармон мужиби била амал қилиб, ал-ғазалларни жам қилиб, ҳар ғазални ёзмоқчи бўлганда, маснавий била ал-ғазални айтгон ким эрканин баён этиб, бу тариқада тамоми ғазалларни жам қилиб, тамом этиб, ал-китобга «Мажмуатуш шуаро» от қўюлди». «Мажмуатуш шуаро» Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

<sup>262</sup> «Мажматул шуарои Фирузшоҳий» шеърйй мажмуаси назарда тутилмоқда.

«**Девони Мазҳар**» – Бу тахаллус билан бир қанча шоирлар ижод қилган. Мазҳар Али Сайид Иброҳим Хуросоний, Мазҳар Гужаротий, Мазҳар Ҳиндий, Мазҳарий Кашмирий. Хоразмда эса машҳур тасаввуф олими, мутасаввиф шоир Шамсиддин Ҳабибуллоҳ Мирзо Жони жонон (1701-1781)нинг 1170/1757 йили тузган девони бир неча марта кўчирилган эди. Унинг девонини 1902 йилда Жумъаниёз (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1038/II) ва 1903 йилда Исмоил девон (Қаранг: ЎРШИ-1, № 924/II) китобат қилганлари маълум. Мирзо Жони жонон Мазҳарнинг девони Конишурда 1854 йили ва Ҳайдарободда 1891 йили нашр этилган.

«**Девони Манучеҳрхон**» – Лурийлар сулоласи вакили Манучеҳрхон (ваф. 1669)нинг девони.

«**Девони Мاستоншоҳ**» қаранг: «Девони Оташкадаи ваҳдат».

«**Девони Маҳвий**» – Алишер Навоий (1441-1501) «Мажолис ан-нафоис»-да тилга олган Маҳвий тахаллусли XV аср шоири бор бўлса ҳам, лекин кўпроқ XVIII асрнинг биринчи ярмида Амир Умархон (1809-1822) даври шоири Маҳвий шўҳрат қозонган. У Қўқонда қози бўлган. Маҳвий номли маҳалла бор. Туркий ва форсий тилда ижод қилган.

«**Девони Маҳмуд**» – Маҳмуд ибн Ҳидоятulloҳ Натанзий Шоҳ Таҳмосп I (1524-1576) даври тарихчиси ва шоири. Унинг «Мажозия», «Ҳоят ал-мажоз», «Ҳосил ал-ҳаёт», «Изтирория», «Бароат ал-илм» номли девонлари ва алоҳида қасидалар тўплами мавжуд. Шоҳ Таҳмоспнинг даври тарихи ҳақидаги асари машҳур.

«**Девони Маҳфий**» – Маҳфий тахаллуси билан бир неча шоирлар ижод қилганлар. Мулло Маҳфий Ришти (XVII аср) Имомқулихон (1611-1642) даври шоири. Яна XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Қундуз шаҳридан бўлган Султон Муҳаммад Қори Қундузий Амир Умархон (1809-1822) даврида Қўқонга келиб яшаган шоир ҳам бор. У кўр бўлган, Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олиб, Қуръон қориси сифатида шўҳрат қозонган. Тожикча шеърлар ижод қилган. Хоразмда кўпроқ Бобурийлар маликаси Шоҳ Аврангзеб Оламгир (1618-1707)нинг қизи Зебуннисобегим (1639-1702)нинг девони кўчирилган. У ҳам «Маҳфий» тахаллуси билан ижод қилиб, девон тузган эди. Зебуннисонинг девонидан ташқари «Мунис ал-арвоҳ», «Зеб ат-тафосир», «Зеб ан-нашаот» каби асарлари бўлган. Унинг девонини Худойберган Муҳркан 1902 йилда (Қаранг: ЎРШИ-1, № 916/II.), Муҳаммад Шарафхожа 1904 йилда (Қаранг: ЎРШИ-1, № 944) китобат қилган. Улардан бошқа хатотлар ҳам кўчирганлар.

«**Девони Мижмар**» – Ҳусайн Таботабойи Мижмар (ваф. 1255/1840) Фатҳ Алишоҳ қожор (1797-1834) даврида Мужтаҳид аш-шуаро лақабини олган. Девони машҳур. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1116/1).

«Девони Мирзо Бедил» қаранг: «Девони Бедил».

«Девони Мирзо Жайхун» форсий. Қаранг: «Девони Жайхун».

«Девони Мирзо Нақий Кошоний» – Мирзо Али Нақий Кошоний (ваф. 1030/1620) Кошоннинг таниқли шоирларидан. Исфаҳон ҳокимига хизмат қилган. Девонида 5 минг байтдан зиёд ашъор бор.

«Девони Мирзо» – Комил Хоразмий (1825-1899)нинг катта ўғли Муҳаммадрасул Мирзобоши (1839-1922)нинг «Марғуб ан-нозирин» деб аталган девони. У мусиқашунос, хаттот, шоир ва олим бўлиб танилган. Хоразм миллий нотасини қоғозга туширишга бош-қош бўлган. Бир неча асарларни таржима қилган. Девони Хива тошбосмасида нашр ҳам этилган. Девонига Фузулий (1498-1556)нинг «Соқийнома»си таржимаси ҳам илова қилинган.

«Девони Мискин» – Муслиҳиддин Мискин Бухорий XIX асрда яшаган зулписонайн шоир. Девонида форсий ғазаллар билан бирга «Ҳазали ўзбекча» номи билан ўзбек тилидаги ашъорлари ҳам ўрин олган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 1926/1, 1277). Шунингдек Бухорода XIX аср охирида ўтган Муслиҳабегим Мулло Нуруллоҳ қизи ҳам Мискин тахаллуси билан ижод қилган бўлиб, девони Хоразмда ҳам китобат қилинган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1042/VIII).

«Девони Музниб» – Муҳаммаднӣез Мулло Бобожон (Отажон) ўғли Суйгун (1864-1924) Хивалик шоир ва хаттотлардан бири. Мадраса таълимини тўла олган. У Музниб тахаллуси билан девон тартиб қилган. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Музҳиб» – Муҳаммад Жаъфар ибн Мирзо Маҳмуд Исфаҳоний (XIX аср) Эрондан етишиб чиққан шоирлардан бири. Девони Хоразмда кўчирилган.

«Девони Мулҳам» – Бу тахаллусда ижод қилган икки нафар шоир бўлгани маълум. Абдуллоҳ Бухорий Мулҳам (ваф. 1120/1709) ўз девонини 1100/1689 йилда тузган эди. Мулҳамий Табрзий (ваф. 1049/1640) эса Шоҳ Аббос I (1588-1629) ва Сафий I (1629-1642) даврининг шоири. Шерозда вафот қилган.

«Девони Мунис» – Шермуҳаммад Мунис Хоразмий (1778-1829)нинг 1804 йилда тартиб берилган, ўзида 80 мингдан ортиқ байтни қамраб олган девони. Девон шоир томонидан «Мунис ал-ушшоқ» деб аталган. Девонининг охирига шоир «Саводи таълим» асарини илова қилган. Девон Хива тошбосмасида икки марта нашр ҳам этилган.

«Девони Муродий» – Тўрамурод тўра Муродий (1854-1906) Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1863-1910)нинг укаси. Араб, форс тилларини билган. Девони «Етти шаҳзода девони» таркибига кирган. Девонида ғазал, му-

хаммас, мусаддас, қасидалар билан бирга рубоий бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1906/1).

«Девони Мутриб» – Муҳаммад Ҳусайн Девон Ҳожи табиб ўғли Мутриби Хонахароб (1853-1923) асли эронлик қуллар авлодидан. Хиванинг таниқли хаттоти, созандаси. Унинг «Шоҳ Комрон» номли достони ҳам бўлган. Девони Хива тошбосмасида чоп этилган.

«Девони Муфид» – Форс адабиётида уч нафар шоир ўтган. XVIII асргача яшаган Исфаҳонлик ва Балхлик Муфид тахаллусли шоирлар бўлган. XIX асрда эса Шерозлик Муфид бор. У девонидан ташқари «Миръот ал-фасоҳат» номли тазкира ҳам ёзган. Яна уч нафар Муфид тахаллусли шиъа уламолари ҳам бўлиб, уларнинг девон тузгани маълум эмас.

«Девони Муҳийй» – Машҳур мутасаввиф олим, Қодирия тариқати асосчиси Абдулқодир Жийлтоний (ваф. 561/1166)нинг араб ва форс тилида ижод қилган девонлари бўлган. Шулардан форсий девонини Хоразмнинг машҳур хаттоти Муҳаммадшариф 1903 йилда китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 919/V). Қўқонда яшаган Ҳожи Муҳийдин ибн Муҳаммадризо Муҳийй (1848-1911) ҳам бор бўлиб, у Насриддинбек (1875-1876)га назмда устозлик ҳам қилган. Ҳажга бориб келган. Қўқон, Андижон шаҳарларида яшаган. У зулнисонайн шоир бўлиб, форсий ва туркий девони бор. Садриддин Бухорий кўчирган унинг девони ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 7321 тартиб рақами билан сақланади.

«Девони Муҳит» – Мирзо Муҳит ад-динхон Машҳадий (XIX аср) Ҳиндистонда яшаган форсийзабон шоирлардан бири. Оғир дардга чалиниб вафот этган.

«Девони Мухлис» (румий) 21<sup>а</sup>, - Амир Насруллоҳ (1827-1860) даврида Бухорода яшаган, Муҳаммадёр Мухлис Намангоний ҳам бор бўлиб, унинг «Тухфат ал-обидийн» номли тазкирасига унинг ҳам ашъорлари киритилган. Кичик ҳажмдаги девони ҳам борлиги маълум. Ашъорлари тасаввуфий, диний мавзуларда.

«Девони Мушфиқий» – Абдураҳмон Мушфиқий 1527-1588 йилларда Бухорода яшаб ижод қилган таниқли шоир. Самарқандда ҳам бир муддат яшаган. Мушфиқийдан катта ҳажмда бадий мерос қолган. Унинг девонлари тўртта. Биринчи девонини 1558 йилда тузган бўлиб, фақат ҳажвиялардан иборат. Унинг «Соқийнома», «Гулзори эрам», «Жаҳоннамо» каби маснавийлари бор. Девонида лирик жанрларнинг барча турларидан ашъорлар мавжуд.

«Девони Моҳир» – Нўъмон Моҳирбек Усмон Рашидбек ўғли (XIX аср)нинг девони. У Усманийлар саройида аён, котиб, вақф ишлари нози-

ри бўлиб хизмат қилган. 1259/1844 йилда вафот қилган. Девони Истанбулда 1871 йилда нашр қилинган.

«Девони Навидий» – XVI аср бошларида яшаган Кўланг лақабли дарбадар, қаландар шоир. Бухорода яшаган. Девони Лакнавада 1880 йили нашр қилинган. Эронлик яна икки нафар шоир шу тахаллус билан ижод қилган. Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Исфаҳоний Кашмирда яшаб, 1182/1769 йилда вафот қилган. Иккинчиси Нуриддин Деҳлавий 1250/1835 йил атрофида вафот этган.

«Девони Навоий» – Алишер Навоий (1441-1501)нинг девонларидан терма қилиб олиб тузилган девон. Навоий тўртта девон тузган: «Ғаройиб ус-сифар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойеъ ал-васат», «Фавойид ул-кибар». Бу девонлардаги шеърлар 45 минг мисрадан ортиқ бўлиб, 16 жанрга оиддир. 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо ва бошқалар мавжуд. Бундан ташқари 12 минг мисрадан ошиқ форсий девони ҳам бор.

«Девони Надимий» – Хивалик хаттот ва шоирлардан бири Болта Девон Қурбон Харрот ўғли Надимий (ваф. 1938) баъзан Нодим ҳам деб тахаллус ишлатган. Девонида ғазал, мухаммас, мусаддас ва қасидалар мавжуд. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 901/1).

«Девони Назирий» форсий. Қаранг: «Девони куллиёти Назирий».

«Девони Насибий» – Бу тахаллус билан девон тузган уч нафар шоир ижод қилган: Ассад ал-ҳақ Насибий Яздий машҳур олим Жалолоддин Давоний (1427-1502)нинг шогирди. Девони 8 минг байт атрофида. Насибий Яздий 914/1509 йилда вафот этган. Бобо Насибий Гийлоний Табризда яшаган, ҳолвафуруш бўлган. Султон Яъқуб (1478-1490) саройида хизмат қилгани маълум. Насибий Гийлоний 944/1537 йилда вафот этган. Кейинги шоир Муҳаммадхон Мирзо ибн Мусобег Насибий Кирмоншоҳий бўлиб, Фатҳ Али шоҳ (1797-1834) унга Фахр аш-шуаро унвонини беради. Умрининг охирида Ҳиндистонга кетиб, Лакнавада 1261/1845 йилда вафот этган.

«Девони Нафъий» – Умар Нафъий (XVII аср) девони. У Арзирумга қарашли Ҳасанқалъада туғилган. Султон Муродхон IV (1623-1640)да эътибор топган туркийгўй шоирлардан. Қасидалари ғазалларига нисбатан анча юқори савияда эканлиги сезилади. Девони Мисрда 1834 йили 189 саҳифали қилиб нашр этилган. Девонидан ташқари унинг «Сиҳоми қазо» номли ҳажвияси бор.

«Девони Неъматхони олий (алиий)» – Асли Шерозлик бўлмиш Мирзо Муҳаммад Шерозий Ҳиндистонда яшаган ҳинднинг форсийгўй шоирларидан. Аврангзеб Оламгир (1667-1707) замонида яшаган. 1120/1708 йилда вафот этган. Унинг девонидан ташқари «Ҳусн ва Ишқ», ошпазлик ҳақидаги «Хони неъмат» асарлари бор. Шоҳи олам Баҳодиршоҳ I (1707-1712) амри билан «Шоҳнома»нинг назмий вариантини яратган.

«**Девони Ниёзий**» – Отаниёз охунд Бобониёз охунд ўғли (1858-1928) Шовот/Шоҳобод туманидан бўлиб, мадрасани битказиб, мударрис ҳам бўлган. Шоир, мусиқашунос, хаттот, таржимон. Девонида ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий ва қасидалардан ташқари 2 та таърих ҳам бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 902/1).

«**Девони Ниёз**» (Румлик) – Шоҳниёз Аҳмад ибн Шоҳ Раҳматуллоҳ Сарҳиндий (ваф. 1250/1835)нинг девони. Унинг девонини 1906 йилда Бобожон тарроҳ кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1027/II). Туркиялик шоирлардан бири Шайх Муҳаммад Афанди Мисрий (ваф. 1105/1694) ҳам Ниёз тахаллуси билан ижод қилган. Унинг девони ҳам Хоразмда бир неча марта кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 923/II, 1035/I). Қўқонлик яна бир Ниёз тахаллусли шоир бўлиб, Муҳаммадниёз ибн Ашур Муҳаммад Хўқандий (тахминан 1803-1880) ўзининг «Тарихи Шоҳруҳий» асари билан машҳур. Мазкур тарихий асарда 1806-1876 йиллар Қўқон хонлиги тарихи битилган.

«**Девони Низомий**» – Хамсачиликни бошлаб берган буюк шоир Низомий Ганжавий (1141-1209)нинг шеърлар девони 20 минг мисрадан иборат. Унда 10 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубойи ва бошқалар бор.

«**Девони Нишотий**» – Бу Эронлик шоир бўлиб, «Ганжинаи Нишот» асари назарда тутилмоқда. Унинг исми Муътамад ад-давла Мирзо Абдулваҳҳоб бўлиб, XVIII асрда яшаб ўтган. Хоразмлик Нишотий билан алиштириш керак эмас.

«**Девони Нобий**» – Туркиялик Нобий тахаллуси билан ижод қилган икки нафар шоир бор: Юсуф Нобий Султон Муҳаммадхон IV (1648-1687) даврида давлат котиби бўлган. 1124/1712 йилда вафот этган. Унинг девонидан ташқари «Тухфаи дилкаши Нобий», «Хайрия», «Хайробод», «Ҳизнома», «Тухфат ал-ҳарамайн» каби манзумалари мавжуд. Нобий Чалабий номли яна бир шоир бўлиб, у Такфуртоғ ноҳиясидан бўлган. У 1145/1733 йилда вафот этган.

«**Девони Нозим**» – Нозим Шоҳ Ризо Сабзаворий Ҳиравий (ваф. 1081/1670)нинг девони. Девонида ғазал, рубойи, мухаммас, таркиббанд ва маснавийлар учрайди. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 3605, 102/V, 325).

«**Девони Нозир**» – Муҳаммад Ҳусайн Муҳаммад Девонбеги ўғли Нозирий (ваф. 1918) Хива саройида девонбеги мансабида ҳам ишлаган. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«**Девони Ноилий**» – Бу тахаллус билан Туркияда икки нафар шоир танилган. Абдуллоҳ пошшо Ноилий Истанбулда садр лавозимида фаолият олиб борган. Девонхонада бош котиб, дафтардор ҳам бўлган. 1171/1758 йилдан сўнг Маккага кетиб у ерда вафот қилган. Иккинчиси Мустафо

Ноилий пошшо номи билан танилган бўлиб, у ҳам садри аъзам мансабига этишган. У 1213/1798 йилда Пўён қишлоғида туғилган. Мир миронлик лавозимида ҳам ишлаб, саркардалик ҳам қилган. Французларга қарши жангларда шухрат қозонган. У 1289/1873 йилда 76 ёшида вафот қилган.

«Девони Носир Али» – Носир Али Сарҳиндий ибн Ражабали Панжобий (ваф. 1108/1697) ҳинд форсийгўйларидан. Девони машҳур.

«Девони Обид» – Икки нафар форсийзабон шоир шу тахаллусда ижод қилган. Хожа Абдурраҳим Обид (XVI аср) Хожа Аҳрор (1404-1490)нинг невараларидан бири бўлиб, Ҳиндистоннинг Деҳлисида яшаб ижод қилган. Иккинчиси Обид Исфаҳоний (XVI аср) Шоҳ Таҳмосп I (1524-1576) даврида яшаган шоирлардан. (Қаранг: ЎРШИ-1, №1116/IV).

«Девони Огаҳий» – Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874)нинг 1872 йилда тузган «Таъвиз ал-ошиқин» номли девони. У 18 минг мисрадан иборат бўлиб, «Ашъори форсий» номи билан форс тилида яратган 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девон Хива тошбосмасида бир неча марта чоп этилган.

«Девони Ожиз» – Худойберган охунд муфтий Низомиддин хатиб ўғли Ожизий (1837-1919) Урганчлик бўлган. Хива мадрасаларида мударрис ва муфтий бўлган. Кейинчалик қозикалонлик мансабига ҳам эришади. Ожизийнинг девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Озарий» – Ҳамза ибн Али ал-Байҳақий ал-Озарий (1382-1462)нинг девони. У ўз даврининг йирик шайхи, олими, сайёҳ ва шоиридир. Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг муаллими. Икки марта ҳаж зиёрати-га борган, Маккада бир муддат яшаган. Ҳалаб, Ироқ шаҳарларида турган. Озарийнинг девонидан ташқари «Жавоҳир ал-асрор», «Саъй ас-сафо», «Тугройи Ҳумоюн», «Ажойиб ал-ғаройиб» номли асарлари бор.

«Девони Оқил» – Ҳусан Муродбек Муҳаммад Ёқуббек ўғли Ҳасанмурод қушбегининг невараси бўлгани учун Отабек тўра номи билан аталган, Оқил унинг тахаллуси (1873–1923). Хоразм маърифатпарварларидан бири, шоир, созанда, китобсевар. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган. Девонида 375 та ғазал, 40 мухаммас, 6 мусаддас, мустаҳзод ва рубоийлар, маснавий ва қасидалар бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 950).

«Девони Орзу» – Ҳиндистонда 1656-1687 йиллар яшаб ижод қилган форсийгўй шоирлардан бири бўлиб, куллиёт девонида 30 минг байт борлиги айтилади.

«Девони Ориф» – Ориф тахаллуси билан ижод қилган форсийгўй шоирлар жуда кўп. Туркий тилда эса Фатҳуллоҳ Ориф Ажамий ижод қилган. У Сулаймонхон Қонуний (1520-1566) даврида яшаган ва унга атаб қасидалар битган. Ориф Ажамий 969/1561 йилда вафот этган. Яна бир Ориф

Бухорода яшаган, Амир Шоҳмурод (1785-1800) даври шоири. У ҳам девон тузган ва «Тож ат-таворих» номли тарихий асар ҳам битган. Туркий тилда битилган «Девони Ориф» номида Истанбул ва Мисрда учта девон нашр этилган. Истанбулда 1854 йилда Муҳаммад Ориф Афанди девони, 1916 йилда Ориф Ҳикматбек девони, Мисрда 1847 йилда Сулаймонбек Ориф девони нашр этилган.

«Девони Оташкадаи ваҳдат» – Хожа Мاستоншоҳ Соҳиб Кобулий (XIX иккинчи ярми)нинг «Оташкадаи ваҳдат» деб номланган девони. Хожа Мастоншоҳ Ҳиндистоннинг Лоҳур шаҳрида яшаб қолган мутасаввиф шайхлардан бўлган. Девони ирфоний-фалсафий, ошиқона мавзуларда бўлиб, 29 та араб ҳарфи билан тугайдиган радифли ғазалларидан иборат. Унга тасаввуф шайхлари, хусусан, Ҳазрати Алига бағишланган ғазал, мухаммас ва қасидалари ҳам киритилган. Девон 1875 йилда Лоҳурда шоир тириклик пайтида нашр этилган. Адиб Маҳрам Али Чиштиий урду тилида унга сўзбоши ёзган. 1898 йилда Хожа Мастоншоҳнинг «Чиҳил асрор» номли асари унинг ўғли тарафидан нашр қилинади. Асар машҳур мутасаввиф Сайид Али Ҳамадоний (1314-1384)нинг 40 та ғазалига мухаммас ва баъзи изоҳотлардан иборат.

«Девони Оташкадаи Озар» – Асар девон эмас, шоирлар тазкирасидир. У Ҳожи Лутф Алибекдили Озар (1722-1781)нинг тазкираси. Асар икки мижмар (оловдон)га, ҳар бири эса шўъла, ахгар (чўғ), шарора (аланга), партав (ёнғин) каби бўлимларга бўлинган. Унда 845 нафар шоирнинг таржимаи ҳоли ва шеърларидан намуналар келтирилган. Асар 1860 ва 1881 йилларда Бўмбайда нашр этилган.

«Девони Ошиқ Юнус» румий, туркий – Юнус Эмро Туркиянинг машҳур ва улуғ орифларидан бири, ўзининг зовия (хонақо)си ҳам бўлган. Унинг халқчил илоҳийлари, сўфиёна муножотлари жуда машҳур. У 848/1444 йилда вафот этган. Унинг девони Истанбулда 1884 йилда 188 саҳифа ҳажмида нашр этилган.

«Девони Ошиқ» – Мулла Абулхайр Самарқандий асли Хоразмлик бўлган. Ҳиротда бир муддат яшаб, Ҳусайн Байқаро (1470-1506) эътиборини топган, кейин Шайбонийхон (1500-1510) саройида хизмат қилган. Алишер Навоий (1441-1501) «Мажолисун нафоис»да уни Мавлоно Ошиқий деб келтиради ва Оқсарой иморати мадҳида айтган гўзал қасидаси борлигини ёзган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1116/V). Яна Мавлоно Нейматуллоҳ Ошиқнинг девонини Сайид Музаффар Бухорий 1260/1844 йилда кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1015). Бундан ташқари Бухорода XX аср бошларида ўтган Мулло Абдураҳимбек Ошиқ ҳам ижод қилган. Туркиянинг таниқли шоири Ошиқпошшо (1272-1333)нинг девони «Ҳарибнома» маснавийси билан бирга Петербургда 1903 йилда нашр этилган эди.

«Девони Партав» (туркий) – Партав пошшо лақаби билан XIX асрда икки нафар шоир Истанбулда яшаган ва иккови ҳам саройда вазирлик лавозимига эришган. Биринчи Партав пошшо хорижия нозири, садри аъзам, сўнг вазир бўлган. 1253/1838 йилларда Адирнага кетиб, у ерда вафот қилган. Девони Истанбулда нашр қилинган. Иккинчиси Адҳам Партав пошшо Арзирумлик бўлиб, 1263/1846 йилдан сўнг Истанбулда садри аъзам, кейин вазир бўлган. Сўнгра Қастимуннинг волииси бўлиб турганда 1290/1874 йилда вафот қилган. У француз тилини ҳам билган. «Итлоқ ал-афкор», «Авъава» каби рисоалари, француз тилидан қилган таржималари бор. Хива саройи кутубхонасида девони сақланган Партавни Хоразмлик шоир Ота Махзум Муҳаммад Латиф ўғли Партав (1905-1956) билан алиштириш керак эмас.

«Девони Пури Комил» – Комил Хоразмий (1825-1899)нинг ўғли, Муҳаммадрасул Мирзо (1840-1923)нинг укаси Пур (яъни, тўла, кичик) Комил (1861-1926)дир. Бир неча йил Гурлан туманига ҳоким бўлиб турган. Кейинчалик бир оз муддат Марказий ижройи қўмитга хазиначиси лавозимида ҳам ишлаган. Акаси Мирзо ёрдамида шеърлар машқ қилиб, девон тузишга муваффақ бўлган. Девони Хива тошбосмасида нашр этилган.

«Девони Равнақ» – Хоразмлик шоир Паҳлавонқули Равнақий (1725-1805)нинг девони. Шу даврда, яъни XVIII аср бошларида шу тахаллус билан ижод қилган яна бир моҳир шоир, Хўжандда қози бўлган экан. У зуллисонан шoir бўлиб, туркий ва форсий ижод қилган. Девон тартиб берган. Унинг икки ўғли ҳам шоир бўлган.

«Девони Равшан» 21<sup>6</sup>, Девони Теҳронда 1899 йилда 434 саҳифали қилиб нашр этилган.

«Девони Рафиъ Колоий», туркий – Истанбулда қози бўлган бу зот отаси қамощчи (газламафуруш) бўлгани учун Колоий лақаби билан танилган. У 1237/1822 йилда вафот этган. Девони Истанбулда 1867 йили 142 саҳифали қилиб нашр қилинган.

«Девони Роғиб» – Муҳаммад Раҳим махсум Қози Шокир ўғли (1883-1938) Урганч шаҳрида туғилиб ўсган. Девони Хива тошбосмасида нашр этилган.

«Девони Рожий» – Хоразмлик шоир, таржимон, олим Муҳаммадюсуф Рожий (XIX аср биринчи ярми)нинг девони бўлиб, 1880 йилда Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Салмон Соважий» – Жамолиддин Салмон ибн Хожа Алоуддин Соважий (1300-1368) асли Озарбойжонлик бўлиб, форс адабиётининг кўзга кўринган намояндаси. Султон Увайс II (1356-1374) саройида обрў-эътибор топган. Девонида ғазал, қасида, маснавий ва бошқа жанрлардаги

шеърлар ўрин олган. Унинг «Жамшид ва Хуршид» достони ҳам бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 202, 233, 348).

«Девони Самим» 8<sup>а</sup>.

«Девони Саъдий (Хоразмий)» – Саъдуллоҳ тўра Саъдий (1877-1937)нинг девони. У мадраса таълимини Баёнийдан олган. 20 ёшдан бошлаб шеър ёза бошлаган ва девон тартиб берган. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 909/II).

«Девони Сирожий» – Мавлавий Сирожиддин ибн Холмуҳаммад Ўший (ваф. 1296/1878) машҳур шоир Ҳувайдо Чимёний (ваф. 1194/1780)нинг невараси. У шеърда Сирожий тахаллусини қўллаган. Ҳувайдонинг ашъорларини тўплаб девонини тузган. Ўзи ҳам баракали ижод қилган. Ундан ташқари XIX асрда ўтган Мирзо Сирож Ҳакам Бухорий ва Сирожиддин ибн Мулло Юсуф Қазонжорийларнинг ҳам девонлари бор. Охириги Сирожий ҳам XX аср бошларида Бухорода ўтган шоир бўлган. У Мизжон ибн Мирзо Абдурауф Сарроф деб аталган.

«Девони Содиқ Мунший» – Мирзо Муҳаммадсодиқ Мунший (ваф. 1235/1819)нинг девони. У Бухоро амирларидан Шоҳмурод (1785-1799) ва Ҳайдар (1799-1826)нинг муншийси бўлгани учун Содиқ Мунший тахаллуси билан ижод қилган. Девонидан ташқари «Тарихи манзум», «Даҳмаи шохон», «Қазо ва қадар», «Муншаот ва маншурот» каби асарлари бор.

«Девони Содиқ» – Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг қариндошларидан Раҳмонқули тўра Тўрамурод ўғли Содиқ (1867-1942)нинг девони. У араб, форс, ҳинд, туркий тилларни яхши билган. Хушхат хаттот саналган. Ахлоқан жуда камтар бўлгани манбаларда қайд этилади. Девони ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 1145 ва 6666 рақамлари билан сақланади.

«Девони Сойиб» – Мирзо Муҳаммадали Табризий Сойиб (1603-1677) Эронда Аббос II (1642-1666) саройининг кўзга кўринган шоири. Хива сарой кутубхонасида унинг девонидан уч нусха сақланган.

«Девони Солим» – Мазкур тахаллус билан ижод қилган форсийгўй тўрт нафар шоир бор. Солим Туркманнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони бор. Солим Самарқандий Мирзо Улуғбек (1394-1449) даврининг шоири, кейин Ҳиротга бориб яшаган. Солим Кашмирий Мулло Лутфуллоҳ ибн Сайид Мирали 1081/1670 йилларда тирик бўлган. Охириги шоир Ҳожи Муҳаммад Аслам Кашмирий Ҳиндистонда яшаган ва у ерда 1119/1708 йил вафот этган. Унинг девонини Хивада Мулло Эшжон 1902 йилда китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1038/I).

«Девони Сомий» туркий – Туркиялик шоир Шамсиддин Мустафобек Сомий (ваф. 1146/1733)нинг девони. Девон Мисрда 1837 йилда нашр этилган. Ўша нашр асосида Иноятуллоҳ девон Хива саройи учун китобат қилган.

«Девони Сомий» форсий – Бухоролик таниқли олим, мунший Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1833-1907) Қизилтепа туманининг Бўстон қишлоғидан бўлган. Амир Музаффар (1860-1885)нинг сарой муншийси. Унинг девонидан ташқари «Тарихи салотини манғития доруссалтана Бухорои шариф», «Тухфаи шоҳий», «Рисолаи иншо» каби асарлари мавжуд.

«Девони Софий» – Исфаҳонлик шоир. Девонида кўпроқ ғазаллар ўрин олган. Девонидан ташқари «Шаҳоншоҳнома» номли достон, «Гулшани хаёл» номли маснавий ёзган. Софий Исфаҳонда 1219/1805 йилда вафот этган ва Мир Абулқосим мақбарасига дафн этилган. Шу йили китобат қилинган девони Хива саройи кутубхонасига олинган.

«Девони Сулаймон» – Сулаймон Теҳроний Эрон шоирларидан, Ҳиндистонга кетиб яшаган. Тахминан XVII асрда яшаб-ижод қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №7365, 1042/III).

«Девони Султоний» – Сайид Носир тўра Муҳаммадёр тўра ўғли Султоний Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг невараси бўлади. Баёний унга устоз бўлган. У 1920 йилда биродарлари билан Сибирга сургун қилинган. Девонида 373 та ғазал, 1 тадан мустаҳзод ва мураббаъ, шунингдек, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таржеъбанд, маснавий, рубоий, муаммо ва қасидалар ўрин олган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 909/1).

«Девони Сурайё» – Сурайё пошшо ибн Усмон пошшо (1825-1879) Усмонийлар халифалигининг таниқли вазири. Усмонли Туркиянинг Франция ва Русиядаги элчиси лавозимида ҳам ишлаган. Ҳалабда хоким ҳам бўлган. У олим, адиб, хаттот, аҳли илмлар муҳиби сифатида ҳам тарихда қолган.

«Девони Сухбат» форсий – Мулло Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммадали ибн Абдуссамад Сухбат Лорий (1748-1835) Шерозда таҳсил олган, кейин ўз юрти Лорга қайтиб, имомлик қилган ва ижод билан шуғулланган. Умрининг охирида кўр бўлиб қолади. Ашъори 8 минг байтга яқин бўлса ҳам, куллиёти 30 минг байтга яқинлиги аниқланган. Қасидаларида хон ва имомларни мадҳ қилган.

«Девони Табибий» – Аҳмаджон Али ўғли Табибий (1869-1910) Хиванинг сермаҳсул ижодкорларидан. Хушхат хаттот, тарихчи, тазкиранавис, мусиқашунос, табиб бўлган. 5 та девони мавжуд. Ўзи девонлари ҳақида бундай деган: «Бу фақир қўлида жам бўлган китобнинг сони беш девондур. Аларнинг учтаси туркий ва иккиси тожикчадур. Бирланжисини адолатли шоҳга ҳадя қилиш сабабидин «Тухфат ас-султон» деб атадим, иккиланжи девонга ошиқлар унсияти сабабидин «Мунис ал-ушшоқ» ном берилди. Учланжисига фақат ишқ ҳолатларидин гапирилган ваҳҳидин «Миръот ал-ишқ» деб ном қўйдум. Тўртланжи девонга ошиқлар ўқуб ҳай-

рон бўлсунлар деб, «Ҳайрат ал-ошиқин» деб исм берилди. Бешланжиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгани сабабидин «Мазҳар ал-иштиёқ» деб аталди». Девонларининг ҳаммаси Хивада бир неча мартадан кўчирилган, Хива тошбосмасида нашр этилган.

«Девони Тажаллий» – Форсийгўй бир қанча шоирлар бўлган, ҳаммаси XVII асрда яшаган. Муҳаммад Ҳусайн Тажаллий Қошондан бўлиб, Ҳиндистонга бориб, Гажаротда яшаган. 1041/1631 йилда у ерда вафот этган. Мирзо Али Ризо Тажаллий Исфаҳонда туғилиб, у ерда вафот этган. Бир муддат Ҳиндистонда яшаган. У 1088/1677 йилда вафот этган. Тажаллий Бухорий Балҳда яшаб ижод қилган. Туркий тилда ижод қилган Тажаллий Румий Зулфиқор ибн Абдуллоҳнинг туркий девони бор. У 1100/1688 йилда вафот этган. Яна бир XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаган Мавлоно Тажаллий Ёрқанддан Қўқонга кўчиб келиб яшаган машҳур шоир ҳам бор. Фарғона адиблари орасида ҳурмат ва эътиборга эга бўлган. Ҳаж зиёратига ҳам бориб келган. У зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форс тилида ижод қилган. Тахминан 1918 йилда вафот этган.

«Девони Тазкираи Ҳусайний» – Аслида девон эмас, балки тазкирадир. Ҳусайн Дўст Сунбахлий Муродободий ал-Ҳусайний (ваф. 1203/1789)нинг кичик ҳажми тазкираси назарда тутилаётган бўлса керак. Унда 564 нафар шоирлар ҳақида хабар берилган. Асар Лакнавда 1875 йилда нашр этилган. Бундан ташқари Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро ал-Ҳусайний (1470-1506)нинг «Мажолис ал-ушшоқ» ҳам бор бўлиб, асар 1897 йилда Ҳиндистонда суратли қилиб нашр этилган. Тазкира 75 та мажлисга бўлинган бўлиб, ҳар бир мажлисда ўтган шоир, адиб, мутасаввиф, уламоларнинг ишқу муҳаббатга муносабатлари, уларнинг асарларидан парчалар акс эттирилган.

«Девони Тарзий» – Саъдуллоҳ ибн Ҳулом Ҳанафий Тарзий Қандаҳорий (XIX аср)нинг «Куллиёти Тарзий» тўпламида девони Карочи шаҳрида 1893 йил нашр этилган. Яна унинг «Кашф алмаҳжубийн шарҳ Тафсири Жалолоайн» асари машҳур бўлиб, 1306-7/1889-1890 йилларда икки жилд қилиб нашр этилган.

«Девони Таҳсин» – Қози Абдураҳмон Таҳсин Понипутий Ҳиндистонлик форсийгўй шоирлардан. Асадуллоҳ Фолиб (1796-1869)нинг шогирди. Таҳсин 1294/1877 йил вафот этган. Ундан ташқари туркий тилда ижод қилган Таҳсин тахаллусли шоирлар ҳам бор: Мир Ато Ҳусайнхон Таҳсин (ваф. 1200/1786) ва Ҳожи Ҳасан Афанди Таҳсин (ваф. 1297/1880)ларнинг туркий ашъори машҳур. Шунингдек, Бухорода XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Абдуллоҳхожа Бухорий ҳам Таҳсин тахаллуси билан ижод қилган. У Бухорода садр ва муфтий мансабида фаолият олиб борган.

«**Девони Тож аш-шуаро**» – Бу тахаллус билан ўтган икки шоир бўлган. Бири Муҳаммад ибн Али Сўзаний Самарқандий (ваф. 569/1174). Лекин унинг бу тахаллус билан ижод қилиб девон тугани маълум эмас. Кейинги Тож аш-шуаро тахаллусли шоир Мирзо Насруллоҳ Шаҳоб Исфаҳоний 1254/1838 йилда Теҳронга келгани маълум. Носириддин шоҳ (1848-1896)га атаб қасидалар битган.

«**Девони Толиб**» – Омулик шоир, Ҳиндистонда бир муддат яшаган. Жаҳонгир подшоҳ (1605-1627) 1619 йилда уни ўз Малик аш-шуароси деб эълон қилган. Толиб Омулийнинг «Қазо ва қадар» номли маснавийси ҳам бор. Афғон тупроғида етишиб чиққан машҳур шоирлардан бири Толиб Омулий (ваф. 1035/1626) девони Хоразмда ҳам кенг истеъмолда бўлган. Девонининг 1080/1670 йил китобат қилинган қадимий нусхаларидан бири Хива сарой кутубхонасида бўлган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 976).

«**Девони Умархон**» – Қўқон хони Амир Умархон (1727-1822)нинг девони. Умархон ўз саройида кўплаб шоирларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилиб турган. Унинг даври шоирларидан хабар берувчи асарни Фазлий Намангоний «Тазкират аш-шуаро» номи билан ёзган.

«**Девони Умидий**» – Муҳаммаднийёз Қози Вайс (Абдуллоҳ) ўғли Умидий (1841-1906) Ҳазораспнинг Карвак қишлоғидан бўлган шоир ва хаттот. Унинг девони ҳам Хива тошбосмасида нашр этилган.

«**Девони Урфий Шерозий**» – Муҳаммад ибн Бадриддин Урфий Шерозий (1555-1590) умрининг аксар қисми Ҳиндистонда ўтган. Акбаршоҳ (1556-1605) саройида хизмат қилган. Девонида қасида, ғазал, қитъа, таржеъбанд, таркиббанд жанрлари ўрин олган. Девонидан бошқа Низомийга татаббуъ қилиб ёзган манзумалари, шунингдек, тасаввуфий мазмундаги «Нафсийа» рисоласи мавжуд.

«**Девони Усмонбек**» – Усмон Соҳиб Афанди Пирийзода (1710-1770) Истанбулда яшаган. Шайх ал-ислом лавозимида фаолият олиб борган. Бир муддат қози аскар ҳам бўлган. Шеърларида асосан Соҳиб тахаллусини қўллаган.

«**Девони Усмони Наврас**» – Усмонийлар даврида Наврас тахаллуси билан икки нафар шоир ижод қилган. Абдурраззоқ Афанди Навраси қадим номи билан танилган. 1175/1762 йилда Бурсага бадарға қилинган ва ўша ерда вафот этган. Иккинчиси Усмони Наврас бўлиб, Бағдоддан Истанбулга келиб XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаган. У асосан форс тилида ижод қилган. Унинг девони Истанбулда 1873 йилда нашр этилган.

«**Девони Фавжий**» – Мулла Муқим Нишопурий (ваф. 1060/1650)нинг девони. 1908 йилда Хоразмлик хаттот Хожаниёз ибн Эшбобо Шатли китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 937, 6779).

рон бўлсунлар деб, «Ҳайрат ал-ошиқин» деб исм берилди. Бешланжиси бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгани сабабидин «Мазҳар ал-иштиёқ» деб аталди». Девонларининг ҳаммаси Хивада бир неча мартадан кўчирилган, Хива тошбосмасида нашр этилган.

«Девони Тажаллий» – Форсийгўй бир қанча шоирлар бўлган, ҳаммаси XVII асрда яшаган. Муҳаммад Ҳусайн Тажаллий Қошондан бўлиб, Ҳиндистонга бориб, Гажаротда яшаган. 1041/1631 йилда у ерда вафот этган. Мирзо Али Ризо Тажаллий Исфаҳонда туғилиб, у ерда вафот этган. Бир муддат Ҳиндистонда яшаган. У 1088/1677 йилда вафот этган. Тажаллий Бухорий Балхда яшаб ижод қилган. Туркий тилда ижод қилган Тажаллий Румий Зулфиқор ибн Абдуллоҳнинг туркий девони бор. У 1100/1688 йилда вафот этган. Яна бир XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаган Мавлоно Тажаллий Ёрқанддан Қўқонга кўчиб келиб яшаган машҳур шоир ҳам бор. Фарғона адиблари орасида ҳурмат ва эътиборга эга бўлган. Ҳаж зиёратига ҳам бориб келган. У зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форс тилида ижод қилган. Тахминан 1918 йилда вафот этган.

«Девони Тазкирани Ҳусайний» – Аслида девон эмас, балки тазкирадир. Ҳусайн Дўст Сунбахлий Муродободий ал-Ҳусайний (ваф. 1203/1789)нинг кичик ҳажмли тазкираси назарда тутилаётган бўлса керак. Унда 564 нафар шоирлар ҳақида хабар берилган. Асар Лакнавда 1875 йилда нашр этилган. Бундан ташқари Мирзо Султон Ҳусайн Бойқаро ал-Ҳусайний (1470-1506)нинг «Мажолис ал-ушшоқ» ҳам бор бўлиб, асар 1897 йилда Ҳиндистонда суратли қилиб нашр этилган. Тазкира 75 та мажлисга бўлинган бўлиб, ҳар бир мажлисда ўтган шоир, адиб, мутасаввиф, уламоларнинг ишқу муҳаббатга муносабатлари, уларнинг асарларидан парчалар акс эттирилган.

«Девони Тарзий» – Саъдуллоҳ ибн Ҳулум Ҳанафий Тарзий Қандаҳорий (XIX аср)нинг «Куллиёти Тарзий» тўпламида девони Карочи шаҳрида 1893 йил нашр этилган. Яна унинг «Кашф алмаҳжубийн шарҳ Тафсири Жалолоайн» асари машҳур бўлиб, 1306-7/1889-1890 йилларда икки жилд қилиб нашр этилган.

«Девони Таҳсин» – Қози Абдураҳмон Таҳсин Понипутий Ҳиндистонлик форсийгўй шоирлардан. Асадуллоҳ Фолиб (1796-1869)нинг шогирди. Таҳсин 1294/1877 йил вафот этган. Ундан ташқари туркий тилда ижод қилган Таҳсин тахаллусли шоирлар ҳам бор: Мир Ато Ҳусайнхон Таҳсин (ваф. 1200/1786) ва Ҳожи Ҳасан Афанди Таҳсин (ваф. 1297/1880)ларнинг туркий ашъори машҳур. Шунингдек, Бухорода XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Абдуллоҳхожа Бухорий ҳам Таҳсин тахаллуси билан ижод қилган. У Бухорода садр ва муфтий мансабида фаолият олиб борган.

«**Девони Тож аш-шуаро**» – Бу тахаллус билан ўтган икки шоир бўлган. Бири Муҳаммад ибн Али Сўзаний Самарқандий (ваф. 569/1174). Лекин унинг бу тахаллус билан ижод қилиб девон тугани маълум эмас. Кейинги Тож аш-шуаро тахаллусли шоир Мирзо Насруллоҳ Шаҳоб Исфаҳоний 1254/1838 йилда Теҳронга келгани маълум. Носириддин шоҳ (1848-1896)га атаб қасидалар битган.

«**Девони Толиб**» – Омуллик шоир, Ҳиндистонда бир муддат яшаган. Жаҳонгир подшоҳ (1605-1627) 1619 йилда уни ўз Малик аш-шуароси деб эълон қилган. Толиб Омулийнинг «Қазо ва қадар» номли маснавийси ҳам бор. Афғон тупроғида етишиб чиққан машҳур шоирлардан бири Толиб Омулий (ваф. 1035/1626) девони Хоразмда ҳам кенг истеъмолда бўлган. Девонининг 1080/1670 йил китобат қилинган қадимий нусхаларидан бири Хива сарой кутубхонасида бўлган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 976).

«**Девони Умархон**» – Қўқон хони Амир Умархон (1727-1822)нинг девони. Умархон ўз саройида кўплаб шоирларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилиб турган. Унинг даври шоирларидан хабар берувчи асарни Фазлий Намангоний «Тазкират аш-шуаро» номи билан ёзган.

«**Девони Умидий**» – Муҳаммаднийёз Қози Вайс (Абдуллоҳ) ўғли Умидий (1841-1906) Ҳазораспнинг Карвак қишлоғидан бўлган шоир ва хаттот. Унинг девони ҳам Хива тошбосмасида нашр этилган.

«**Девони Урфий Шерозий**» – Муҳаммад ибн Бадриддин Урфий Шерозий (1555-1590) умрининг аксар қисми Ҳиндистонда ўтган. Акбаршоҳ (1556-1605) саройида хизмат қилган. Девонида қасида, ғазал, қитъа, таржеъбанд, таркиббанд жанрлари ўрин олган. Девонидан бошқа Низомийга татаббуъ қилиб ёзган манзумалари, шунингдек, тасаввуфий мазмундаги «Нафсийя» рисоласи мавжуд.

«**Девони Усмонбек**» – Усмон Соҳиб Афанди Пирийзода (1710-1770) Истанбулда яшаган. Шайх ал-ислом лавозимида фаолият олиб борган. Бир муддат қози аскар ҳам бўлган. Шеърларида асосан Соҳиб тахаллусини қўллаган.

«**Девони Усмони Наврас**» – Усмонийлар даврида Наврас тахаллуси билан икки нафар шоир ижод қилган. Абдурраззоқ Афанди Навраси қадим номи билан танилган. 1175/1762 йилда Бурсага бадарға қилинган ва ўша ерда вафот этган. Иккинчиси Усмони Наврас бўлиб, Бағдоддан Истанбулга келиб XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаган. У асосан форс тилида ижод қилган. Унинг девони Истанбулда 1873 йилда нашр этилган.

«**Девони Фавжий**» – Мулла Муқим Нишопурий (ваф. 1060/1650)нинг девони. 1908 йилда Хоразмлик хаттот Хожанийёз ибн Эшбобо Шатли китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 937, 6779).

«Девони Фано» – Мирзо Сиддиқ Истаравшаний ибн Мулло Тағоймурод (XIX аср) Фано тахаллуси билан девон тузган. Девонини Хоразмлик моҳир хаттоғ Муҳаммадшариф тарроҳ 1903 йилда китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 910/II). Бундан ташқари Бобурийлардан Жаҳонгир подшоҳ (1605-1627)нинг рафиқаси Фано ан-нисо бегим ҳам Фано тахаллуси билан ижод қилган.

«Девони Фаррухшоҳий» – Хиванинг хонларидан Исфандиёрхон (1910-1918)нинг девони. Унинг ижодий таъби яхши бўлмаган. Шундай бўлса-да, девон тузган ва унда 20 га яқин ғазал, 2 мухаммас, 1 та рубоий мавжуд. «Етти шаҳзода девони» да нашр этилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 906/II).

«Девони Фасиҳий» – Бир қанча шоирлар бор. Шулардан икки нафари Сафавийлар даврида яшаган Фасиҳий Табризий ва Фасиҳий Яздий Шоҳ Аббос I (1588-1629) даврида ижод қилганлар. Улардан аввал Фасиҳий Журжоний деган шоир Унсур ал-маолий Кайковус (1049) ходимларидан бири бўлиб, «Вомиқ ва Узро» дostonини ёзиб тарихда қолган.

«Девони Феруз» – Хива хонлигининг Қўнғирот сулоласи вакиллари-нинг энг машҳури, Хива хонлигида энг кўп муддат тахтда ўтирган хон Сайид Муҳаммад Баҳодирхон II (1864-1910) бўлиб, Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган. Девон тартиб берган, девони 1880 йилда Хива тошбос-масида нашр этилган.

«Девони Фитнат» – Зубайдахоним Фитнат Усманийлар даврининг энг машҳур шоираси. 1161/1748 йилда Шайх ал-ислом бўлган, «Неҳжат ал-луғот» асарининг муаллифи Муҳаммад Ассад Афандининг қизи. Зубайдахоним Фитнат Султон Маҳмудхон I (1730-1754)га атаб «Баҳория» деган асар, Султон Абдулҳамидхон I (1774-1789)га атаб «Ҳамидия» деган тарихий асар ёзган. Девон ҳам тартиб берган ва 1194/1780 йилда вафот этган.

«Девони Фитрат» – Уч нафар форсийгўй шоир ушбу тахаллус билан ижод қилган. XVII охири – XVIII бошларида яшаб ўтган Самарқандлик шоир Зардўзий Самарқандий номи билан ҳам танилган. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода яшаган Мулло Қурбон Дарвонзагий ҳам Фитрат тахаллуси билан ижод қилган. Учинчи Фитрат тахаллусли шоир Эронлик бўлиб, Мир Муиззиддин Муҳаммад Мусавий 1050/1641 йилда Ҳиндистонга кўчиб кетган. Подшоҳ Оламгир (1659-1707)нинг девонхонасида ишлаган. «Гулистони Фитрат» номли тазкираси бор. Девон ҳам тартиб берган. У 1100/1689 йилда вафот этган. Булардан ташқари Абдурауф Фитрат (1886-1938) ҳам шуҳрат қозонган, лекин ашъорлари Хивада тарқалмаган.

«Девони Фоний» – Алишер Навоий (1441-1501)нинг форсий девони. Чунки, у Фоний тахаллуси билан форс тилида ҳам баракали ижод қилган.

12 минг мисрадан иборат. Шунингдек, Фоний тахаллусли асли Кашмирдан бўлган шоир ҳам форсийда ижод қилган. У Шайх Муҳаммад Муҳсин Фоний Кашмирий (ваф. 1081/1670) бўлиб, девони Хоразмда бир неча марта кўчирилган. Жумладан, Хоразмнинг моҳир хаттотларидан бири Муҳаммадшариф 1901 йилда унинг девонини китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 916/Д, 1041/VI).

«Девони Фузулий» – Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий (1498-1556)нинг девони. Халқ орасида жуда машҳур бўлган. Девонида ғазаллар, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, қитъа ва рубоийлар ўрин олган.

«Девони Фуруғий» форсий – Мирзо Аббос ибн Мусо Бастомий Фуруғий (1799-1858) Мозандаронда, сўнг Техрон ва Кирмонда яшаган. Кирмон ҳокимининг ўғли шарафига Фуруғий тахаллусини олади. Ундан аввалги шеърларида Мискин тахаллусини қўллаган. Фатҳ Алишоҳ (1797-1834), Муҳаммадшоҳ (1834-1848) ва Носириддиншоҳ (1848-1896)лар замонининг кўзга кўринган шоири ҳисобланади. Жами 20 минг байтли ашъори борлиги аниқланган. Ўзи тириклигида Қооний девони билан бирга 5 минг байтли девони чоп қилинган. Ана шу нусхадан бири Хива саройи кутубхонасида мавжуд эди. Ҳазалларида сўфиёна, ирфоний маънолар устунлик қилади. Мазкур Фуруғийни Муҳаммад Ҳусайн Исфаҳоний Фуруғий (1840-1917) ва унинг ўғли билан алмаштириш керак эмас.

«Девони Ҳабиб» – Ҳабибуллоҳ охунд Ҳабибий (1846-1914) Хиванинг Оқмасжид қишлоғидан бўлиб, мадрасада мударрислик қилган. Девонида анъанавий мумтоз жанрдаги шеърлар ўрин олган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1142/III).

«Девони Хаёлий» – Хива сарой кутубхонасида учта шоирнинг «Девони Хаёлий» номи билан асари сақланади. Муҳаммад Назар Махдум Хаёлий Ҳазорасплик бўлган. Хива саройида девонлик вазифасида ишлаган, кейин Исфандиёрхон (1910-1918) унинг Хивадаги уйини мусодара қилади. Умрининг охирини Ҳазораспда ўтказди. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Хаёлий» – XV аср шоирларидан Хаёлий Бухорий. У ҳақда «Мажолисун нафоис» ва «Тазкираи Давлатшоҳий»да қисқача маълумотлар бор. Девони жуда машҳур бўлган. 1934 йили Табризда нашр этилган.

«Девони Хаёлий» – Кейинги Хаёлий Туркия шоирларидан бўлиб, Шамсиддин Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий. Бу зот «Шарҳи Ақоиди Насафийя»нинг энг машҳур ҳошиясини ёзган. Отаси қози бўлган. Мулла Хаёлий Султон Муҳаммадхон II (1451-1481) даврида Туркиянинг энг машҳур мударрисларидан бўлган. 860/1456 йил вафот қилган. Хаёлийнинг девони «Тухфат ал-ушшоқ» номи билан Истанбулда 1878 йил нашр этилган.

«Девони Ҳазин» қаранг: «Девони куллиёти Ҳазин».

«Девони Ҳаким Санойӣ» – Абулмажд Маждуд ибн Одам Ҳаким Санойӣ (ваф. 545/1150) «Ҳадиқат ал-ҳақиқа» асари билан шуҳрат қозонган. У 10 боб бўлиб, 10 минг байтдан иборат. Унинг яна 1000 бийтлик «Тариқ ат-таҳқиқ», 500 байтлик «Рисолаи сайр ал-ибод» асарлари бор. Девон ва қасидалари алоҳида бўлиб, 20 минг байтни ташкил этади.

«Девони Ҳаким Унсурӣ» – Ҳазнавийлар малик аш-шуароси Абулқосим Унсурӣ (975-1040) девонида 30 мингдан ошиқ байт бўлган. Бизгача озроқ қисми етиб келган. Қасида, рубой, қитъа ва ғазаллар ўрин олган.

«Девони Ҳақир (Ҳақирӣ)» – Муҳаммадшариф охунд Муҳаммадкарим охунд ўгли Ҳақирӣ (XIX аср охири XX аср бошлари) Хивада бир неча мадрасаларда мударрислик қилган, Тўрткўлда қози бўлган. У Йўлбузар охунд лақаби билан танилган. Девонида ғазал, мустаҳзод, мухаммас, рубойи ва қасидалар бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 908/II).

«Девони Ҳамлаи Ҳайдар» – Бу дoston муаллифи Рафиъхон Бозил Мирзо Ҳиндистонлик шоирлардан бўлиб, Оламгир (1659-1707) даврида Куволёр қалъаси муҳофизи бўлган. Аждодлари Машҳадлик, ўзи Деҳлида туғилган ва у ерда 1123/1712 йилда вафот этган. «Ҳамлаи Ҳайдарӣ» манзумаси 40 минг байтга яқин. Бундан бошқа унинг девони ҳам бор.

«Девони Ҳасан» – Бу тахаллус билан форсий девон тузган икки нафар шоир бор: Ҳасан ибн Зайниддин Али шаҳиди сонӣ ибн Аҳмад Имомӣ (1551-1603)нинг девонидан ташқари «Таҳрири Товусӣ», «Фавоиди Маккия», «Маскан ал-фуод» каби асарлари бор. Кейинги шоир ҳам Ҳасан ибн Али ибн Аҳмад бўлиб, у ал-Омулийдир. Унинг ҳам девонидан ташқари тарих, ҳадис, наҳвга оид асарлари ҳам бор. Девони жуда катта: 70 минг байтга яқинлиги аниқланган. У Баҳорӣ тахаллуси билан ҳам ижод қилган. Девони Кониғурда 1867 йилда нашр этилган. Булардан бошқа, Бухорода ҳам Ҳасан тахаллуси шоир бўлган бўлиб, у Марв ҳокимининг нади ми бўлган. Амир Ҳайдар (1800-1826) даврида Бухорога келган.

«Девони Ҳикмат» – Туркия шоири Ориф Ҳикматбек Исмадебкзода (ваф. 1275/1859)нинг форсий девони. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1046/VIII). 1865, 1916 йилларда Истанбулда унинг девони куллиёти билан бирга нашр қилинган.

«Девони Ҳилолий» – Бадриддин Ҳилолий (1470-1529) Астрабодлик бўлган, Ҳиротда яшаб қолган. Ҳилолийнинг шеърӣ девонида ғазал, қасида, рубой, қитъа, чистон, соқийнома, мухаммас каби жанрлар бор. Унинг яна «Сифат ал-ошиқин», «Шоҳу Дарвеш», «Лайли ва Мажнун» дostonлари ҳам бор.

«Девони Ходим» – Хивалик шоир ва хаттотлардан бўлмиш Бобожон Тарроҳ Ходим (1878-1970)нинг девонида ғазал, мухаммас, мусаддаслар-

дан ташқари 1 та қасида ҳам мавжуд. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 906, 901, 1142/1).

«Девони Хожу» – Абу Ота Маҳмуд Хожуи Кирмоний (1280-1341) форс адабиётининг таниқли шоирларидан. «Хамса» ёзишга уринган ва унинг икки достонини – «Ҳумой ва Ҳумоюн» ва «Гул ва Наврӯз» достонини ёзган. Асли Кирмонлик бўлган бу шоир Бағдодда ҳам яшаган. Девони 20 минг байтдан иборат бўлиб, қасида, қитъа ва ғазаллардан ташкил топган.

«Девони Хокий» – Ибодуллоҳ охунд Хокий (1841-1916) Хиванинг Боқча маҳалласидан бўлган. «Абдуллахон» мадрасасида мударрислик қилган. Девонида ўша давр мумтоз назм жанрларининг қарийб барчаси бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 908/IV).

«Девони Хоқон» – Эрон шоҳи Фатҳ Али шоҳ Қожор (1797-1835)нинг 1812 йилларда тузилган девони. Девонда дебочадан ташқари ғазал, таркиббанд, соқийнома, маснавий, рубоий, марсия, фардлар ўрин олган.

«Девони Хоқоний» қаранг: «Девони куллиёти Хоқоний».

«Девони Хотам» – Оқаввализода номи билан танилган Туркия шоири Аҳмад Афанди Хотам (ваф. 1168/1755)нинг девони. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1032/VIII).

«Девони Ҳошим» – Сайид Мустафо ал-Ҳошим ал-Искадорий Туркия шоирларидан бўлиб, 1170/1757 йилда вафот этган. Хоразмда хаттот Муҳаммадамин кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1035/VI). Ундан аввалроқ Ҳожи Муҳаммад 1238/1822 йилда китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 11398).

«Девони Ҳузурий» – Азизуллоҳ Ҳузурий (XVI аср) Қум сайидларидан бўлган. Шоҳ Таҳмосп (1524-1576) даврида яшаган. Узоқ муддат Нажафда турган. Девони шуҳрат қозонган.

«Девони Хусрав Алавий» – Ҳаким Носир Хусрав (1004-1088) девони назарда тутилмоқда. У Қабодиёнлик бўлиб, таҳсил кўргандан сўнг давлат ишларида ишлайди, сўнг етти йиллик сафарга чиқади. Кейин Бадахшоннинг Юмғон ноҳиясида яшаб қолади. Шоирнинг катта ҳажмдаги мероси сақланиб қолган. Жумладан, «Сафарнома», «Саодатнома», «Рўшнонома», «Ваҳҳи дин» «Хон ал-ихвон», шунингдек, араб ва форс тилларидаги девонлари мавжуд. Форсий девони Бўмбай ва Эронда 1896 йилда нашр қилинган.

«Девони Хусрав» – Хусрав Деҳлавий (1252-1325)нинг машҳур 5 та девонидан териб олиб тузилган девони. Хусрав Деҳлавий девонлари – «Тухфат ас-сифар» қасида, ғазал ва таржеъбандлардан иборат, «Васат ал-ҳаёт» шоир уни 23 ёшида тузган, қасидалардан иборат, «Ҳуррат ал-камол» шоир уни 34 ёшида тузган, қасида, таржеъбанд ва қитъалардан тузилган, «Бақияи

нақия» шоирнинг қарилик даврида ёзган шеърлари киритилган, «Ниҳоят ал-камол»да асосан қасидалар ўрин олган.

«**Девони Хожа Ҳофиз Шерозий**» – Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (1320-1389) катта ҳажмдаги девони бор. Хоразмда бир неча марта кўчирилган, унинг байтлари маъносини ечиш учун ўзбек тилида шарҳ ёзилган. Девони бутун Мусулмон Шарқи тошбосмаларида қайта-қайта нашр этилган.

«**Девони Чокар**» – Муҳаммадйусуф Харрот Муҳаммадьяқуб Харрот ўғли Чокар (1881-1952) маҳоратли хаттот, мусиқашунос, шоир бўлган. Девони Хива тошбосмасида нашр этилган.

«**Девони Шавкат**» – Шавкат тахаллуси билан Бухорода XVII асрда икки нафар шоир ижод қилганлар. Муҳаммад Исҳоқ Шавкат Бухорий 1107/1696 йилда вафот этган. Унинг девонини Файзуллоҳ Зулолий Бухорий 1192/1779 йилда кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 998/1). Яна Шоҳ Шавкат Қаландар Бухорий (ваф. 1080/1670) ҳам девон тузган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 141/II).

«**Девони Шайбоний**» – Шайбонийлар сулоласининг бошловчиси Муҳаммад Шайбоний ибн Шоҳ Будоғ султон ибн Абулхайрхон (1451-1510) 1497-1505 йилларда Мовароуннаҳрни, 1506 йилда Балхни, 1507 йилда эса Ҳиротни эгаллаб, Ҳусайн Байқаро (1436-1506) авлодларини йўқотиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзбек давлатига асос солади. 1510 йилда Исмоил Сафавий (1501-1524) билан бўлган жангда ўлдирилади. Шайбоний назмда ҳам ижод қилган, девони бор. Унинг 1507 йилда ўғлига атаб ёзган пандномаси, 1508 йилда ёзган «Баҳр ал-ҳудо» достони бор ва, шунингдек, Ҳасанхожа Нисорий (1516-1597) тилга олганидек ўзбек тилшунослигига оид илмий асари ҳам бўлган.

«**Девони Шайхур раис**» – Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг шеърлари ва тиббиётга оид уржузалари тўплами. Эронда нашр этилган.

«**Девони Шакарисгон**» – Мева, сабзавот ва ғаллаларнинг бир-бирлари билан айтишуви, мунозараси маснавий жанрида ёритилган ушбу асар муаллифи Мулло Аҳмад ибн Ёр Муҳаммад (XIX аср охири) деб кўрсатилган. Асар Тошкентда XX аср бошларида бир неча марта чоп этилган.

«**Девони Шамс Мағрибий**» 21<sup>а</sup>.

«**Девони Шамс Табризий**» – Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273)нинг Шамс Табризий (1188-1247) номи билан тахаллус қилиб ёзган ашъорлари тўплами. Мавлоно Румийнинг энг йирик асари. Уни «Девони кабир», «Девони Шамс», «Девони кабири Шамси Табризий», «Куллиёти Шамси Табризий» ҳам деб аталади. Унда 40 мингдан ортиқ шеър бор. Девонда ғазаллардан ташқари қитъаот, таржеъотлар сони 36360 байт

бўлиб, қўшимча 1659 та рубоидан ташкил топган. «Девони Шамс Табризий» 1908 йилда Кониपुरда, 1885, 1887 йилларда эса Лакнавда нашр қилинган.

«Девони Шамъий» – Туркияда икки нафар шу тахаллусда ижод қилган шоир бор. Биринчи Шамъий 926/1520 йилда вафот этган бўлиб, девони Истанбулда нашр этилган. Иккинчиси анча машхур бўлиб, 1000/1592 йилда вафот қилган. У ўнга яқин форс адабиёти дурдоналарини турк тилига таржима қилган моҳир таржимон сифатида шуҳрат қозонган. Жумладан, «Бўстон» ва «Гулистон», «Девони Ҳофиз», «Тухфат ал-аҳрори Жомий», «Пандномаи Аттор», «Маснавийи Мавлавий», «Мантиқ ат-тайри Аттор», «Махзан ал-асрори Низомий» кабилар.

«Девони Шариф» – Мавлоно Муҳаммадшариф ибн Мавлоно Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Бухорий (ваф. 1109/1697)нинг девони. Унинг фикҳий ва наҳвий асарлари ҳам бор. Девонида ғазал, маснавий, қасида, мусаддас ва рубоийлар ўрин олган.

«Девони Шаҳдий» – Эроннинг Қум шаҳрида туғилган Шаҳдий (Шаҳидий) Қумий (1431-1530) 1490 йилларгача Озарбайжонда яшаган ва Яъқуб Мирзо (1478-1490) саройининг Маликушшуароси бўлган.

«Девони Шаъний» – Эронлик шоир Шаъний Таклу (ваф. 1023/1615) нинг девони. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1045/III).

«Девони Шиносий» – Шайхназарбой Муҳаммадмурод ўғли Шиносий (ваф. 1918) Хива саройи мансабдорларидан бири бўлиб, назмга ҳам ошно бўлган. Девони Хива тошбосмасида ҳам нашр этилган.

«Девони Шоҳ Шужоъ» – Шоҳ Шужоъ ибн Муборизиддин Муҳаммад ибн Амир Музаффар ибн Мансур ибн Паҳлавон Ҳожи (1332-1385) 25 йил салтанатни бошқарган. Шоҳ Шужоъ даврида Шероз илм-фани гуллаб-яшнаган. Шоҳ Шужоънинг ўзи ҳам форсий ва арабий шеърлар ёзган. Саъдиддин Унсий деган адиб унинг шеърларини тўплаб, девон тузган. Бу девон Ҳиндистонда нашр этилган.

«Девони Шоҳ» – Мулло Шоҳ Бадахший Бадахшонлик форсий ўй шоир. Кашмирда 1070/1660 йилда вафот этган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 970).

«Девони Шоҳий» – Мир Оғо Малик ибн Жамолиддин Ферузқўҳий Шоҳий Сабзаворий (1381-1456) сарбадорлар шоири. Бойсунгур Мирзо (1495-1497) саройида надимлик қилган.

«Девони Шоҳномаи Қосимий» қаранг: «Шоҳнома»и Қосимий.

«Девони Шўриши Ишқ» – Шайх Саъдиддин (Саъдуллоҳ) Аҳмад Ансорийнинг девони «Шўриши ишқ» деб аталган ва девон шу ном билан шуҳрат қозонган. Шоир Кобулда 1195/1780 йилда вафот этган. У тиб, ҳандаса, риёзиёт илмларида ҳам ижод қилган.

«Девони Юнус» қаранг: «Девони Ошиқ Юнус».

«Девони Юсуф ва Зулайхо»**йи Жомий** – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг «Ҳафт авранг» дostonлар мажмуига киритилган дostonи. Юсуф пайгамбар ва Зулайхо ўртасидаги муҳаббат тараннум этилади.

«Девони Юсуф ва Зулайхо»**йи Нозим** қаранг: «Юсуф ва Зулайхо».

«Девони Юсуф» – Домла Юсуф Муҳаммадамин халифа ўгли (1860-1918) Кўҳна Урганчда қозилик, кейин Хивага келиб, «Турамурод тўра» мадрасида мударрислик қилган. Девонида ғазал, мухаммас, мусаббаъ ва мусамманлардан ташқари биттадан мустаҳзод ва маснавий ҳамда икита қасида мавжуд. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 902/II).

«Дурар ан-назим» = «Дурр ан-назм» – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Хашшоб ал-Яманий (ваф. 567/1172) асари. Тўла номи «Дурр ан-назм фий фазойил ал-Қуръон ал-азим» деб номланган араб тилидаги бу асар Қуръони каримни ўқиш фазилати, тиловат одоблари, айрим сура ва оятларнинг хосиятлари ҳақидадир. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 2496, 5746, 8783/II). Асар Мисрда 1905 йили нашр қилинган. 1892 йилда уни Хоразмда Муҳаммад Раҳим охунд ўзбек тилига таржима қилган. Асарнинг номаълум таржимон тарафидан амалга оширилган форсий таржимасининг бир қўлёзмаси Хива сарой кутубхонасида ҳам бўлган.

«Дурр ал-ажойиб» – Муаллифи номаълум асар. Ваъз-насиҳат, диний-ахлоқий мазмундаги бу асарнинг ўзбекча ва тоторча вариантлари ҳам бор. Қозонда 1900 йилдан бошлаб бир неча марта нашр этилган.

«Етти жом» – Бу аслида Муҳаммад Фузулий (1494-1556)нинг «Ҳафт жом» асари бўлиб, 300 байтли соқийнома жанридаги созлар мунозарасидир. Уни Аҳмаджон Табибий (1869-1911) ўзбек тилига назм билан таржима қилган. Яна мазкур асарни Табибийдан аввалроқ Муҳаммадрасул Мирзо (1849-1922) ҳам таржима қилган. Икковларининг ҳам таржималари ўзларининг девонларига киритилиб, Хива тошбосмасида нашр этилган.

«Жавоҳир ал-асрор» – Шайх Озарий номи билан танилган Али ибн Ҳамза ибн Али Малик ибн ал-Ҳасан ат-Тусий (1382-1462)нинг асари. Айрим Қуръон оятлари ва ҳадисларга шарҳлардан иборат. 1437 йилда ёзилган. 3 боб ва ички латифа, фасл, сир деган бўлимлардан ташкил топган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 2263). Шунингдек, Мавлоно Румийнинг «Маснавийи маънавий»сига Камолиддин Ҳусайн Хоразмий (ваф. 839/1435) «Жавоҳир ал-асрор ва жавоҳир ал-анвор» номли шарҳ ёзган. Унда «Маснавий»нинг уч дафтари шарҳ қилинган. Шарҳ жуда машҳурдир.

«Жавоҳири айний» = «Жавоҳири ғайбий»– Ҳиндистонлик мутасаввиф Сайид Музаффар Алишоҳ Илоҳий Чиштиий Қодирий (1812-1882)нинг маноқибига бағишланган асар. Унда мутасаввифнинг кароматлари, наси-

ҳат ва мавъизалари ҳам ўрин олган. Асарнинг асли номи «Тазкирани Илоҳий» деб аталган, уни Абул-Ҳасан Фаридободий Деҳлавий (XIX аср охири XX аср бошлари) ёзган. «Жавоҳири ғайбий» Лакнавда 1887 ва 1898 йилларда нашр этилган.

**«Жавоҳирнома»** – Низомий Ганжавий (1141-1209)нинг асари. Асар жавоҳирларнинг хосиятлари, дармондори сифатида ишлатиладиган ашёлар ҳақидадир. 1195 йилда ёзилган ушбу асар муқаддима ва 4 та мақолат (бўлим) ва ички фасллардан ташкил топган. Шунингдек, «Жавоҳирнома» номидаги Муҳаммад ибн Муборак ал-Қазвиний (XVI аср)нинг ҳам асари бор.

**«Жазб ал-қулуб»** – Абдулҳаққ Деҳлавий (ваф. 1051/1642)нинг 10 бобдан иборат асари. Асар тўла равишда «Жазб ал-қулуб ила диёр ал-Маҳбуб» деб аталади. Мадина шаҳри ва ундаги зиёратгоҳлар хосияти ҳақидаги мазкур асар Ҳиндистон шаҳарларида бир неча бор нашр этилган.

**«Жамий ал-ахбор»** = «Жомий ал-ахбор» – Муаллифи номаълум бу асар Пайғамбарлар қиссаси бўлиб, аслида Эронда 1884 йил нашр этилган. Хоразмда ўзбек тилига таржима қилинган. 1195/1781 йилда Хоразмда Мулла Ниёз Муҳаммад томонидан форсча нусхаси кўчирилгани ҳам маълум. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 4550).

**«Жаҳоннома»** – Ҳожи Халифа номи билан танилган Котиб Чалабий (1592-1657)нинг Истанбулда 1145/1732 йилда қарийб 700 саҳифалик қилиб нашр этилган асари. Жуғрофияга оид мазкур асар туркий тилда битилган. Унда дунё харитаси ва ҳар бир қитъа ва мамлакатларнинг хариталари кўрсатилган. Бутун дунё ҳақида умумий географик маълумот берувчи асар.

**«Жилоий руҳ»** – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг Хоқоний Ширвоний (1120-1199)нинг «Айвони мадойин» ва Хусрав Деҳлавий (1253-1325)нинг «Миръот ас-сафо» қасидаларига жавоб сифатида ёзган машҳур қасидаси. Ирфоний-фалсафий ва панд-насиҳат йўналишдаги бу қасида 130 байтдан иборат.

**«Жовидони хирад»** – Китоб қадимий форс, ҳинд, юнон ва араб донишмандларининг ҳикматли гаплари тўпламидан иборат. 6 бўлим. Уни Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайҳ (ваф. 421/1030) араб тилида ёзади. 1877 йилда Эронда унинг форсчаси нашр этилган.

**«Заҳир ал-иншо»** – Ҳиндистонлик мунший Муҳаммад Заҳириддин ибн Муҳаммад Саид Балгиромий (XIX аср) асари. Асар 1292/1876 йил ёзилган. Хат ёзиш услублари, бу борадаги ҳар хил кўрсатмалар ўрин олган. Лакнавда 1876 йил нашр этилган. Хива сарой кутубхонасида ушбу нашрдан 3 адади сақланган.

**«Зот ал-курсий»** – Юнон ҳақимларидан Батлимус (90-168) асарининг Шарқдаги таржимаси, форсча ва туркча нусхалари ҳам бўлган. «Зот ал-

курсий»нинг маъноси «Курси соҳибаси» бўлиб, осмону фалакнинг шимол-лий қутб тарафида курсида ўтирган аёл суратига ўхшатиш юлдузлар туркуми шундай аталади. Энг ёруғларини 13 та юлдуздан 55 та юлдузга-ча, дейишган. Демак, бу асар астрономияга оид дейиш мумкин.

«Зубдат ал-луғот» – Хоразмлик адиб, луғатшунос Муҳаммад Ризобек Хоразмий (XIX асрнинг биринчи ярми)нинг 1255/1840 йилда ёзган араб ва ўзбек тили луғатига оид асари. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 8553/III, 1203/I, 7569/IV). Муаллифнинг «Мунтахаб ал-луғот» номли асари Хива тошбос-масида нашр этилган.

«Зубдат ал-масоил» – Муҳаммадсодиқ Кошғарийнинг фиқҳий масала-лар тўплами. 1903 йилда Мулло Жумъаниёз кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 7478/I). Асар 1889 йилда Тошкентда, 1891 йилда эса Ҳиндистон билан Истанбулда нашр этилган.

«Зубдат ар-рамл» – Мавлоно Муиниддиннинг 706/1306 йилда ёзган манзумаси. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 2897/VI). Қум ва тупроққа ҳар хил ёзув ва жадваллар чизиб, шулар ёрдамида фол очиш, жоду қилиш «рамл» деб аталган. Шунинг учун асар фолбинлик ҳақидадир.

«Зубдат ат-таворих» – Ҳофиз Абрў номи билан шуҳрат қозонган Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ал-Хавофий (ваф. 1430)нинг аса-ри. Асар яна «Мажмуъ ат-таворих» ҳам деб аталади. Бойсунгур Мирзо (ваф. 1433)нинг тошпириғи билан 1423-1425 йилларда ёзилган. Асар тўрт қисмдан иборат, умумий тарихга оид. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 5361, 4078).

«Иксири аъзам» – Ҳаким Муҳаммад Аъзамхон ибн Шоҳ Аъзам ар-Ром-пурий (ваф. 1902) Ҳиндистоннинг энг машҳур табибларидан биридир. Тиб-биётга оид муҳим асарлар таълиф қилган. Унинг 1 жилдли «Рукни Аъзам», 1 жилди «Найири Аъзам», 2 жилдли «Қарободини Аъзам», 2 жилдли «Ру-музи Аъзам», 3 жилдли «Иксири Аъзам» номли асарлари бор. Асарлари Ҳиндистонда қайта-қайта нашр этилган.

«Илоҳийнома» – Фаридиддин Атторнинг машҳур манзумаларидан бири. Аттор уни «Тавҳид дафтари» деб атаган. Пайғамбар ва чаҳорёрлар мад-ҳидан кейин йигирма мақоладан ташкил топган. 100 га яқин ҳикоятлари мавжуд.

«Илоҳийнома»и Ҳазрати Шайх Фаридиддин. Қаранг: Илоҳийнома.

«Интихоби маснавийи Румий» – Ҳусайн Воиз ибн Али ал-Кошифий (ваф. 904/1504)нинг «Маснавийи маънавий»ни қисқартирган варианты назарда тутилаётган бўлса керак. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 9173/I).

«Иншои Тамиз» – Ҳинд адибларидан Колирой ибн Деби Пуршод Тамиз (XIX аср охири) томонидан битилган ёзишмалар ҳақидаги кичик ҳажмли

асар. Асарда хат-мактублар орасига қўшиш мумкин бўлган бадий юксак, фасоҳатли иборалар кўрсатилган. Араб тили ҳарфларига тақсимлаб 28 шўъбага бўлинган. Хотима эса 30 нағмага ажратилган. Асарни муаллиф Лакнавда 1861 йилда нашр қилдирган. Кейинчалик асар Кониपुरда 1870, 1872 ва 1882 йилларда, Лакнавда эса 1882 ва 1887 йилларда қайта-қайта нашр қилинган.

«**Иншоот**» – Абулфатҳ ал-Ҳусайний ал-Маръаший ат-Тасужий ал-Озарбайжоний (ваф. 1150/1737)нинг иншо-ёзишмалар ҳақидаги китоби. Муаллиф фақиҳ сифатида танилган. Хива саройи кутубхонасига муаллиф тириклигида китобат қилинган, эҳтимол автограф нусха олинган. Аслида бу номдаги бир қанча асарлар, тўшламлар борки, аксариятининг муаллифлари, тузувчилари номаълум.

«**Иршод ат-толибин**» – охунд Дарвезаи Нангиҳорий (XVII аср)нинг 1021/1612 йилда ёзган асари. Унда шариат ва тариқат асослари тушинтирилган. Асарни Хивада Сайид Абдуллоҳ ибн Ивазхожа таржима қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 895, 1213).

«**Искандарнома**»и Жомий – Аслида Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг «Хирадномаи Искандарий» номли асари назарда тутилмоқда. Асар мутақориб баҳрида ёзилган.

«**Ихтиёроту Бадъий**» – Ҳожи Зайн ал-Аттор номи билан танилган Али ибн ал-Ҳусайн ал-Ансорий (1330-1404)нинг 770/1369 йилда ёзган тибга оид форс тилидаги асари. Муфрадот ва мураккабот номли алифбо тартибида тузилган икки йирик мақоладан ташкил топган. Ҳожи Зайн ал-Аттор Шерозда Шоҳ Шужоъ (1364-1384)нинг табиби бўлган. Шунинг учун «Ихтиёроту Бадъий» 1369 йилда малика Бадъ ал-жамолга атаб ёзилган.

«**Қавойиди устурлоб**» – Носириддин Тусий (1201-1274)нинг «Бист боб дар маърифати қавойиди фанни устурлоб» номли рисоласи бор. Унга Алоуддин Маҳмуд (Муҳаммад) Кирмоний (XVI аср) шарҳ ёзган. «Қавойиди устурлоб» номли асар 1198/1783 йилда китобат қилинган бўлиб, Хива саройига олинган бўлиши мумкин.

«**Калила ва Димна**» – Мазкур асарнинг форсча варианты бўлмиш Ҳусайн Воиз Кошифий (1445-1505)нинг «Анварии Суҳайлий» асарининг туркий таржимаси. Уни 1309/1891 йилда Ниёз Муҳаммад Хоразмий ўзбек тилига ўгирган. Лекин нашр этилмаган. Қори Файзуллоҳ Алмаъий (1852-1891)нинг ўзбекча таржимаси 1898, 1901, 1905 йилларда тошбосмада нашр этилган. Демак, Хива саройига мана шу нашрлардан бири борган бўлиши керак. Чунки, «Калила ва Димна»и туркий» тошбосма нашри рўйхатида берилган.

«**Канз ал-дақойиқ**» – Бу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абулбаракот Ҳофизуддин ан-Насафий (ваф. 710/1311)нинг фикҳга оид асари. У ўз дав-

рининг етук ва кўзга кўринган фақиҳларидан бўлган. «ал-Вофий» ва унинг шарҳи «ал-Кофий»ни ҳамда машҳур тафсир «Мадорик ат-танзил»ни у ёзган. Шунингдек, «ал-Мусаффо шарҳ ал-манзума ан-насафиййа», «ал-Мустасфо шарҳ ал-фиқҳ ан-нофиъ», «Манор фил-усул», унинг шарҳи «Кашф ал-асрор», «ал-Эътимод шарҳ ал-Умда» асарларини таълиф қилган. Унинг «Канз ал-дақойиқ» асарига ўнлаб шарҳлар битилган, форс ва туркий тилларига таржималар қилинган. Жумладан, Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳаммод ал-Кирмоний деган адиб уни форс тилига таржима қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 10900). Мазкур форсча нусхасидан бири Хива саройи кутубхонасида сақланган.

«Канз ал-Ҳусайн» – Ҳиндистонлик Ҳулом Ҳусайн Раммол (XIX аср) томонидан битилган иссиқ-совуқлик ва азойимхонликка бағишланган асари. У форс тилида бўлиб, туркий вариантлари ҳам бор. Туркий вариантини Абдуллоҳ ҳожи таржима қилиб, Тошкентда ўзи нашр қилдирган. Форсча вариантлари эса Ҳиндистон шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган.

«Канз ас-соликин» – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ансорий ал-Ҳиравий (1006-1089)нинг тасаввуфга оид кичик ҳажмли асари. асар Хоразмда бир неча бор китобат қилинган. Умуман, бу асар Мовароуннаҳрда жуда машҳур бўлган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг 30 дан ошиқ нусхалари сақланади.

«Қарободин» – Бу номдаги асарлар жуда кўп. Доришуносликка оид махсус асарларнинг умумий номи. Жумладан, Бадриддин ибн Муҳаммад ал-Қалонусий ас-Самарқандий (ваф. 590/1194)нинг 49 фаслдан иборат асари, Тақийддин Муҳаммад ибн Садриддин Али Форисий (XVII аср)нинг асари, Маъсум ибн Каримуддин аш-Шустарий аш-Шерозий (XVII аср)нинг 1059/1649 йил ёзган асари ва Муҳаммад Аъло (XVIII аср)нинг асарларини киритиш мумкин.

«Қарободини захира» – Муаллифи номаълум. Хоразмда 413 варақ ҳажмида кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 7364).

«Қарободини Қодирий» – Муҳаммад Акбар ибн Урф Муҳаммад Арзоний (XVIII аср боши)нинг устози Сайид Абдулқодирга атаб 1126/1714 йилда ёзган асари. Тиббиётга оид бу асар 22 фаслдан таркиб топган.

«Қарободини Шифойий» – Мустафо (Музаффар) ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний аш-Шифойий асари. У 963/1556 йилда Кошонда вафот этган. Асарда мураккаб дориларнинг алифбо тартибда тузилган рўйхати берилган ва уларни ишлаш, ишлатиш йўллари кўрсатилган.

«Қасидаи бурда» – Муҳаммад ибн Саъид ибн Ҳаммод ибн Абдуллоҳ ал-Бусирий (1212-1292)нинг машҳур қасидаси. У Мисрлик машҳур сўфий

шоир бўлиб, мазкур қасидаси аслида «Кавокиб ад-дуррийа фий мадҳи Хайр ал-бариййа» номлидир. Уни яна қофиясининг равийси «мим» ҳарфи бўлгани учун «Қасидаи мимиййа» деб ҳам юритилган. Яна уни «Қасидат ал-буръа» «Қасидат ал-буръиййа» номлари ҳам бор. Қасида араб тилида ёзилган бўлиб, 160 ёки 165 байтдан иборат. Қасида кейинчалик мазмун жиҳатдан саккиз бобга ажратилиб ўрганилган. Унда асосан Пайғамбаримиз (с. а. в.) мадҳ ва мақтовлари асосий мавзу ҳисобланади. «Қасидаи бурда»га юздан зиёд шарҳлар ёзилган.

**«Қасидаи Шайх Абу Бакр»** арабий – Машҳур саҳоба, чаҳорёрлардан аввалгиси Абу Бакр Сиддиқ (572-634)нинг машҳур қасидаси ва унинг форс тилидаги шарҳи, унга бағишланган бешта мухаммас тўплами. «Қасидаи Сиддиқий» номи билан ҳам танилган. Бухорода 1909 йили нашр қилинган. Уни Амир Умархон (1727-1822)нинг пири Зокирхожа эшон Хожай калон Шайх ал-ислом (ваф. 1240/1824) тартиб берган.

**«Қасонд ва ғазалиёт ва муқаттаот ва рубоийёт»** – Фаридиддин Аттор (1145-1221)нинг девонига кирган қасида, ғазал, қитъа ва рубоий жанрларида битган ашъорлари назарда тутилмоқда.

**«Қасонди Мавлоно Ваҳший»** – Камолиддин Ваҳший Бофиқий (1533-1583) Кирмон шаҳрининг яқинидаги Бофиқ қишлоғидан бўлган. Шоҳ Таҳмосп (1524-1576) даврининг кўзга кўринган шоири. Ваҳшийнинг девонида 396 ғазал, 41 қасида, 43 қитъа, 11 таркиббанд, 1 та таржеъбанд, 66 рубоий, бир қанча маснавийлар бор. Ваҳший қасидаларида шоҳ ва хонлар, шайх ва имомларни мадҳ қилган. Унинг яна «Нозир ва Манзур» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» дostonлари бор. Куллиёти 1894 йилда нашр этилган.

**«Қасонди Надим Афанди»** – Аҳмад Надим Афанди (ваф. 1143/1730) Истанбул шоирларидан бўлиб, «Саҳойиф ал-ахбор» номли девони шуҳрат қозонган. Кўпроқ қасидалар ёзган, қасидалари алоҳида тўплам қилинган.

**«Қасонди Назирий»** форсий. Қаранг: «Девони куллиёти Назирий».

**«Қасойиди Анварий»** – Авҳадуддин Анварий (1105-1187)нинг қасидалари мажмуи. Унинг 250 га яқин қасидалари борлиги маълум. Анварийнинг қасидалари «Куллиёти Анварий» ичида Конипурда 1897 йилда 416 бет ҳажмида нашр этилган.

**«Қасойиди Хоқоний»** – Хоқоний Ширвоний (1120-1199)нинг қасидалари тўплами. Хоқоний форс адабиётидаги кучли қасиданавислардан биридир. Унинг машҳур «Ҳабсиёт», «Зухдиёт», «Сифаҳон», «Айвони Мадойин» сингари 200 дан ортиқ қасидалари борлиги маълум. Муҳаммад Раҳимхон Феруз ана шундай қасидаларини тўплатиб 1880 йилда китобат қилдиради.

«**Кимёи саодат**» – Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111)нинг машҳур асари. Араб тилида ёзилган тўрт жилдлик «Иҳё ал-улум ад-дин» нинг мухтасар шакли «Кимёи саодат»дир. «Кимёи саодат» форс тилида ёзилган бўлиб, диний-фалсафий, ахлоқий-тасаввуфий асар ҳисобланади. Кўп тадқиқотчилар асар 1098-1101 йиллар оралиғида ёзилган деб айтишади. «Кимёи саодат» тўрт унвондан (ўзликни таниш, Ҳақ Таолони билиш, дунё маърифати ва охират маърифати) ҳамда тўрт рукндан (ибодат, муомала одоби, ҳалок қилувчи нарсалар ва нажот берувчи нарсалар) иборат бўлиб, ҳар бир руки ўз навбатида 10 аслга ва аслар эса фасл билан бобларга бўлинган. «Кимёи саодат» Шарқда жуда кўп марта қайта-қайта нашр этилган.

«**Қисас ал-анбиё**» – Носириддин ибн Бурҳониддин Рабғузий (XII аср)-нинг Пайғамбарлар ҳақидаги қиссаси. Асарни 1131 йилда ёзган. Асарда бадий ҳикоятлар, ғазал ва рубоийлар ҳам ўрин олган. 28 нафар анбиё ва авлиёларнинг ҳаётидан олинган лавҳалар тасвирланган. Асарнинг Қозонда босилган нусхалари кенг тарқалган эди.

«**Қиссаи Ҳотам**» – Машҳур саховатпеша, карамли ва олийҳиммат зот Абу Сафона Ҳотам ибн Абдуллоҳ ибн Саъд Тоий (VI аср охири VII аср боши) ҳақидаги қисса ва ривоятлар мажмуи. Тузувчиси номаълум. Форс ва туркий тиллардаги вариантлари бор. «Қиссаи Ҳотам» 1900 йилда Тошкентда нашр қилинган.

«**Қуръои**» – Қуръони карим Аллоҳ таолодан Пайғамбаримиз (с.а.в.)га нозил қилинган мусулмонларнинг муқаддас китоби. У 30 пора, 114 сура, ҳар бир сура эса 3 дан то 286 гача бўлган оятларга бўлинган. 634 йилда Қуръон илк бор тўплам-мусҳаф ҳолига келтирилган. Қуръони карим одатда насх хатида кўчирилган. Шунинг учун халқ орасида насх хатини «Хатти Қуръоний» деб ҳам аталган.

«**Китоби жавоби махзан**» – Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ ал-Котибий ат-Туршизий ан-Нишопурий (ваф. 1439)нинг аслида «Даҳ боб» деб аталган асари. Ўн бобда ҳар хил ҳикоятлар панд-насиҳат зимнида берилади. Охири хотима фаслида Котибий ўзидан олдинги шоирларнинг номларини келтириб, бирма-бир мадҳ қилади.

«**Китоби Мазҳар ал-ажойиб**» – Ҳофиз Басир Хузорий Эскибоғий (X аср)-нинг 973 йил ёзган асари. «Маноқибни Оғойи Бузрук» деб ҳам аталади. Хивада Эшонхожа 1902 йилда кўчирган. (Қаранг: УРШИ-1, № 4417). Бундан ташқари луғатга оид «Мазҳар ал-ажойиб» номли асар ҳам бўлиб, муаллифи Муҳаммад Ҳасан Қатил (ваф. 1231)дир. Мазкур луғат Лакнавада 1874 йилда нашр қилинган.

«**Китоби Махозин ал-маъруф**» 16<sup>а</sup>.

«**Китоби Оламорийи тарихи подшоҳон**» қаранг: «Оламорийи Аббосий».

«**Китоби сий нома**» – Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ ал-Котибий (ваф. 1439)нинг муҳибнинг маҳбубга 30 та номаси (мактуби) тарзида тузилган назмий асари. Панд-насиҳат, одоб-ахлоққа оид байтлар, ҳикоятлар ўрин олган. Ҳар бир нома бир қанча «ишорат»ларга бўлинган.

«**Китоби тазкираи Давлатшоҳий**» қаранг: «Тазкираи Давлатшоҳий». «**Китоби Уқуд**» 25<sup>6</sup>.

«**Китоби Ҳисн ал-ҳасин**» қаранг: «Ҳисн ал-ҳасин».

«**Куллиёти Девони Ғолиб**» – Асадуллоҳ Ғолиб (1796-1869)нинг асарлари куллиёти Лакнавда 1893 йил нашр этилган. Унинг таркибига шоирнинг қитғалари, таркиббандлари, маснавиёти, қасидалари, ғазалиёти ва рубоийёти киритилган. Жами 562 саҳифа ҳажмда нашр қилинган.

«**Куллиёти Девони Жомий**». Қаранг: «Девони куллиёти Жомий»

«**Куллиёти Девони Имод**» – Имодиддин Ҳазнавий (ваф. 573/1178)нинг девонидаги барча ашъорлар – ғазалиёт, маснавиёт, қасидалари киритилган куллиёти.

«**Куллиёти Девони Сойиб**» – Мирзо Муҳаммадали Табризий Сойиб (1603-1677)нинг асарлари тўплами. Унинг 120 минг байтга яқин назми, туркий девони, «Хайр ал-баён» номли тазкираси, шунингдек, қасида ва маснавийлари бор. Куллиёт Кониपुरда 1873, 1880, Лакнавда эса 1880 ва 1906 йилларда нашр қилинган.

«**Куллиёти Девони Ҳазин**» қаранг: «Девони куллиёти Ҳазин».

«**Куллиёти Саъдий**» – Саъдий Шерозий (1189-1292)нинг асарлари тўплами. 16 та китоб ва 7 рисоладан ташкил топган. Уни 726/1325 йили Али ибн Аҳмад тартибга солган. Лакнавда 1885 йилда нашр этилган.

«**Куллиёти Фузулий**» – Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий (1498-1556)нинг куллиёти Истанбулда 1878, 1890, 1911 йилларда, Тошкентда 1894 йилда нашр қилинган. Унинг таркибига Фузулийнинг дебочаси, қасидалари, таркиббандлари, «Бангу бода» маснавийси, Нишончи пошшога ёзган мактуби, ғазалиёти, рубоийёти, мухаммаслари ва соқийномаси ҳамда «Лайли-Мажнун» достони киритилган.

«**Куллиёти Хоқоний**» Қаранг: «Девони куллиёти Хоқоний»

«**Куллиёти Шайх Саъдий**». Қаранг: Куллиёти Саъдий.

«**Лавойиҳ**» – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг асари. Унда мутасаввиф ва тариқат намояндаларининг айтган рубоийлари, тасаввуф аҳли ўртасида юрган ва истъомолда бўлган рубоийларга шарҳлар ўрин олган. Асар Хоразмда ҳам бир неча бор кўчирилган.

«**Лавомеъ ал-анвор**» – Али ибн ал-Ҳасан аз-Заврийнинг 950/1544 йилда Шоҳ Таҳмосп I (1524-1576)нинг буйруғи билан ёзган асари. Асар имомларнинг маноқибидир.

«**Лайли ва Мажнун**» – Муҳаммад Сулаймон ўгли Фузулий (1498-1556)нинг туркийча назмий асари. Араб қишлоқларидан бирида юз берган Қайс ва Лайли севгиси қиссаси.

«**Лайли-Мажнун**»и **Жомий** – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг «Ҳафт авранг» дostonлар мажмуига киритилган дostonи. Араб қишлоқларидан бирида бўлиб ўтган Қайс (Мажнун) ва Лайли (Лайло) ўртасидаги муҳаббат гараннум этилади.

«**Лисон ат-тайр**» – Алишер Навоий (1441-1501)нинг асари. Уни Фариддин Аттор (1145-1221)нинг «Мантиқ ат-тайр»идан таъсирланиб, 1498 йилда ёзган. Аттор асарига назира, янгича талқин, дейиш мумкин.

«**Луббу лавойиҳ ал-қамар**» – Бухоро амири Сайид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон (1680-1702)нинг астрология бўйича ёзган асари. Асар бир неча лавҳалар, икки мақола ва хотимадан ташкил топган. 1272/1855 йилда Хива хони Сайид Муҳаммадхон (1855-1863)нинг вазири Муҳаммадъяқубга атаб Муҳаммадйосуф Рожий ўзбек тилида таржима қилган ва ўзи китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1205).

«**Лубоб ал- ахбор**» – Муҳаммад ибн Маҳмуд асари. Хоразмда Иброҳимхожа ибн Муҳаммадъяқубхожа таржима қилган ва кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 6869).

«**Мавлоно Абдулҳаққ**» Қаранг: «Абдулҳаққи форсий шарҳи «Мишкоти шариф».

«**Мадориж ан-нубувва**» – Тўла номи «Мадорижун нубувва ва даражот ал-футувва» бўлган бу асар Абдулҳаққ Деҳлавий (1551-1642) қаламига мансуб. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг мўъжизалари ва авлиёларнинг кароматларидан сўз юритилади.

«**Мажмаъ ал-баҳрайн**» – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Нисобурий ал-Котибий (ваф. 839/1436)нинг асари. У мазмунан Нозир ва Манзур ўртасида бўлган севги дostonидир. Уни Аҳмаджон Табибий таржима қилган бўлиши мумкин. Муҳаммад ибн Имод ибн Иваз ал-муаллим кўчирган нусхаси Хива саройи кутубхонасида бўлган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 806/III).

«**Мажмаъ ал-жавомеъ**» – Яна бир номи «Қарободини кабир» бўлган бу асар муаллифи Ҳаким Сайид Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад Ҳодий Ақилий Алавий Хуросоний Шерозий бўлиб, асарни 1185 йилда таълиф қилган. Китоб муқаддима, 28 китоб, ҳар бир китоб боб ва фаслларга бўлинган ҳамда хотимадан иборатдир. Асар икки жилд қилиниб, Деҳлида 1830, 1839, Кониपुरда 1876, Лакнавада 1892 йилларда нашр этилган. Асарнинг айрим қисmlари Хоразмда 1888 йилда таржима қилинган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 13184).

«**Мажмуатуш шуаро**» форсий – Амир Умархон (1727-1822) саройининг энг улуг шоири, малик аш-шуароси Абдулкарим Фазлий Наманго-

ний (XVIII аср охири XIX аср биринчи ярми)нинг 1821 йилда ёзган тазкираси. Унда 80 га яқин шоирлар ҳақида маълумот ва ашъорларидан намуналар берилган. Тошкентда 1902 йили 504 саҳифали қилиб нашр этилган. Фазлий Намангонийнинг бундан ташқари «Зафарнома» («Шоҳнома») деган ўз даврининг тарихи ёритилган асари ҳам бўлган. Фазлий Намангоний «Мажмуатуш шуаро»ни Мирзо Қаландар Мушриф (тахминан ваф. 1255/1840) ёрдамида ёзган деган гап бор.

«**Мажолисиршодия**» – Муҳаммад Амин Афанди ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Авфий Истанбулда XIX асрда яшаб ўтган ва у ерда ўзининг воизлиги ва нотиклиги билан танилган адиблардан. У ўз ваъз-насихатларини араб тилида ёзиб жамлаган ва 115 мажлис (бўлим) қилган. Асарда ибодатлар фазилати, одоб-ахлоқ масалалари, қалбнинг маънавий касалликлари, никоҳ ва оила муносабатлари, қабр ва охираат ҳолатлари ҳақида сўз юритилган. Асарни «Мажолисиршодия» номи билан муаллифнинг ўғли 1906 йилда нашр қилдирган.

«**Мақомот ат-гуйур**» = «Мантиқ ат-тайр». Қаранг: «Мантиқ ат-тайр».

«**Манозил ас-сойирин**» – Тўла номи «Манозил ас-сойирин ила-л-ҳаққил-мубин» бўлган мазкур асар муаллифи Шайх ал-ислом Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 481/1089)дир. Асар тасаввуфдаги солиқларнинг сулук вақтида 100 мақомда бўлиши баён этилади. Улар 10 қисмга ажратилган ва мақомлар 3 мартабада бўлиши кўрсатиб берилган. Асар Ҳиротликлар сўровига жавобан ёзилган. «Манозил ас-сойирин» жуда машҳур бўлгани учун унга ўнга яқин шарҳлар ёзилган.

«**Манофеъ ал-инсон**» – Хива хони Абуғози Баҳодирхон (1643-1663)нинг асари. Асар тиббиётга оид бўлиб, 4 қисмдан иборат. Бизгача тўла етиб келмаган.

«**Манофеъ ан-нос**» – Мавлоно Дарвеш Нидой (XVI аср)нинг тиббиётга оид асари. Асар 60 бобдан иборат. Хоразмда Маҳмуд охунд Хивақий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

«**Мантиқ ат-тайр**» – Фаридиддин Аттор (1145-1221)нинг машҳур асари. 30 қуш Семург бошчилигида сайру саёҳатга чиқиш қиссаси. 4840 байтдан иборат.

«**Маориж ан-нубувва**» – Асарнинг тўла номи «Маориж ан-нубувва фий мадориж ал-футувва» бўлиб, форс тилида ёзилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётлари ҳақидаги китоб. Муиниддин Мулло Мискин Фароҳий (ваф. 954/1548)нинг 1485 йилда ёзган асари. Китоб муқаддима, 4 рукн ва хотимадан ташкил топган. Муқаддимада илоҳий неъмат ва ҳадиялар ҳақида, биринчи рукнда Пайғамбар (а.с.)нинг нури, нурнинг кўчиши, олдинги пайғамбарлар тарихи ҳақида, иккинчи рукнда эса Пайғамбар (а.с.)нинг туғи-

лишидан пайғамбарликкача (баъсат) бўлган воқеалар тўғрисида сўз боради. Учинчи рукнда эса ваҳий нозил бўлишидан то ҳижратгача бўлган воқеалар ҳақида сўз юритилади. Шу рукнда меърож воқеасига батафсил тўхталади, зотан, китоб исмида ҳам у тилга олинган. Тўртинчи рукн эса ҳижратдан то Пайғамбар (с.а.в.)нинг вафот қилгунча бўлган воқеалардир. Хотима эса ал-зоти шарифнинг мўъжизаларига бағишланган. Асар кўп марта тошбосмаларда нашр этилган.

«**Маслак ал-муттақин**» – Сўфи Аллоҳёр (1640-1721)нинг фикҳга оид арузнинг хафиф баҳрида 1700 йилда назм билан ёзган асари. Унда 13 мингдан ортиқ фикҳий масалалар ўрин олганлиги аниқланган. Асар Мусулмон Шарқи тошбосмаларида қайта-қайта нашр этилган, мадрасаларда ўқитилган.

«**Маснавийи Румий**» – Жалолиддин Румий (1207-1273)нинг «Маснавийи маънавий» асари 1259 йилда ёзиб тугалланган. Асар 25685 байтдан иборат. Тасаввуфий йўналишдаги ушбу асарни «форсий Қуръон» деб улуғланади, у 6 дафтар (жилд)дан иборат.

«**Матлаъ ал-улум**» – «Фанлар мажмуаси ва илмлар чиқиш жойи» деб номланган мазкур асарни Мунший Вожд Алихон 1848 йилда ёзган. Илк наشري эса 1849 йилда амалга оширилган. Асарда фанлар ҳақида баъс юритилади, икки жилдида 80 га яқин илмлар таснифи кўрсатиб берилади. Хивада 1862 йилги Лакнав нашри асосида ака-ука Иброҳимхожа ва Муҳаммадниеъхожа Хоразмийлар 1880 йилда икки жилдини китобат қилишган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № № 6817, 6818).

«**Матолиби Рашидий**» – Туроб Али Шоҳ Қаландарийзода Алавий ибн Шоҳ Муҳаммад Козим Қодирий Кокурий (1768-1858)нинг тасаввуфга оид асари. Уни Мулло Иброҳимжон 1292/1876 йилда кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 7190/Л). Туроб Алишоҳ Қаландарнинг яна «Мақолол ас-суфия», «Кашф ал-мутаворий» номли асарлари бор.

«**Махзан ал-адвия**» – Сайид Мир Муҳаммад Хусайн ал-Хуросоний аш-Шерозий (XIX аср)нинг тиббиётга – доришуносликка бағишланган асари. Катта ҳажмли бу асарни икки жилд қилиниб, Ҳиндистон шаҳарларида бир неча бор нашр этилган. Жумладан, Бўмбайда 1857, 1866, Лакнавда 1874, 1887, 1892, Деҳлида 1865, Конипурда 1900 ва 1905 йилларда қайта-қайта нашр қилинган.

«**Маҳфилоро**» – Бархурдор ибн Маҳмуд Туркман Мумтоз Фароҳий (XVII аср охири – XVIII аср бошлари)нинг «Минг бир кеча» типидagi асари. Унинг яна бир номи «Маҳбуб ал-қулуб»дир. Унда 400 га яқин қисса ва ҳикоятлар жой олган. («Маҳбуб ал-қулуб» вариантда 90 та ҳикоят). Мазкур асар Хоразмда айрим парчалари билан беш марта таржима қилинган.

Комил Хоразмий (1825-1899) 1875 йилда бир ойга битказишга буюртма олган бўлса ҳам, икки ой муддатда «Маҳфилоро»ни таржима қилиб улгурди. Асарни кейинчалик Муҳаммадрасул Мирзо ва Муҳаммад Тоҳирлар ҳам ўзбек тилига таржима қилган.

«**Маърифат ал-мазҳаб**» = «Маърифат ал-мазоҳиб» – «Мазҳабларни таниш» деб аталган бир қанча асарлар маълум. Бунда мазҳаблар тарихи, ораларидаги фарқлар ҳақидаги асар. Муаллифлари унчалик маълум эмас. Муаллифини Маҳмуд Зоҳир Ҳаззолий деб кўрсатилган олимнинг шу номли форсий асаридан ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. (Қаранг: №№ 400/І, 3061/ІV, 3376/ІІІ, 5600/ІІІ, 7625/ІІ, 12448). Бундан ташқари Абул-Ҳасан Али ибн Умар ад-Дорақутний ал-Бағдодий (ваф. 385/996)нинг «Маърифат ал-мазоҳиб ал-фуқаҳо» номли асари ҳам бўлган.

«**Мезон ал-ҳақ**» – Котиб Чалабий ва Ҳожи Халифа номи билан танилган «Кашф аз-зунун» асарининг муаллифи Мустафо ибн Абдуллоҳ Румий (1592-1657)нинг асари. Тўла номи «Мезон ал-ҳаққ фий ихтиёр ал-аҳаққ» бўлган. Диний-тасаввуфий мавзуга оид бу асар Истанбулда 1863 йили 144 саҳифали қилиб нашр қилинган.

«**Мезон ат-тибб**» – Муҳаммад Акбар Арзоний (XVIII аср) асари. Асар 3 та мақола (бўлим)дан иборат. Мизожлар ҳақида, оддий ва мураккаб дорилар ҳақида ва организмдаги касаллик жараёнлари ҳақида.

«**Меҳр ва Моҳ**» ии туркий – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод қилган Хивалик шоир, моҳир таржимон Бобожон Санойининг достони. Аслида бу дoston форс тилида битилган бўлиб, муаллифи шоир Оқилхон Мир Аскар Розий (ваф. 1108/1697)нинг қаламига мансубдир. Дoston Ховаршоҳнинг ўғли Меҳрнинг Машриқ шоҳининг қизи Моҳга нисбатан бўлган муҳаббати ҳақида.

«**Мирсод ал-ибод**»(мин ал-мабдаъ ила-л-миод) – Шайх Нажмиддин Доя Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ар-Розий (ваф. 654/1257)нинг тасаввуфга оид асари. Асар 5 боб ва 40 фаслдан иборат. Асарни 620/1223 йил ражаб/июль ойида Севос шаҳрида ёзиб тугатган. Асар Қосим ибн Маҳмуд Қаро Ҳисорий (XV аср ўртаси) томонидан турк тилига таржима этилган ва «Иршод ал-муридин» деб номланган.

«**Мирьот ал-жавоҳир**» – Амонуллоҳ Хонзода Ферузчанг 1254/1838 йилда ёзган. Нуруддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605-1627) даврида кўчирилган бир нусхаси (ЎРШИ-1, № 11596), 1096/1684 йилда кўчирилган яна бир нусхаси (ЎРШИ-1, № 706) бизгача етиб келган.

«**Мирьот ал-қоинот**» – Туркиялик олим, муаррих Комил Нишончизода Аҳмад ўғли (ваф. 1031/1622)нинг умумий тарихга оид румийча-туркий

асари. Асар саккиз қисмга бўлинган. Хоразмнинг Хонқа туманидан чиққан моҳир таржимонлардан Хожаниёз ҳожи Хонақоҳий уни 1327/1909 йилда ўзбек тилига таржима қилади ва 1912 йилда таржимон томонидан ҳуснихатда китобат қилинади. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 832).

«**Миръот ар-рижол**» – «Дақойиқ ал-ҳақойиқ»нинг иккинчи номи. Қаранг: «Дақойиқ ал-ҳақойиқ».

«**Мифтоҳ ал-жинон**» – Яъқуб ибн Сайид Али ал-Ҳурий (ваф. 931/1525)нинг араб тилида ёзган асарининг туркий таржимаси. Таржимон XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Тошкентлик шоир Раҳимхожа эшон ибн Алихожа Хатмий бўлиб, асарни 1896 йилда Тошкентда нашр қилдирган. «Мифтоҳ ал-жинон»да одоб-ахлоқ, намоз, рўза ва ҳоказо ибодатлар одоблари, еб-ичиш, кийиниш, уй қуриш, муомала, касал кўргани бориш, масжидга кириш, никоҳ қилиш каби одоблар ҳақида сўз юритилади. Халқ орасида жуда машҳур бўлган. Хива саройи кутубхонасида ҳам мазкур китоб нашридан уч адади бўлган.

«**Мифтоҳ ат-толибин**» – Маҳмуд ибн Шайх Али Ҳиждивоний (XVI аср)нинг 1543 йилда ёзган Камолиддин Ҳусайн Хоразмий (ваф. 958/1551)нинг маноқибига бағишланган асари. Огаҳий уни 1275/1858 йилда 44 кун ичида таржима қилади. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 394, 1493, 8473).

«**Мишкоти шариф**» – Валийуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий (XIV аср)нинг «Мишкот ал-Масобиҳ» номли асари. Китоб икки жилддан иборат бўлиб, 737/1336 йилда ёзилган. Аслида асар Ҳусайн ибн Масъуд ал-Фарро ал-Бағавий аш-Шофиъий (ваф. 516/1123)нинг «Масобиҳ ас-сунна» асарининг такмила (тўлдирма)си ҳисобланади. «Мишкот ал-Масобиҳ» ўрта аср мадрасаларида ҳадис фанидан асосий дарсликлардан бири бўлган.

«**Мо ло будда минҳу**» – «Ундан ноилож наrsa» деб номланган бу асар диний-дидактик мавзуда бўлиб, асар ноилож ўқиш лозим бўлган, жуда керакли диний мавзулар ёритилгани учун шундай аталган. Уни Ҳиндистонлик адиб Саноуллоҳ Понипуттий (XIX аср) ёзган. Асар Конишурда 1873, 1897, 1906 йилларда, Деҳлида эса 1910 йилда нашр этилган.

«**Мужарработ**» – Ҳулом Муҳаммад (XVIII аср)нинг 1190/1776 йилда ёзган асари. Тажрибадан ўтказган дориларнинг рўйхатини алифбо тартибида тузиб чиққан. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 2829/III). Яна Муҳаммад Маъсум ат-Термизийнинг (XIX аср боши)нинг шу хилдаги асари бор.

«**Мултақит ат-тибб**» – Жаъфархожа ибн Носириддинхожа ал-Ҳусайний ал-Карвакий ал-Ҳазораспий (XIX аср)нинг 67 фаслдан иборат туркий тилдаги тиббиётга оид асари. Хоразмда жуда машҳур бўлган.

«Мунтахаб ад-дево» – «Мунтахаб» бу сайланган, танланган деган маънода. Яъни, шоирларнинг девонларидан ғазал ва бошқа жанрдаги шеърларни танлаб, сайлаб олиб тузилган баёзлар назарда тутилади.

«Мунтахаб ал-ақойид» – Муҳаммад Жамил ибн Абу Туроб ал-Бадахший (XVI аср охири XVII аср биринчи ярми)нинг 1014-1016/1604-1606 йилларда ёзган асари. Асар илми каломга оид бўлиб, назм билан форс тилида битилган. (Қаранг: №№ 5903, 6004, 8526, 9066, 11924, 12071/V ва бошқалар). Мазкур асардан Хива саройи кутубхонасида иккита қўлёзма нусхаси сақланган. Муҳаммад Жамил Бадахший Абдулазизхон (1645-1680) даврида Бухорога келган.

«Мунтахаб ат-тибб» – Тиббий асарлардан қисқартириб битилган форсий ва туркий тилдаги тиббиётга оид рисола. Муаллифи номаълум. Асар таркибида мавзуга оид шеърлий парчалар ҳам бор. Хива сарой кутубхонасида икки нусхаси мавжуд бўлган.

«Муншаот ва ғазалиёти Мирзо Абулҳасан» – Шерознинг шоирларидан. Шоҳ Аббос Сафавий (1588-1629) даврида яшаб, ижод қилган. Умрининг охирида Ҳиндистонда яшаган ва Аҳмадобод шаҳрида 1005/1597 йилда вафот этган. Унинг ғазаллари ва мактублари жамланган.

«Муруж аз-заҳаб» – Абул-Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Масъудий (ваф. 345/956)нинг умумий тарихга оид катта ҳажмли мазкур асарини Хоразмда Домла Муҳаммад Ёъқуб, Домла Муҳаммадшариф, Муҳаммадрафеъ охунд ва Домла Одам Махдум, Отаниёз охунд ибн Хожаниёз, Сайид Абдуллоҳ, Толибхожа, Домла Жумъаниёзлар 1903-1906 йилларда таржима қилганлар. Мазкур асарнинг арабча матни ва французча таржимаси 1861-1877 йилларда Парижда 9 жилд бўлиб нашр этилган.

«Мусибатнома» – Фаридиддин Атторнинг манзумаларидан бири. Фикрат (тафаккур) солигининг хаёлий сайру саёҳати тасвирланган. Қирқ мақола ва ички ўнлаб ҳикоятлардан ташкил топган. Асарда тасаввуфий истилоҳлар маъноси назм билан гўзал ифодаланган боб ҳам бор.

«Мустафод ал-ахбор(мин ат-торих Тотор ва Булғор)» – Таниқли татар олими Шаҳобиддин ибн Баҳоуддин Маржоний (1818-1889)нинг умумий тарихга оид татар тилида ёзган икки жилдлик асари. Асарда Ўрта Осиё, Хуросон ва бошқа мусулмон Шарқидаги мамлакатлар ҳукмронлари, сулолаларининг тарихи қисқача ёритиб берилади.

«Муфарриж ал-қулуб»и Саъдий Хоразмий – Муфарриҳ ал-қулуб – Саъдуллоҳ тўра Саъдий (1877-1937)нинг асари бўлиб, 20 ёшида 1324/1906-1907 йилда бир йил давомида ўзбекча назм билан ёзган. Асар ўн бобдан иборат: адолат, эҳсон-саховат, ишқу муҳаббат, тавозуъ, қаноат, аҳду вафо, таваккул, сидқ, тавба ва муножот бобларидан иборат ушбу асарни Му-

ҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) тавсияси билан ёзган. Боблар ичида ҳар хил ҳикоятлар ҳам ўрин олган бўлиб, муаллиф машҳур адиб Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асаридан таъсирланиб ёзганлиги кўриниб турибди. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 7434, 1079).

«**Муфарриҳ ал-қулуб**»и **форсий** – Муҳаммад Акбар Арзоний (XVIII аср боши)нинг асари. Ибн Сино (980-1037)нинг «ал-Қонун фи-т-тибб» асарининг қисқача шарҳи. Асар беш мақола (бўлим)дан тузилган.

«**Мухаммасот**» – Арузнинг кенг тарқалган жанрларидан бири бўлмиш мухаммаслар тўплами. Шоирларнинг мухаммаслари даврига, шоирлар даражасига кўра хилма-хил тартибда тузилган. Хива, Бухоро ва Қўқонда шундай мухаммас тўплаларининг ўндан ортиғи тузилган.

«**Мухаммасоти мажмаъ аш-шуаройи Ферузшоҳий**» – Аҳмаджон Табибий (1869-1911)нинг 1909 йилда Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1863-1910)нинг буйруғи билан тасниф этган иккинчи тазкираси. Унда 32 нафар Хива саройи шоирларининг мухаммаслари тўпланган. Ҳар бир шоир номи олдидан уларга қисқача таъриф ва тавсиф маснавий тарзида 569 байтда берилган. Мазкур тазкирада жами 190 мухаммас ва 60 мусаддас берилган. Шулардан 32 мухаммас Ферузнинг «Ороми жон нигорим, сарви равон нигорим» деб тугалланувчи мустақил мухаммасига тазмин қилиб ёзилган. Мазкур тазкирадан бир нусха ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 1134 тартиб рақами билан сақланади.

«**Муҳити аъзам**» – Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721)нинг шу номли маснавийси бўлиб, 1663 йилда ёзилган. Бедил асарлари қуллиёти ичида Бўмбайда 1875, 1881, 1882 ва 1884 йилларда нашр қилинган. Бундан ташқари Ҳиндистонлик табиб Муҳаммад Аъзамхон Мустафоободий (XIX аср)нинг шундай номланган тиббиётга оид IV жилдли китоби бор. У Нонипурда 1895-1898 йилларда нашр этилган.

«**Мухтасар ал-виқоя**»и **туркий** – Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шарийа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 747/1349)нинг ислом фикҳига оид асари. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилгани учун унга эътибор жуда катта бўлган. Шунинг учун у эски ўзбек тилида ҳам бир неча марта таржима қилинган. Жумладан, Хоразмда икки марта таржима қилинган. Биринчиси, Домла Муҳаммад Салоҳ (XVII аср)нинг Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1644-1663)га бағишлаб ёзган форс тилидаги шарҳининг таржимаси, таржимон маълум эмас. Абдулалий ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Биржандий ал-Ҳанафий (ваф. 935/1528)нинг 1525 йилда «Мухтасар ал-виқоя»га ёзган шарҳини Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910)нинг фармони билан Домла Бекмуҳаммад Хоразмий ўзбек тилига ўгиради. Яна Раҳимхожа Хатмий Тошкандийнинг 1888 йилда нашр эттир-

ган назмий таржимаси ҳам бор. 1912 йилда эса Мақсудхожа Тошкандий ҳам ўзбек тилида шарҳ қилиб, нашр қилдирган. Кўпроқ охириги шарҳнинг тошбосма нусхалари кенг тарқалган.

«**Мухтасари Виқоя**» – Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 747/1349)нинг ислом фикҳига оид асари. «Мухтасар ал-Виқоя»нинг асли номи «ан-Ниқоя»дир. У муаллифнинг бобоси ёзган «Виқоя» асарининг мухтасари-қисқартмаси бўлгани учун шу ном билан шўхрат қозонган. «Виқоя» эса Бурҳониддин Марғилоний (ваф. 1197)нинг «Хидоя» асарининг фақат фикҳий масалалари жамланмасидир.

«**Навоий**» қаранг: «Девони Навоий».

«**Назми Машраб**» – Бобораҳим Машраб (1640-1711) девон тузмаган, унинг таржимаи ҳоли ва шеърий мероси асосан «Қиссаи Машраб» китобидан олинади. Бу китоб халқ орасида жуда машҳур бўлган. Ана шу китобдан ва бошқа баёзлардан Машрабнинг ғазал, мухаммас, мусаддаслари териб олиниб алоҳида тўплам ҳолига келтирилган.

«**Назми Санойӣ**» қаранг: «Девони Ҳаким Санойӣ».

«**Назми Хоқоний**» қаранг: «Девони куллиёти Хоқоний».

«**Насойиҳи ҳазрати Луқмон**» – Қуръонда номи тилга олинган ҳаким, донишманд Луқмоннинг ўз ўғлига қилган насиҳатлари тўплами. Тўпловчининг номи номаълум. Насиҳатлар сони 100 та ва ундан кўп бўлиши мумкин. Қуръонда ҳам Луқмоннинг ўғлига қилган айрим насиҳатлари тилга олинган. Луқмон насиҳатлари кўп кўчирилган, тошбосмаларда нашр этилган.

«**Нафаҳот ал-унс(мин ал-ҳазарот ал-қудс)**» – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг авлиё шахслар, мутасаввифлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги 884/1480 йилда ёзган тазкиравий-маноқибий асари. Унда 616 мутасаввиф ҳаёти ва фаолият ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 таси аёллардир. Алишер Навоий (1441-1501) ундан таъсирланиб, қўшимчалар билан бирга «Насойим ал-муҳаббат» асарини яратган.

«**Нафоис ал-маосир**» – Алоуддавла ал-Қазвиний (ваф. 982/1574)нинг асари. Шоирлар тазкираси. Бобуршоҳ (1526-1530), Ҳумоюн (1530-1556) ва Акбар (1556-1605) даврларидаги шоирларнинг библиографияси, шеърларидан намуналар берилган асар. 1565-1572 йилларда тузилган. 1902 йилда Хивада Муҳаммадшариф Девон Тарро томонидан ҳам китобат қилинган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 6919/1).

«**Нигори дониш**» – Абул-Фазл ибн Муборак Алломий Бобурийларнинг Жалолиддин Акбаршоҳ (1556-1605) даврида таниқли муншыйлардан бири бўлиб, унинг «Мактубот»и жуда машҳур бўлган. Яна унинг «Айёри дониш» асари «Анвори Суҳайлий» тарзида битилгандир. Мазкур асардан

«Нигори дониш» қисқартириб олинган ва Лакнавда 1902 йилда нашр қилинган. «Нигори дониш»да Бузргмеҳр ва Нўширавон қиссалари бор.

«**Низом ат-таворих**» – Қози Носириддин Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байзовий (ваф. 685/1286)нинг форс тилида ёзган асари. Асарда пайғамбарлар, халифалар, умавий ва аббосийлар, сўнгра саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, дайламийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, мўғиллари сулоласи бирма-бир қисқа тарзда баён этилиб, ҳар қайсисига таъриф берилади.

«**Нисоб ас-сибён**» – Абу Наср Масъуд ибн Абу Бакр ибн Ҳусайн ал-Фароҳий ас-Сажзий (ваф. 640/1242)нинг болалар учун ёзган луғатга оид назмий асари. У арабча ва форсча 200 байтдан иборат. Мактаб ва мадрасаларда ўқитилган. Хива тошбосмасида 1876 йилда чоп ҳам қилинган.

«**Нодир ал-меърож**» – Шайх ал-олам Акбарободий (XVII аср)нинг 1044/1635 ёзган асари. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг меърож воқеаларига бағишланган. Хоразмда Муҳаммадамин ибн Муҳаммад Олим Хоразмий таржима қилган, Муҳаммадрафиъ Хоразмий эса 1907 йил кўчирган.

«**Нозир Манзур**» – Аслида Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ Котибий (ваф. 839/1436)нинг ёки Камолиддин Ваҳший Бофиқий (1533-1583)нинг достони бўлиб, шаҳзода Нозир билан малика Манзур ўртасидаги севги қиссасидир. Уни Хоразмда Аҳмаджон Табибий (1869-1911) ўзбек тилида назм билан таржима қилган.

«**Нузҳат ал-қулуб**» – Ҳамдуллоҳ ибн Абу Бакр Муставфий Қазвиний (1281-1350)нинг асари бўлиб, фотиҳа (дебоча), учта мақолат (боб) ва хотимадан ташкил топган. Асарда дунё ажойиблари, айрим нарсаларни хосиятлари, тарихда бўлиб ўтган ажойиб ва ғаройиб ҳодисалар баён этилган.

«**Нур ал-абсор**» – Араб тилида ёзилган ушбу асар ўн икки имомнинг маноқиби бўлиб, Шайх Шабаланжий тасниф қилган. Асарнинг тўла номи «Нур ал-абсор фий маноқиби оли байт ан-набий ал-мухтор» деб аталади. Мисрда 1894 ва 1906 йилларда нашр этилган. Мазкур асар Хоразмда ўзбек тилига тўла таржима қилинган.

«**Нухати дилрабо**» – Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ ал-Котибий ат-Турпизий ан-Нишопурий (ваф. 1439)нинг Шоҳ Қубод ва унинг вазири ҳақидаги кичик ҳажмли достони.

«**Оинаи Исқандарий**» – Амир Ҳусрав Деҳлавийнинг (1253-1325) «Хамса»сига кирган охириги асари. Достон 1301 йилда ёзилган.

«**[Номаи] Оламорои Аббосий**» – Исқандарбек Мунший (1561-1634)нинг Эроннинг 1588-1628 йиллар сиёсий, ижтимоий, маданий тарихини хронологик тартибда ёритувчи форс тилидаги асари. 1628 йилда ёзиб тугатган. Асар муқаддима, уч жилд ва хотимадан иборат. Асар Теҳронда 1896 йилда тошбосмада нашр этилган.

15  
Ш  
ла  
бо  
  
ул  
ўқ  
ма  
Ф  
ки  
  
15  
ни  
қа  
ба  
М  
ру  
ун  
ган  
ри  
  
фи  
да  
ми  
ми  
На  
  
шо  
га  
(«П  
жам  
қад  
ижт  
ма,  
топ  
Хон  
Бом  
нав

«Олти бармоқ» – Мулло Муиниддин Мискин Фароҳий (ваф. 954/1548)нинг «Маориж ан-нубувва» асарининг туркча таржимаси. Таржимон Шайх Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф. 1031/1622) бўлиб, Олти бармоқ лақабли бўлган. Асар ҳам унинг лақаби билан аталиб кетган. Китоб тош-босмаларда бир неча бор нашр этилган.

«Панж сура» – «Қуръони карим»нинг «боб»лари «сура» деб аталади, уларнинг сони 114 тадир. Шундан бешта сура олиниб, ҳар намоз изидан ўқиш учун қулайлаштириб китобат қилинган. Масалан, ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 2450 тартиб рақами билан сақланадиган «Панж сура»га Фотиҳа, Ёсин, Фатҳ, Воқеа, Мулк, Амма ва Фалақ ҳамда Нос суралари киритилган. Бунда кичик ҳажмли суралар эътиборга олинмайди.

«Равзат ал-аҳбоб» – Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Ҳусайний (ваф. 917/1511)нинг Алишер Навоийга атаб 900/1494 йилда ёзган асари бўлиб, Баённий уни 1322/1904-1905 йилда туркча ва ўзбекча вариантлари асосида қайта таржима қилади. Асар уч мақсад (жилд)дан иборат бўлган. Пайғамбар ва унинг оиласи, саҳобалари ҳақида. 1106-1107/1694-1696 йилларда Маҳмуд Муғнисовий деган адиб Мустафоҳон II (1694-1702) амри билан румийча-туркчага ўгиради. 1904 йилда эса Хивада Домла Эшмуҳаммад уни ўзбекчага ўгирган, лекин Муҳаммад Раҳимхон Ферузни қониқтирмагани учун Баённий унинг амри билан ўша йилиёқ уни қайта ўзбекчалаштиришга киришган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 828, 6910).

«Равзат ал-манозир» – Муҳаммад ибн Шихна ал-Ҳалабий ал-Ҳанафий (1349-1414)нинг асари. Унда муаллифнинг Амир Темур билан Ҳалабда учрашган воқеаси ҳам бор. Китоб бир мифтоҳ (муқаддима-калит), икки мисраъ (бўлим) ва хотимадан ташкил топган. Форс тилида ёзилган, умумий тарихга оид мазкур асарни 1324-1327/1906-1910 йилларда Муҳаммад Назар ва Домла Одам Маҳдум таржима қиладилар.

«Равзат ас-сафо» – Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин ал-Балхий Мирхонд (1433-1498)нинг умумий тарихга оид «Равзат ас-сафо фий сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») асари бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган. «Равзат ас-сафо» муқаддима, хотима ва жуғрофик қўшимчадан иборат. Асар етти жилддан ташкил топган. Унинг охириги жилди ва жуғрофик қўшимча Фиёсиддин Муҳаммад Хондамир (1473-1534) томонидан амалга оширилган. «Равзат ас-сафо» Бомбей (1845, 1848, 1864 йиллар)да, Техрон (1853-1857 йиллар)да, Лакнав (1874, 1883, 1891 йиллар)да катта бир жилд қилиб нашр ҳам этилган.

Хоразмда «Равзат ас-сафо» Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммад Назар Хоразмий ва Муҳаммадосуф Рожийлар томонидан ўзбек тилига тўла таржима қилинган.

«**Равзат аш-шуҳадо**» – Аслида Ҳусайн Воиз Кошифий (1445-1505)нинг асари. Асар Ҳазрати Ҳусайн ибн Али (626-680)нинг Ироқдаги Карбало чўлида ўлдирилиш воқеасига бағишланган. Уни тарқийда Муҳаммад Фузулий (1498-1556) «Ҳадиқат ас-суадо» номи билан таржима қилган. Кейинчалик Муҳаммадсобир Ҳожи ўғли (XIX аср) ҳам уни ўзбек тилига ўгирган. Мазкур асар халқ орасида жуда машҳур бўлган. 1905 йилда Қозонда чоп этилган.

«**Рашаҳот**» – «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарини Али ибн Ҳусайн ас-Сафий (1463-1503) 1503 йилда ёзиб тугатган. Асарда Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Аҳрор Валий (1404-1490)нинг маноқиби билан бирга мазкур тариқатнинг бошқа вакиллари, силсилаи Хожагон аъзолари ва Мовароуннаҳр машойихлар ҳақида маълумотлар берилган. Асар Хоразмда 1880 йилда Худойберган ибн Бекмуҳаммад ал-Аштий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

«**Рисолаи Ажойиб ал-олам**» – Муаллифи номаълум асар. Унда оламдаги ажойиб ҳодиса ва ҳолатлар ҳақида сўз юритилади.

«**Рисолаи Азизон**» – Хожа Али Ромитаний (ваф. 720/1321)нинг кичик рисоласи, тариқатга кирган солиқ ўнта шартга амал қилмоғи баён этилади. Тошкентда нашр қилинган.

«**Рисолаи асрори никоҳ**» – Бу асар Махдуми Аъзам Хожаи Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний Даҳбедий (1461-1542)нинг асари. Рисолада никоҳнинг ижтимоий аҳамияти тасаввуфий-фалсафий руҳда тушинтиришга ҳаракат қилинган.

«**Рисолаи Васиятнома**» – Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089)нинг рисола-ларидан бири «Васиятнома» деб аталади. Унда муаллиф тариқатга кирувчи муридга ўз васиятларини айтиб қолдирган. Ҳажми кичик рисола. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«**Рисолаи илми Ҳандаса**» 15<sup>а</sup>.

«**Рисолаи Латойиф ал-аҳком**» – Муҳаммад ибн ал-Ҳусайннинг форс тилидаги асари. 1095/1684 йилда кўчирилган. Муаллиф 1096/1885 йилда вафот қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1206/XI).

«**Рисолаи Маъдани асрор**» – Саъиддин ибн Абдулғаффор ибн Абдулазиз Кобулий (тахминан XIX аср биринчи ярми) афғон адиби бўлиб, Шўри ишқ, Девона, Қудсий тахаллуслари билан ижод қилган. Тасаввуфга оид «Маъдан ал-асрор»дан ташқари унинг яна «Шавоҳиди таволеъ», «Меъёр ал-кушуф», «Айн ал-имон», «Никоҳномаи Биби Фотима» номли асарлари бор.

«Рисолаи мунтахаби қайди сайдий» 16<sup>а</sup>.

«Рисолаи такмил ал-имон» – Абдулҳаққ Деҳлавий (1551-1642)нинг имонни кучайтириш йўллари, амаллари ва ақидалари баён этилган форс тилидаги асари. Тўла номи «Такмил ал-имон ва тақвият ал-ийқон» деб аталган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 2521/II, 4014/III, 6301/I, 11210).

«Рисолаи тарихи ислом» қаранг: «Тарихи ислом».

«Рубоиёти «Лавомеъ» ва «Лавойиҳ» – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг икки асари тасаввуфга оид. «Лавомеъ» Фахриддин Иброҳим ал-Ироқий (ваф. 688/1289)нинг 1274 йилдан аввал ёзган «Ламаот» асари асосида тасниф қилган. Жомий «Лавомеъ»ни 1470 йилда ёзган, тасаввуфий-ирфоний мавзуда бўлиб, 50 боб (ламъа)га бўлинган. Жомийнинг мазкур икки асари форс тилида назм ва наср билан битилган. Мутасаввифлар орасида шуҳрат қозонган ва истеъмолда бўлган рубоийларга шарҳлардан иборат.

«Рубоиёти Бедил» – Машҳур шоир Абдулқодир Бедил (1644-1721)нинг рубоийлари тўплами. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Рубоиёти Мавлавий Жомий» – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг рубоийлари тўплами. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Рубоиёти Мушфиқий» – Бухоролик шоир Абдураҳмон Мушфиқий (1525-1588)нинг рубоийлари тўплами. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Рубоиёти Сайфиддин ал-Бохарзий» – Кубровия тариқатининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Шайх Сайфиддин Бохарзий (1190-1261)нинг ирфоний рубоийларининг тўплами.

«Рубоиёти Умар Хайём» – Машҳур рубоийнавис, олим ва шоир Умар Хайём (1048-1123)нинг рубоийлари тўплами Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Рубоиёти Ҳазрати Мавлоно» – Машҳур мутасаввиф Жалолиддин Румий (1207-1273)нинг минглаб рубоийлари мавжуд. Улардан саралаб олинган тўпламлар тузилган. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Рубоиёти Хожа Ҳофиз» – Ҳофиз Шерозий (1325-1390)нинг рубоийлари тўплами. Хоразмда ҳам бир неча марта китобат қилинган.

«Сайдийя» – Шайх ал-ислом ал-Ҳиравий (XVI аср)нинг асари. Асар Султон Бадиъ аз-замон Баҳодирхон (1506-1507)га атаб ёзилган. Асар 12 фаслдан таркиб топган бўлиб, унда овланадиган ҳайвонот ва паррандаларнинг шариятга кўра ҳалол ва ҳаромлиги ҳамда уларнинг тиббий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

«Салавоти Масъудий» = «Солати Масъудий» – Фақиҳ Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандий (XIII аср охири – XIV аср бошлари)

қаламига мансуб ушбу форс тилида ёзилган фикҳга оид асар 3 жилддан иборат. Асосан намоз ва унга тааллуқли масалалар баён этилган. Хоразмда 1866-1882 йилларда таржима этилган.

«**Самарат ал-фавоид**» – Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сорийнинг туркча-форсча диний мавзудаги асари. Тўла номи «Самарат ал-фавоид фий алмабдаъ ва-л-маод» деб аталган. Асар Истанбулда 1871 йил нашр этилган.

«**Саройиж ал-ожизин**» = «Сирож ал-ожизин» – Сўфи Аллоҳёрнинг насрий асари. Назм билан ёзилган «Фавз ан-нажот»ни ҳам «Сирож ал-ожизин» дейдиганлар бор. Асар 1766-1771 йилларда ёзилган.

«**Сафар ас-саодат**» қаранг: «Шарҳи «Сафар ас-саодат».

«**Сафинат ал-авлиё**» – Муҳаммад Доро Шукуҳ ал-Ҳанафий ал-Қодирӣ (ваф. 1069/1658)нинг асари. Авлиёлар тазкираси бўлмиш ушбу асар 1049/1639 йилда битилган.

«**Саҳойиф ал-ахбор**» – Мавлоно Дарвеш Аҳмад (XVII аср)нинг араб тилида 1092/1681 йилда ёзган асари бўлиб, умумий тарихга оид. Уни Баёний Мавлоно Надим (XVIII аср)нинг 1720 йилда бажарган туркча варианты асосида Хоразм шеvasига табдил қилган. Таржима муқаддимасида Баёний: «рум туркийсидин содда тил била чиғатой туркийсига таржима қилдим», дейди. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 6785).

«**Саҳойиф ас-саодот дар баёни иншоот**» – Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Марворид Баёний Кирмоний (ваф. 922/1516)нинг давлат ҳужжатлари ва ёзишмаларига бағишланган асари. Хожа Абдуллоҳ Марварид олим, шоир, мусиқадон, бастакор, давлат арбоби сифатида танилган ва Алишер Навоий (1441-1501)нинг яқин кишиларидан бири бўлган.

«**Сийар ал-ақтоб**» – Ҳазрат Ҳидоя ибн Шайх Абдураҳим асари. Ҳиндистонда вужудга келган Чистия тариқати намояндалари ва уларнинг фаолияти ҳақидаги тасаввуфий-библиографик асар. Лакнавда амалга оширилган 1889 йилги нашридан Хива саройи кутубхонасида тўртта нусхаси сақланган.

«**Сийари шариф**» – Муиниддин Мулло Мискин Фароҳий (ваф. 954/1548)нинг «Маориж ан-нубувва» асари баъзида халқ орасида шундай аталади. Сийар бу Муҳаммад пайғамбарининг ҳаёт йўлини билдиради. Шунинг учун унга шариф нисбаси берилиб, «сийари шариф» деб аталади. Бу мазмундаги асарлар жуда кўп бўлса ҳам, лекин Мовароуннаҳр, шунингдек, Хоразмда Муиниддин Мулло Мискин Фароҳийнинг асари шуҳрат қозонган эди.

«**Сийари шариф**»и туркий – Муиниддин Мулло Мискин Фароҳий (ваф. 954/1548)нинг «Маориж ан-нубувва» асарининг туркий таржимаси. Таржимани муаллифнинг авлодларидан Муҳаммад Раҳим Мискин (тахминан XVII аср охири) бажарган.

«Силсилат аз-заҳаб» – Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг етти дostonдан иборат «Ҳафт авранг»нинг биринчи китоби. Хафиф баҳрида ёзилган мазкур асарда бидъатларга қарши курашилади, имомия ва равофиз тоифалари ёмонланади.

«Сирри Қуръон» – таниқли ислом файласуфи, аллома Фахриддин Розий (ваф. 606/1210)нинг «Тафсири кабир» номи билан танилган «Мафотиҳ ал-ғайб» тафсирга оид асарининг қисқартмаси. Туркиялик олим Сиррий Каридий (XIX аср) қисқартириб, форс тилига таржима қилган нусха. Истанбулда уч жилд қилиб 1884 йилда нашр этилган.

«Субҳат ал-асрор» = «Субҳат ал-аброр» – Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг асари бўлиб, панд-насиҳат ва ҳикматли ўғитлардир. Асар 40 маржон (фасл)дан иборат. Асарни Мавлоно Шамъий 1009/1600 йилда туркчага ўгирган.

«Табйин ал-жавомъ» 13<sup>6</sup>.

«Тавбат ат-толибин» 17<sup>6</sup>.

«Таворихи Амир Темур Кўрагон» – Тарихда «Темур тузуклари», «Тузуқоти Темурий», «Малфузоти Темурий», «Воқеоти Темурий» номлари билан аталиб келинган мазкур асар муаллифлиги Соҳибқирон Амир Темур (1370-1405)га нисбати берилади. Уни форс тилига Мир Абу Толиб Хусайний Турбатий 1637 йилларда ўгириб, Бобурийлардан Шоҳжаҳон (1628-1657)га тортиқ қилади. Кейин бу таржима Муҳаммад Афз ал-Бухорий (ваф. 1652) томонидан таҳрир қилинган. «Темур тузуклари» икки мақоладан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинни ташкил этиш юзасидан тузук ва режалари баён этилади. Иккинчи қисмида эса Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади. Асар Хоразмда 1857-1858 йилларда Муҳаммадюсуф Рожий ва Комил Хоразмий томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

«Тазаккур ал-хавотин» = «Тазкират ал-хавотин» – Турк адиби Муҳаммад Зеҳний (XIX аср)нинг «Машоҳир ан-нисо» асарининг форсча таржимаси. Таржимон номи маълум эмас. Асар Бўмбайда 1888 йилда нашр қилинган. Ислом оламидаги машҳур аёллар, сиёсий арбоблар, олима, адиба ва шоиралар библиографиясидан иборат. Шунингдек, айни номда ва айни мавзудаги яна бир асар бор бўлиб, уни таржимон Мирзо Муҳаммад Малик ал-кутуб Шерозий (1853-1900) томонидан 1889 йили 178 саҳифали қилиб Эронда нашр эттирган. Мазкур асар Муҳаммад Ҳасанхон Эътимод ад-давла Мароғий (ваф. 1313/1896)нинг «Хайрот ал-ҳисон» номли тазкираси асосида қайта ишланган варианты ҳисобланади.

«Тазкираи Тухфат ал-аҳбоб» қаранг: «Тухфат ал-аҳбоб».

«Тазкираи авлиёи Ҳирот» – Бу асар «Тарихи машойихи Ҳирот» ҳам деб аталади. Унинг муаллифи Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ал-Хусайний

(XVII аср) деб кўрсатилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 9946). Асарда Ҳирот шаҳрида дафн қилинган авлиё ва олимлар, уларнинг мазорлари тўғрисида хабар берилган. Бундан ташқари Ҳирот шаҳрининг тарихига бағишланган «Равзот ал-жаннот фий авсофи мадинати Ҳирот» номли машҳур асар ҳам бор бўлиб, уни Муиниддин Муҳаммад ал Исфизорий 897/1491 йилда ёзган.

«Тазкираи Давлатшоҳий» – Давлатшоҳ ибн Алоуддин Бахтишоҳ ас-Самарқандий (1435-1495)нинг 1486 йилда етти қисмдан иборат қилиб ёзиб тугатган асаридир. Тазкирада VII-XV асрларда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида маълумот берилган. 1900 йилда Муҳаммадрафиъ Хивақий уни ўзбек тилига таржима қилган.

«Тазкират ал-авлиё» (Киромий) – XIX аср бошларида яшаб ижод қилган Хоразмлик шоирлардан бири Сайид Музаффархожа Киромийнинг Атторнинг наср билан ёзилган машҳур «Тазкират ал-авлиё» асарининг назмий таржимаси. Уни «Риёз ал-восилин» деб атаган. Унга Хоразмлик авлиёларни ҳам киритган.

«Тазкират ал-авлиё» (форсий) – Фаридиддин Аттор (1145-1221)нинг авлиёлар манқабаларига бағишланган асари. Унда 99 нафар валий зотнинг таржимаи ҳоли, панд-насиҳатлари, кароматларидан лавҳалар берилган.

«Тазкират ал-авлиё»и туркий – бунда иккита асар назарда тутилади. Фаридиддин Аттор (1145-1221) асарининг Хоразмда уч марта қилинган таржимаси. Хоразмда XIX асрнинг биринчи ярмида номаълум таржимон томонидан қилинган таржимаси. Яна унинг қисқартирилган таржимаси. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 77/II). Хожашоҳ ибн Сайид Аҳмад Хоразмий 1858 йилда қилган таржимаси. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1759). Мазкур таржиманинг 1874 йилда (Қаранг: ЎРШИ-1, № 868), 1906 йилда (Қаранг: ЎРШИ-1, № 870) китобат қилинган нусхалари бор. Кейингиси Муҳаммад Тоҳир эшон Хоразмий (XVIII аср ўртаси)нинг Бухорода 1744 йилда форс тилида ёзган «Тазкират ал-авлиё» асарининг Муҳаммадйусуф Бешариғийнинг 1909 йилда қилган таржимаси. Мана шу вариант Хоразмда жуда машҳур бўлган.

«Таржимаи «Шарҳи виқоя» – Абдулҳаққ Сажовил Сарҳиндий (ваф. 1086)нинг Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорийнинг «Шарҳи Виқоя» асарига ёзган таржимаси. Асар II жилд бўлиб, Бўмбайда 1877 ва 1886 йилларда нашр этилган.

«Таржимат ат-табақот» – Тўла номи «Таржимат ат-табақот фий теъдод ат-таснифот» бўлган бу асар Сайид Абдурахмон Ашраф (XVIII аср) томонидан 1151/1739 йилда Ҳиндистонда тасниф қилинган. Био-библиографик асар. Хоразмда Хонқалик адиб Маҳмуд Хонақоҳий уни ўзбек ти-

лига таржима қилиб 1297/1880 йил китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 7325, 8758).

«Тарихи Абдурахмонхони афғон» – Афғонистон подшоҳи Абдурахмонхон (1844-1901)нинг Афғонистонни англизлар мустамлакага айлантириш сиёсати ва ўша даврлар ёритилган тарихий асари. Қаранг: «Тож ат-таворих».

«Тарихи айбиё» – Тўла номи «Тарихи айбиё ва ҳукамо» бўлган бу асар Алишер Навоий (1441-1501) қаламига мансубдир. Уни 1485-1499 йиллар орасида тасниф қилган. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, 66 та пайғамбар ва 11 та донишманднинг ҳаётидан лавҳалар ва баъзи маълумотлар мухта-сар ҳолда берилади ва ҳар бир тарих охирида рубойи келтирилади.

«Тарихи Бухоро» қаранг: «Тарихи Наршахий».

«Тарихи Жавдат» – Машҳур сиёсатчи, муаррих, адиб Аҳмад Жавдат Пошшо (1822-1890)нинг «Тарихи вақойеъи давлати олиййа» деб аталган асари. Асарда 1768-1825 йилларнинг Усмонли халифалиги тарихи ёритилган. Асар 12 жилд қилиб 1891 йилда Истанбулда нашр этилган.

«Тарихи жаҳондорий» – «Тузукоти Темурий» асарининг биринчи қисми бўлса керак. Қаранг: «Таворихи Амир Темур Кўрагон».

«Тарихи Жаҳонқушо» – Алоуддин Отамалик ибн Баҳауддин Муҳаммад ал-Жувайний (1226-1283)нинг Мўғилистон, Ўрта Осиё ва Эроннинг ижтимоий-сиёсий тарихига оид асари. Асар 3 қисмдан иборат. Умуман, мўғиллар сулоласи ва уларнинг сиёсатига оид асар.

«Тарихи захират ал-мулук» – Сайид Али ибн Шиҳоб ал-Ҳамадоний (1314-1384)нинг «Захират ал-мулук» номли асари бор. Асар тасаввуфий йўналишда 10 бобдан иборат: подшоҳларга панд-насиҳат ва кўрсатмалардан ташкил топган.

«Тарихи ислом» – XIX аср ва XX аср бошларида бутун турк дунёсида шу номдаги кўплаб асарлар дунёга келди ва нашр этилди. Фотиҳ Қаримий, Ёқуб Момишев, Ҳабиб ар-раҳмон Забирий, Шокиржон Тоҳирий, Салоҳ Камол, Маҳмуджожа Беҳбудий, Мавлоно Важиҳий, Абдуллоҳ Жавдат кабиларнинг шу номдаги асарлари чоп этилган. Шуларга ўхшаш бири 1908 йили Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910)нинг амрига кўра китобат қилинган.

«Тарихи комил» – Асли номи «ал-Комил фи-т-тарих» бўлмиш араб тилида ёзилган йирик ҳажмли асар муаллифи Иззуддин Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир (1160-1234)дир. Асар 12 жилддан иборат: унда дунёнинг яратилишидан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар хронологик равишда баён этилади. Хоразмда 1903-1905 йилларда ўзбек тилига тўла таржима этилган. 1873-1883 йилларда Мисрда саккиз жилдик қилиб нашр этилган.

«**Тарихи Наршахий**» – «Бухоро тарихи» ҳам деб аталадиган ушбу асарни Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий (899-959) деган тарихчи олим 944 йили араб тилида ёзиб тугатган. Лекин унинг нусхаси сақланиб қолмаган, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қубавий 1128 йили форс тилига қисқартириб таржима қилади. Яна 1178 йили эса Муҳаммад ибн Зуфар иккинчи марта таҳрир қилган. Сомонийлар давридаги Бухоро ҳаёти, арабларнинг кириб келиши, Бухородаги тарихий жойлар ҳақида маълумот берадиган машҳур асар.

«**Тарихи Рошид (Рошидий)**» – Рошид Афанди (ваф. 1735)нинг Усманий халифалигининг 1660-1721 йилларни қамраб олган тарихига оид мазкур асари олти дафтар (жилд) бўлиб, Истанбулда 1865 йилда нашр этилган. Охирги жилди Осим Афанди (1755-1919) зайли (қўшимчаси) ҳисобланади.

«**Тарихи сиёсий**» – Машҳур турк маърифатпарвари Комил Мустафо пошшо (1874-1908)нинг асари. 3 жилдлик асар бир китоб бўлиб, 1909 йили Истанбулда нашр этилган. Усманийлар халифалиги тарихи, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида сўз юритилади.

«**Тарихи соҳибқироний**» – «Тузукоти Темурий» асарининг иккинчи қисми бўлса керак. Қаранг: «Таворихи Амир Темур Кўрагон».

«**Тарихи Табарий**» – Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (836-923)нинг умумий тарихга оид «Тарих ар-расул-ва-л-мулк» асари. Асарда дунё яратилишидан то 912-913 йилларга қадар Арабистон, Рум, Эрон ва бошқа мусулмон ўлкалари, хусусан Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар қаламга олинган. Воқеалар хронологик тарзда ҳикоя қилинган. Асарнинг қисқартирилган вариантгина бизгача етиб келган, у ҳам 15 жилдда нашр этилган. «Тарихи Табарий»нинг ал-Бальямий (ваф. 974) томонида 963 йилда бажарилган форсий таҳрири ҳам жуда машҳур. Унинг 1873-1888 йилларда Истанбулда нашр этилган румийча туркий таржимаси Хива сарой кутубхонасида ҳам бўлган.

«**Тарихи Фаришта**» – Асли номи «Гулшани Иброҳимий» бўлган мазкур тарихий асар муаллифи Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳ бўлиб, Фаришта лақаби билан танилгани учун асари ҳам «Тарихи Фаришта» номи билан шуҳрат қозонган. Асар Ҳиндистонда 1015/1606 йилда ёзилган. Иброҳим II Одилшоҳ (1579-1626)га бағишлангани учун «Гулшани Иброҳимий» деб аталган. Ҳиндистоннинг ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ёритадиган асар. 1907-1908 йилларда Муҳаммадъяқуб охунд биринчи жилдини, Атоуллоҳ охунд билан Ҳабибуллоҳ охундлар иккинчи жилдини ўзбек тилига таржима қилганлар.

«**Тарихи чаҳор улус**» – Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг «Тарихи арбаъ улус» ёки «Улуси арбаъи Чингизий» асари бўлиб, 1425 йилдан кейин тугатган. Асар муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

«Тарихи Шақойиқ ан-Нўъмон» – Аҳмад ибн Мустафо ибн Халил Тошкупризода (1495-1561)нинг 965/1558 йилда ёзиб тугатган асари. Тошкупризода Усмонли халифалигининг таниқли алломаларидан, машҳур мударрисларидан бири ҳисобланади. Бир қанча вақт қози ҳам бўлган. Унинг «Мадина ал-улум», «Шарҳ ал-Авомил», «Сурат ал-халос фий сурат ал-Ихлос», «Масолик ал-халос» каби ўнлаб асарлари бор. Энг машҳур асари, шубҳасиз, «Шақойиқ ан-Нўъмон фий уламои давлати Усмон» номли икки жилдли асаридир. Асарда Усманийлар даврининг бошланиши (1281 йиллар)дан то муаллиф давригача бўлган, асосан, Ҳанафий мазҳабига амал қиладиган олимларнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган. Китоб 1851 ва 1852 йилларда Истанбулда, 1881 ва 1882 йилларда Мисрда икки жилд бўлиб нашр этилган.

«Тарихномаи Муқимхоний» – Муҳаммадйосуф Мунший ибн Бақохожа Балхий (XVII аср охири)нинг «Тарихи Муқимхоний» асари. «Тазкираи Муқимхоний» ҳам деб аталади. Асар Балх хони Муҳаммад Муқимхон (1697-1707)га бағишлангани учун шундай аталади. Асар 1697-1704 йилларда ёзилган бўлиб, унда Балх ва Бухоро хонлигининг ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий тарихи баён этилади. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат. «Тарихи Муқимхоний» 1861 йилда Хоразмлик адиб Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) томонидан ўзбек тилига тўла таржима қилинган.

«Тафсири «Зубдат ал-маосир» – XIX аср адибларидан Аҳмад ибн Абдуллоҳнинг «Зубдат ал-асор ал-мавоҳиб ва-л-анвор» номли туркча тафсир китоби назарда тутилмоқда. Икки жилд қилиб, Истанбулда 1877 йилда нашр этилган.

«Тафсири Мавлоно Яъқуб Чархий» – Яъқуб ибн Усмон ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Ҳазнавий Чархий (ваф. 1447)нинг Қуръони каримнинг охириги икки порасига ёзган форс тилидаги тафсири. Тафсир тасаввуфий услубдадир.

«Тафсири Мавокиб» – Аслида бу тафсир Мавлоно Ҳусайн Воиз Копшифий (ваф. 1504)нинг «Тафсири Ҳусайний» асарининг румий-туркча таржимасидир. Уни Исмоил Фаррухий (ваф. 1256/1841) таржима қилган. Асар Хоразмда ҳам кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1219).

«Тафсири сураи Ёсин» – Қуръони каримнинг Ёсин сураси (36-сура, 83 оят)га қилинган форс тилидаги тафсир. Мазкур сура «Қуръоннинг қалби» деб таърифланган ва кимки уни бир марта ўқиса, Қуръонни ўн марта ўқиганнинг савоби берилиши башорат қилинган. Шунинг учун уни тафсир қилиш кўп учрайди.

«Тафсири сураи Юсуф» – Мавлоно Муиниддин Ҳиравий (ваф. 954/1548)нинг Қуръони каримнинг Юсуф сураси (12-сура, 111 оят)га қилинган

форс тилидаги тафсири. Мазкур сурада Юсуф пайғамбар ва унинг Зулайхо билан муносабатлари баён этилган бўлиб, энг яхши қисса деб таърифланган. Бинобарин, ушбу сурага шарҳ ва тафсирлар жуда кўп ёзилган.

«**Тафсири Тибён**» – XIX аср адибларидан Муҳаммад Афанди ибн Ҳамзанинг арабча тафсирдан туркчага таржима қилган тафсир китоби. Истанбулда 1888, 1900 йилларда нашр этилган.

«**Тафсири Ҳусайн Воиз**» – Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 1504)нинг форс тилида ёзган тафсири. Тафсир 899/1494 йил 29 июль, шанба кuni ёзиб тугатилган. Уни Алишер Навоий (1441-1501)нинг таклифи билан ёзган ва унга бағишланган. Шунинг учун асли номи «Мавоҳиби Алиййа» деб аталган. Халқ орасида жуда машҳур бўлган.

«**Таҳқиқоти Шайх Сайфиддин**» 15<sup>6</sup>,

«**Тиббуш Шифойи**» – Мустафо (Музаффар) ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний аш-Шифойи (ваф. 963/1556)нинг тиббиётга оид араб тилида ёзган рисоласи. Хива сарой кутубхонасида унинг битта қўлёзма нусхаси бўлган.

«**Тибби ағроз ат-тиббия**» – Асли номи «Ағроз ат-тиббия ва-л-мабоҳис ал-алоия» бўлган мазкур асар Хоразмшохлар даврининг машҳур табиби Зайниддин Абул-Фазойил Исмоил ал-Ҳусайн Журжоний (1042-1136)нинг қаламига мансуб. Исмоил Журжоний Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануштагин (1097-1127) ва Алоуддавла Отсиз (1127-1156) саройида хизмат қилган. Хоразмшохларнинг бош вазирига атаб ёзилган ушбу асар 4 қисмдан иборат.

«**Тибби Акбарий**» – Машҳур ҳинд табиби Муҳаммад Акбар Арзоний ибн Мир Ҳожи Муқим (XVIII аср боши)нинг Аврангзеб Оламгир (1658-1707)га атаб 1700-1701 йилларда ёзган асари.

«**Тибби лаззат ан-нисо**» – Бу номда бир неча муаллиф асар ёзган. Абу Али ибн Сино (980-1037) «Қонун»идан олинган парча ҳам шу ном билан аталган. Яна Мургазо қули Шомлунинг асари 1866 йилда Эронда, Ибн Камол пошшонинг асари 1891 йилда Мисрда, Нажмиддин хожанинг асари 1912 йилда Тошкентда шу номда нашр этилган. Зиёуддин Нахшабий (ваф. 751/1350)нинг шу номли асари ўн бобдан иборат бўлган.

«**Тибби мухтасар**» – Тиббиётга оид форс тилидаги асар. Муаллифи номаълум. 894/1489 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси Хива саройи кутубхонасида сақланган. Маҳмуд Чағминий (тахминан ваф. 617/1221)нинг Ибн Сино (980-1037) қаламига мансуб машҳур «ал-Қонун фи-т-тибб» асарининг қисқартмаси ҳисобланган «Қонунча»си бўлиши мумкин. Бундан ташқари «Рисолаи тибби мухтасар» номли бир асарни Мулла Раҳматуллоҳ Халвоний (XIX аср) ёзган бўлиб, асари кичик муқаддима ва 51 бобдан ташкил топган.

«Тибби Ҳусайний» – Муҳаммад Муъмин ибн Муҳаммад Замон Танкабуний Ҳусайний (XVII аср)нинг «Тухфат ал-муъминийн» асари назарда тутилаётган бўлса керак. Қаранг: «Тухфат ал-муъминийн».

«Тибби Юсуфий» – Муҳаммад Моҳ ибн Ҳаким Шайх Валийуллоҳ ибн Ҳаким Муҳаммад Алиф Сиёлкутий (ваф. 1177/1763)нинг асари бўлиб, тиббий кўрсатмалар берилган. Асар 30 бобдан, ҳар бир боб эса фаслларга бўлинган ҳолда тартиб берилган. Бундан ташқари лақаби «Тибби Юсуфий бўлган Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-Табиб Юсуфий (XVI аср)нинг «Жомий ал-фавоид» номли асари бор. Кичик ҳажмли назм билан форс тилида 918/1512 йилда ёзилган. Асар Кониपुरда 1876, 1882, 1900, 1905, 1908 йилларда муаллифнинг бошқа асарлари билан биргаликда нашр этилган.

«Тоғ ат-таворих» – Афғонистон подшоҳи Абдураҳмонхон (1844-1901)нинг асари. Туркийча таржимаси Константинополда 1862 йил, асл матни эса Бўмбайда 1905 йил, Лоҳурда эса 1902 йилда нашр этилган. Қаранг: «Тарихи Абдураҳмонхони афғон».

«Тоййибот» – Шайх Саъдий Шерозий (1189-1292)нинг машҳур тўртта девонларидан бири. Унга ғазал, рубоий, қитъалари киритилган. «Тоййибот» Шайх Саъдий асарлари таркибида тошбосмаларда бир неча бор нашр этилган.

«Толънома» – Муаллифи номаълум асар. Нажмиддин Насафий (ваф. 1142)га нисбат қилингани 1905 йилда Самарқандда нашр этилган. Яна «Эр ва хотунлар ўрталаридаги бўлодургон аҳволотни билинадургон фолнома» номи остида ҳам Тошкентда 1915 йил нашр этилган.

«Тухфаи Азиза шарҳи қасоиди бурда» – Муътасим ибн Абдураҳим ал-Бухорий (XIX аср)нинг «Қасидаи Бурда»нинг таржимаси ҳамда унга таҳмис қилиб ёзилган форсий ва туркий мухаммаслари. Асар Туркияда 1876 йилда нашр этилган.

«Тухфат ал-аҳбоби шоҳий» – «Тухфаи шоҳий», яъни шоҳга туҳфа деб ҳам аталган ушбу асар Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний (1833-1907) қаламига мансубдир. Асар номи шартли қўйилган, муаллиф ўз номини ҳам кўрсатмаган. Асарда аштархонийлардан Абулфайзхон қисқа таъриф этилгандан сўнг Муҳаммад Раҳим (1753-1758)дан бошлаб манғитлар сулоласи вакиллари тарихи баён этилади. Асарда амир ва унинг баъзи аъёнларининг ёмон ишлари, кирдикорлари фош этилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1458/II).

«Тухфат ал-аҳрор» – У Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг «Ҳафт авранг»ига кирувчи достони. Арузнинг сариф баҳрида ёзилган ушбу асар 10 мақолатдан ташкил топган пандномадир. Уни 1483 йилда ёзган. «Тухфат ал-аҳрор»нинг иккита туркча таржимаси бор. Улар Муҳаммадраҳ-

мий Бурсавий (ваф. 974/1566)нинг таржимаси ва Мавлоно Шамъий (XVI аср охири XVII аср бошлари)нинг таржимаси ҳисобланади.

«**Тухфат ал-мўминин**» – Тиббиётга оид ушбу асар муаллифи Муҳаммад Мўмин ибн Муҳаммад Замон Танкабуний Ҳусайний (XVII аср) бўлиб, 1079/1669 йилда ёзган. Муаллиф Ҳиндистонлик бўлган, Дайламда ҳам яшаган. Савафийларга хизмат қилган, ушбу асари Шоҳ Сулаймон Сафавий (1667-1694)га бағишланган. Асарни Хоразмда Саъдуллоҳхожа 1850 йилда кўчирган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 4660). Муҳаммад Мўмин Ҳусайнийнинг яна «Қарободини жунг» номли асари ҳам бор.

«**Тухфат ал-ошиқин**» – Муаллифи номаълум тиббиётга оид форс тилидаги асар. Баъзи аёлларда бўладиган касалликлар, юракка қувват бўладиган дори-дармонлар, майнинг турлари ҳақидаги Абу Али ибн Сино (980-1037) тажрибаларига асосланган маълумотлар асарда ўз аксини топган.

«**Тухфат ал-ушшоқ**» – Туркия адибларидан бири Шамсиддин Аҳмад ибн Мусо ал-Хаёлий (ваф. 860/1456)нинг девони шу ном билан аталган. Истанбулда 1878 йилда нашр қилинган. Қаранг: «Девони Хаёлий».

«**Усули жуғрофияи кабир**» – Уч жилдлик бу асар 1898-1899 йилларда Қозонда тузувчи ва ношир Қайюм Носирий томонидан нашр этилган. Тотор тилидаги бу асарда аввал ўтган жуғрофий китоблардан таржималар, муаллифларнинг асарларидан иқтибослар берилган. Асар уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисмида Осиё қитъаси, иккинчи қисмида Африка қитъаси, учинчи қисмида эса Араб жазираси ҳақида географик маълумотлар баён этилган.

«**Уштурнома**» – Фарилиддин Атторнинг манзумаларидан бири. «Мантиқ ат-тайр», «Асрорнома» ва «Мусибатнома»лардан кейин ёзилган. Тасаввуфий рамзлар очиб берилган. Бир қанча ирфоний саволларга жавоблар тарзида тузилган. 2730 байтдан иборат.

«**Фавз ан-нажот**» – Муаллифи унча аниқ бўлмаган диний-тасаввуфий мавзудаги манзума. Муаллифи тахминан Сўфи Аллоҳёр (1640-1723) асари дейилади. «Фавз ан-нажот» тошбосмаларда кўплаб чоп қилинган ва Мовароуннаҳр халқи орасида ўқимишли китоблардан саналади. Унда ақида, ибодатлар, одоб-ахлоқ тўғрисида сўз юритилади, яна бир неча назмий ҳикоятлар ҳам ўрин олган.

«**Фавойид фий ҳалли ақоид**» – Тула номи «Фавойид ал-мабсута фий ҳалли ақоиди ғайр ал-манқуга» дейилган асар муаллифи XIX аср охири XX аср бошларида яшаган адиб Сайид Аҳмад Васлий Самарқандийдир. Асар илми каломга бағишланган бўлиб, араб тилида ёзилган. Самарқандда 1909 йилда нашр этилган.

«**Фатовийи Бараҳна**» – Шайх Насируддин Муфтий Лоҳурий (XIX аср) асари. II жилдли бу асар фикҳий фатволар жамланмасидир. 1872, 1874 ва 1891 йилларда Ҳиндистонда нашр этилган.

**«Фолнома»** – Бу номда кўплаб асарлар чоп этилган. Ҳаммасининг муаллифи номаълум. Ҳиндистон, Эрон, Бухоро, Тошкентда чоп этилган. Баъзиларини Имом Жаъфари Содиққа, Мавлоно Мушфиқийга нисбат берадилар. 1905 йилда Самарқандда чоп этилган «Фолнома»лар тўпламининг учтаси Ҳалифа Али (ваф. 661), Жаъфари Содиқ (тахминан 700-765) ва ҳатто Заҳириддин Бобур (1483-1530)га нисбат қилинган. Унга Нажмиддин Умар ан-Насафий (ваф. 1142)га нисбат қилинган «Толънома» кўшиб нашр этилган.

**«Хавосси асмой Аллоҳи туркий»** – Аллоҳ таолонинг 99 исми хосияти баён этилган китоб. Араб, форс, туркий тилларида бир қанча вариантлари мавжуд. Унда шу исмлар сабабидан ўқиладиган дуолар, қайси дардларга қайси исм шифо бўлиши кабилар баён этилган. Тошбосмаларда бир неча марта нашр ҳам қилинган.

**«Хавосси Қуръони мажид»** – Қуръони каримни ўқиш фазилатлари, ундаги айрим сура ва оятларнинг хосиятлари баён этилган рисола. Бу мавзудаги китоб ва рисоалар кўп. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн деган олим 926/1520 йилда ёзган «Хавосси оёт ва сувар» номли асари мавжуд. Бу мавзудаги асарларнинг кўпчилигининг муаллифи номаълум. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 3537, 6622, 13512).

**«Ҳазинат ал-асрор»** – Муҳаммад Ҳаққий ибн Али ибн Иброҳим ан-Нозилий асари. Унда Қуръон оятларининг хосиятлари, ҳар хил дуолар, хосиятли намозлар ва шунга ўхшаш масалалар ёритилган. Мисрда 1887, 1889, 1902 йилларда нашр этилган.

**«Ҳазинат ал-асфиё»** – Ҳулом Сарвар ибн Ҳулом Муҳаммад Лоҳурий (XIX аср)нинг авлиёлар тазкирасига бағишланган асари. 1280-1281/1863-1865 йилларда ёзган. Асар икки жилд, етти бўлимдан иборат. Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг буйруғи билан Муҳаммад Ёъқуб охунд Бешариқли 1906-1907 йилларда ўзбек тилига таржима қилган. 1907-1908 йилда Исмоил Ивазниёз сўфи китобат қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 8774).

**«Ҳаққ ал-яқин»** – Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳаётлари, сифатлари баён этилган форс тилидаги асар. Бир неча китоблардан олиб тўплам қилинган. Тузувчиси номаълум. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 263/II). Яна шу номдаги асар Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Тақий (ваф. 1110) қаламига мансуб бўлиб, илми каломга оид форс тилидаги асар. Бу рисола Эронда 1858 йилда нашр қилинган. Яна Маҳмуд Шабустарий (ваф. 720/1320) қаламига мансуб «Ҳаққ ал-яқин фий маърифати Рабб ал-оламин» номли асар Эронда 1932 йилда нашр қилинган.

**«Ҳалли луғоти «Хамса»и Навоий»** – Навоийнинг «Хамса» асарига номаълум муаллиф томонидан тузилган луғат. «Хамса»нинг ҳошиясида, ало-

ҳида варақларда ёзилган. Унинг 1262/1845 йилда кўчирилган бир нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида №7830 рақами билан сақланади.

«Хамса» – Алишер Навоий (1441-1501)нинг 1483-1485 йилларда ёзган бешта дostonдан иборат, 50 минг мисрадан ошиқ йирик асари. «Ҳайрат ал-аброр» (1483), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъай сай-ёр» (1484) ва «Садди Искандарий» (1485) номли дostonлардан иборат.

«Хамса»и Хусрав Деҳлавий – Хусрав Деҳлавий (1253-1325)нинг мазкур асари 1299-1301 йилларда ёзилган бўлиб, «Матлаъ ал-анвор», «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт беҳишт», «Ойнаи Искандарий» дostonларидан иборат.

«Хамсаи Навоий» Қаранг: «Хамса».

«Ҳафт авранг»и Жомий – «Етти тахт» маъносига эга ушбу асар Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг энг йирик тўплами бўлиб, 1480-1485 йилларда ёзилган етти дostonдан иборат. Хамсачилик анъаналарида ёзилган бу дostonлар – «Силсилат аз-заҳаб», «Тухфат ал-аҳрор», «Сухбат ал-аброр», «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Саламон ва Абсол», «Хирадномаи Искандарий»ларнинг аввалги учтаси фалсафий-ахлоқий йўналишда, кейингилари анъанавий сюжетларда ёзилган.

«Ҳафтияки шариф» – Қуръони каримнинг еттидан бир қисмини ўз ичига олган тўплам. Мактабларда ўқиш ва ёд олиш лозим бўлган асосий дарсликлардан бири бўлган.

«Ҳашт беҳишт» – Хусрав Деҳлавий (1253-1325)нинг «Хамса»сига кирган тўртинчи дoston. Оғаҳий (1809-1874) уни ўзбек тилига насрда таржима қилган.

«Ҳикмат ал-айн» – Нажмиддин Али ибн Умар ал-Қазвиний ал-Котибий (ваф. 675/1276)нинг метафизика, мантиқ, физика масалаларига доир рисоласи. Мусулмон Шарқи мадрасаларининг олий босқичида дарслик сифатида ўқитилган. Шу боисдан қайта-қайта китобат қилинган, тошбосмаларда нашр этилган.

«Ҳикояти Заҳҳок» – «Шоҳнома»нинг афсонавий образларидан бири. Заҳҳок золим ва жоҳил сифатида кўрсатилган. У отасини ўлдириб, унинг тахтига 199 йил давомида эга чиқади. Иблиснинг бўсаси туфайли Заҳҳокнинг икки елкасидан икки катта илон ўсиб чиқади. У илонларни йигитларни ўлдириб, уларнинг мияси билан боқишга ҳаракат қилади. Кова деган темирчининг ўн еттита ўғли шунинг оқибатида ўлиб кетади. Кова бунга чидай олмай бутун халқни Заҳҳокка қарши чиқишга ундайди. Халққа Фаридун бошчилик қилади, Кованинг пешбанди халқнинг байроғи бўлади ва натижада Заҳҳок билан унинг аъёнлари ўлдирилади. «Шоҳнома»даги ушбу афсона олиниб, алоҳида китоб ҳам қилинган.

«**Ҳикояти манзума**» – Ҳар хил назмий ҳикоятлар мажмуаси. Ҳар хил қилиб тузилган. Жумладан, Хоразмлик адиб Бобожон Санойӣ (XIX аср охири) тузган ҳикоятлар тўплами мавжуд.

«**Ҳисн ал-ҳасин**» – Шамс ад-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий (ваф. 833/1429)нинг 1388 йилда ёзган китоби бўлиб, саҳиҳ ҳадислар асосида тузилган дуо ва зикрлар тўпламидир. Уни асрлар давомида мусулмонлар орасида ўқиш одат бўлиб келган. Китобни мутолаа қилиб туриш бало ва офатларни даф қилиш хусусиятига эга, деган эътиқод мавжуд бўлган. Китоб айниқса Темурийлар даврида машҳур бўлган. Хива саройи архив ҳужжатларида ушбу китобни ўқитишга сарфланган маблағлар ҳам қайд этиб борилган. Жумладан, 1867 йилнинг Ражаб ойида ушбу китобни ўқиган муллоларга 20 тилло берилган. Китоб Хоразмда 1892 йилда Эшон Махдум томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

«**Хотираи аҳди шабоб**» 6<sup>б</sup>.

«**Хулосат ал-мафохир**» – Муаррих олим Абдуллоҳ ибн Асъад ал-Ёфийй ал-Яманий (1298-1367)нинг умумий тарихга оид «Равзат ар-раёҳин» асарининг такмила (тўлдирма)си. Асар олимлар, донишмандларнинг таржимаи ҳоллари ва тарихдаги муҳим маълумотлар ҳақидадир. Муаллифнинг бундан бошқа «Миръот ал-жинон» асари жуда машҳур.

«**Хулосат ал-ҳукамо**» – Ҳофиз калон ибн Бадриддин қори Ансорий (XVIII аср)нинг асари. Дори-дармонлар ҳақидаги изоҳлардан иборат.

«**Хусну Дил**» – Муҳаммадниёз Нишотий (XVIII аср бошлари)нинг достони. Унда Хусн билан Дилнинг бир-бирига бўлган муҳаббати тараннум этилади.

«**Хусрав ва Ширин**» – Хусрав Деҳлавий (1253-1325)нинг «Хамса»сига кирган дostonлардан бири. Эрон шоҳи Хусрав ва Шириннинг муҳаббат достони. Низомий Ганжавий (1141-1203)нинг шу номли асарини Қутб Хоразмий (XIV аср) 1340 йилда ўзбек тилида таржима қилган.

«**Хуффий Алоий**» – Машҳур табиб Исмоил Журжоний (1042-1136)нинг «Заҳираи Хоразмшоҳий» номли йирик ҳажмли асаридан қисқартириб олинган рисоласи. Рисола форс тилида ёзилган бўлиб, ҳарбий юришлар ва саёҳатларда ҳар ким этиги кўнжи (хуфф)га солиб юришга қулайлик яратиш мақсадида шундай аталган ва 1113 йилда Алоуддин Отсиз (1127-1156)га бағишлангани учун «Хуффий Алоий» деб номланган.

«**Чаҳор дарвеш**» – Ушбу туркий назмий қиссанинг учта варианты мавжуд. Муҳаммад Сиддиқ Ёркандий варианты Тошкентда 1899, 1900 ва 1906 йилларда, Мирзо Қурбон Хиромийнинг варианты 1910 ва 1913 йилларда нашр этилган, Яъқубхожа Холиснинг варианты эса 1906 йилда нашр қилинган.

«**Чаҳор китоб**» – «Чаҳор китоб»нинг фақат охириги тўртинчи китоби Аттор (1145-1221)га тегишли ва «Пандномаи Аттор» деб ҳам аталади.

Олдинги учта китоби шариат қонун-қоидаларига оид бўлиб, «Номи ҳаққ» («Муқаддимат ас-солат»)нинг муаллифи Шарафуддин ал-Бухорий (XIV аср), «Бидон»нинг муаллифи Жалолиддин Кеший ва «Муҳиммот ал-муслимиин»нинг эса муаллифи номаълумдир.

«**Чиҳил ҳадис**» – Қирқ ҳадис тўпламлари жуда кўп ва улар «арбаъийн» деб ҳам аталади. Назмда маъно таржималарини ёзганлардан бири Абдурахмон Жомийдир. Жомий нусхаси асосида Алишер Навоий туркий тилида қирқ ҳадис шарҳини назмда берган.

«**Шабистон**» – Мавлоно Яҳё Себак Фаттоҳий (ваф. 853/1449)нинг «Шабистони хаёл» номли асари. У «Шабистони нуқот ва гулистони луғот» ҳам деб аталган. Асарни муаллиф умрининг охириги йилида ёзиб бўлган. Асар саккиз боб ва ҳар бир боб ички бир неча фасллардан иборат. Асар одоб-ахлоқ ҳақида бўлиб, унда нуқта, қитъа, маснавий, байт, рубоий, кичик ҳикоятлар ўрин олган. Тошкентда ҳам 1912 йилда чоп этилган.

«**Шамс ал-маориф**» – Тўлиқ номи «Шамс ал-маориф ва латойиф ал-авориф» бўлган ушбу асар араб тилида ёзилган. Муаллифи Аҳмад ибн Али ибн Юсуф ал-Қураший ал-Буний (ваф. 623/1226)дир. Асар араб тилида ёзилган ҳар хил дуолар, жинларни мусаххар қилиш йўллари ва азойим-хонликка бағишланган. Унинг қисқартирилган (интиҳоб) вариантлари ҳам бор. Китобни Хоразмда Муҳаммад Шокир ибн Қулнийез Урганжий 1309/1891 йилда таржима қилган, Хивада бир неча марта кўчирилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 7288, 6896, 7342, 7341).

«**Шарҳи «Гулистон»**» – Шайх Саъдий (1189-1292)нинг машҳур асарига румийча-туркийча кўплаб шарҳлар ёзилган. Энг машҳури Мавлоно ас-Судий (ваф. 1000/1591)нинг шарҳи ҳисобланади. Шунингдек, «Гулистон»га Мавлоно Ломийий (ваф. 938/1531), Мавлоно Шамъий (ваф. 1000/1591), Хусайн Кафавий (ваф. 1012/1603), Муҳаммад ат-Тийрий ал-Айший (ваф. 1016/1608), Ҳавоий Бурсавий (ваф. 1017/1609) кабилар румийча-туркий шарҳлар битганлар. Шулардан бири Хива саройи кутубхонасига келтирилган. «Гулистон»нинг араб тилидаги шарҳини Яъқуб ибн Сайид Али (ваф. 931/1524) битган бўлса, форсий шарҳларидан Мустафо ибн Шаъбон ас-Сурурий (ваф. 969/1561)ники машҳур.

«**Шарҳи «Далойил ал-хайрот»**» – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Жазулий (ваф. 854/1450)нинг саловотлар тўпламига асосан битта мўътабар ва машҳур шарҳи манбаларда таъкидланади. Бу Туркиялик олим Муҳаммад Маҳдий ибн Аҳмад ибн Али ибн Юсуф ал-Фаъсий ал-Қусавий (ваф. 1052/1642)нинг «Матолий ал-масирот би-жилои «Далойил ал-хайрот» номли шарҳидир. Шунингдек, форс тилидаги шарҳини Муҳаммад-

фозил ибн Муҳаммад Ориф Сайфиддин Деҳлавий (XVII аср) ёзган. Хива саройига унинг арабча, форсча вариантлари ҳам олинган эди.

«Шарҳи «Қасидаи бурда» – Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий (1212-1292)нинг мазкур қасидаси жуда машҳур бўлиб, унга араб, форс, туркий тилларда юздан зиёд шарҳлар ёзилган. Жумладан, Камолиддин Ҳусайн ал-Хоразмий (ваф. 761/1360), Шарафиддин Али Яздий (ваф. 828/1424), Али ибн Муҳаммад Мусаннифак (ваф. 875/1470), Аҳмад ал-Қасталоний (ваф. 923/1517), Сулаймон ибн Али ал-Қарамоний (ваф. 924/1518), Убайдуллоҳ Муҳаммад ал-Фанорий (ваф. 936/1530), Иброҳим Исомиддин ал-Исфароиний (ваф. 944/1537), Муҳйиддин Муҳаммад ибн Мустафо Шайхзода (ваф. 951/1544), Бадруддин Муҳаммад ал-Ҳазлий (фаоти 984/1577), Аҳмад ибн Мустафо Билолий (1010/1600), Али ал-қори (ваф. 1014/1606) кабилар ҳатто XX асрда ҳам араб, форс ва туркий тилларда каттаю кичик шарҳлар битганлар. Шулардан битта араб тилидаги, битта форс тилидаги шарҳ Хива саройи кутубхонасида бўлган. Қасиданинг туркий шарҳларидан Ваҳбийнинг шарҳи Истанбулда 1894 йилда, Мисрда 1858 йилда, Нажибий Афандининг шарҳи эса Истанбулда 1879 йилда, Шариф маҳдум Бухорий ва Шайх Холиднинг шарҳлари эса Истанбулда 1901 йилларда нашр этилган.

«Шарҳи «Мухтасар ал-Виқоя» – Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўримирий (XVII аср охири XVIII аср боши)нинг асари. Китоб «Таржимат ал-Мухтасар» деб аталган. Бу Убайдуллоҳ ибн Тож аш-шарифа ал-Бухорий (ваф. 747/1347)нинг «Мухтасар ал-Виқоя» асарига форс тилида ёзилган шарҳ. Шарҳ Мовароуннҳарда жуда машҳур бўлган. Бир неча марта тошбосмаларда нашр ҳам этилган.

«Шарҳи «Нузҳат ал-арвоҳ» – «Нузҳат ал-арвоҳ» Фахр ас-саодат Рукниддин Ҳусайн ибн Олим ал-Ҳусайний ал-Ҳафурий (1272-1330)нинг 1312 йилда ёзган асари бўлиб, назм ва насрда тасаввуфий мавзуда ёзилган. Асар муқаддима ва 28 фаслдан иборат. Унга Абдулвоҳид ибн Иброҳим ал-Ҳусайний ал-Балгиромий (ваф. 985/1577) шарҳ ёзган.

«Шарҳи «Сафар ас-саодат» – Ҳадисга бағишланган «Сафар ас-саодат» асари муаллифи Маждуддин Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб аш-Шерозий (ваф. 817/1414) бўлиб, уни Муҳаддис Абдулҳаққ ад-Деҳлавий (1551-1642) форс тилида шарҳ қилган. Унинг шарҳи олим ва талабалар орасида машҳур бўлгани боис Хоразмда 1905-1906 йилларда ўзбек тилига таржима қилинади.

«Шарҳи «Хулосат ал-ҳисоб» – Ҳож Мавло Ҳусайн Яздий (XVII аср) Сафавийлар даври олими. Баҳоуддин ал-Омулий (ваф. 1031/1622)нинг арифметикага оид «Хулосат ал-ҳисоб» асарига шарҳ ёзган.

«Шарҳи аврод» – Шаҳобиддин ас-Суҳравардий (ваф. 587/1191) кундалик ибодатлар тартиби ёзилган форс тилидаги асарига ёзилган шарҳ. Бу шарҳда ҳар бир ибодат турининг фикҳий ҳукмлари ҳам батафсил кўрсатилгани учун шуҳрат қозонган. У Али ибн Аҳмад ал-Хурий қаламига мансуб бўлиб, форс ва қисман араб тилида битилган. Мовароуннаҳр шаҳарларида машҳур бўлган бу асар Хоразмда ўзбек тилига таржима қилинган.

«Шарҳи авроди Қутбий» 14<sup>б</sup>.

«Шарҳи Авроди Шайхи кибор» – Шаҳобиддин ас-Суҳравардий (ваф. 587/1191)нинг лақабларидан бири «Шайхи кибор» (Улуғ пир) бўлган. Унинг «Аврод» рисоласининг шарҳи назарда тутилмоқда. Яна қаранг: «Шарҳи аврод».

«Шарҳи Ихёи улум» 14<sup>б</sup>.

«Шарҳи қасидаи рубубия» – Қасида машҳур саҳобалардан Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/660) ёки Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/688)га тегишли, дейилади. У 42 байтдан иборат: мадрасаларда ўқитилган ва ёдлатилган. Бинобарин унинг шарҳлари ҳам бир нечта. Жумладан, форсий назм билан қилинган таржимаси ҳам бор. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 9126/1, 11284/II).

«Шарҳи муаммо ва асмой Аллоҳ» – Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг муаммо (топишмоқ) жанрига оид учта каттаю кичик асарлари борлиги ҳамда унинг Аллоҳ таолонинг 99 исмининг маънолари ечиб берилган рисоласи мавжудлиги маълум. Бу ана шу асар бўлса керак.

«Шарҳи Нисоб ас-сибён» – «Нисоб ас-сибён»нинг шарҳлари кўп. Муҳаммад ибн Фасиҳ ибн Муҳаммадкарим Даштбаёзий (тахминан XVI аср) ва Муҳаммад ибн Жалол Қўҳистоний (XVI аср)ларнинг форс тилидаги шарҳлари Мовароуннаҳрда машҳур бўлган. Хива саройи кутубхонасига ҳам шулардан бири олинган бўлса керак.

«Ширин ва Хусрав» – Мавлоно Абдуллоҳ Ҳотифий (ваф. 927/1521)нинг асари. Подшоҳ Хусрав Парвез ва Ширин ўртасидаги муҳаббат тараннум этилади. «Хамса» дostonларидан таъсирланиб яратилган.

«Шоҳнома»и Фирдавсий – Абулқосим Фирдавсий (940-1025)нинг «Шоҳнома» асари машҳури жаҳондир. Сомонийлар даврида Дақиқий (X аср) «Шоҳнома»нинг 1000 байтини ёзиб, ўлиб кетади. Уни давом эттириш Фирдавсийнинг зиммасига тушган. Фирдавсий 994 йилда «Шоҳнома»нинг биринчи вариантини тугатади. Кейинчалик 1010 йилда уни қайта ишлаб, Маҳмуд Ҳазнавий (998-1030)га туҳфа қилади. «Шоҳнома» 30-35 йиллик меҳнат маҳсули бўлиб, 60 минг байтдан иборат бу буюк асарнинг мағзини ривоят, афсона ва халқ қаҳрамонлик эпоси ташкил этади. Низомиддин Хомуший (XVII аср охири) 1682 йилда «Шоҳнома»ни ўзбек тилига насрий таржима қилган. Мазкур таржима Тошкентда 1908 йилда тошбосмада нашр этилган.

«Шоҳномаи Қосимий» – Муҳаммад Қосим ибн Амир Сайид Гунободий (Жунобозий) Шоҳ Таҳмосп I (1524-1576) даврининг етук шоири. Шоҳ Таҳмоспга атаб «Шоҳнома» битган. Шунингдек, унинг «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» номли дostonлари бор. «Шоҳнома»и Қосимий 100 бетдан сал ошиқроқ ҳажмда 1870 йилдан бошлаб Ҳиндистон шаҳарларида бир неча бор нашр этилган.

«Этикодот ва аҳодис» 3<sup>a</sup>.

«Юсуф ва Зулайхо»йи Нозим – Нозим Ҳиравий (1601-1671) томонидан форс тилида 1662 йилда ёзган дostonи. Хоразмда машҳур бўлган, лекин таржима қилингани маълум эмас. Жомийнинг (1414-1492) шу номдаги дostonи эса Огаҳий (1809-1874) таржима қилган.

## ШАХС НОМЛАРИ БЎЙИЧА ИЗОҲЛАР

**Абдолниёз охунд** – Асли Урганчдан бўлган Абдолниёз охунд ибн Дўстниёз Хоразмий XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган ва Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910)нинг буюртмасига биноан қўлёзмаларни кўчирган моҳир хаттотлардан бири ҳисобланган. Унинг ўғли машҳур Отажон босма (1856-1939) Хива тошбосмасининг етук ходимларидан бири бўлган.

**Абдулазизхон** – Мовароуннаҳрда икки нафар шу номдаги хон ҳукмронлик қилган. 1540-1550 йилларда Бухоро тахтида ўтирган Абдулазизхон Убайдуллоҳхон (1487-1540)нинг ўғли бўлиб, унинг вафотидан сўнг Бухоро тахтига ўтирган. Самарқанд ҳокими уни тан олмасдан ораларида уруш келиб чиқади. Натижада бир оз муддат Бухорони ташлаб кетишга мажбур ҳам бўлган. У илм-фанга анча ҳомийлик қилган, унинг кутубхонаси машҳур эди. 1645-1680 йилларда Жонийлар сулоласидан бўлган Абдулазизхон ҳам Бухоро амири. Унинг даврида Балх, Хожанд, Самарқанд Бухоро салтанатига қараган, Хива ҳукумати билан Бухоро ораси бузилган.

**Абдулаҳад ибн Муҳаммад ибн Аҳмади Жомий** – Абдураҳмон Жомий (1414-1492)нинг укаси Муҳаммад Жомий (1420-1463)нинг ўғли Абдулаҳад (XV аср) Абдураҳмон Жомийнинг қўлида тарбияланган, етук хаттот бўлиб егишган. 1490 йилда Жомийнинг «Ҳафт авранг» асарини маҳорат билан китобат қилган.

**Абдулкарим** = Абдулкаримбой – Муҳаммад Раҳим ўғли Хоразмий XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. Хивалик шоирларнинг девонларини кўчиргани маълум.

**Абдуллоҳ Ансорий** – Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад (1006-1088) тасаввуфнинг йирик шайхларидан бири, шоир, адиб. Кўпроқ Ҳиротда яшагани ва Ҳиротда дафн қилингани учун Ҳирот пири лақаби билан ҳам танилган. Шайх ал-ислом унвонига сазовор бўлган.

**Абдуллоҳ Марворид** – Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Кирмоний ал-Марворид (ваф. 1526) олим, шоир, мусиқашунос, бастакор ва давлат арбоби. Султон Ҳусайн Байқаро (1470-1506) саройида хизмат қилган. Навоийга яқин кишилардан бўлган. Кейинчалик Исмоил Сафавий

(1501-1524) хизматига кирган. Девони ҳам бизгача етиб келган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 1102). Унинг стилистикага оид, давлат ҳужжатларини юри-тиш, мактублар ёзиш қонун-қоидаларини ўргатадиган рисоласи ҳам бор.

**Абдуллоҳ Махдум ибн Мулло Отаниёз Сигир** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. 1908 йилда Хивалик учта шоирнинг девонини бир тўплам қилиб кўчирган.

**Абдулҳақ Деҳлавий** – Абдулҳаққ ибн Сайфиддин ад-Деҳлавий (1551-1642) араб ва форс тилларида ижод қилган ҳинд олимларидан, муаррих, фақиҳ, таниқли муҳаддисдир. Унга асли Бухоро ўзбекларидан бўлгани учун ат-Турк ал-Бухорий нисбаси ҳам берилади. Унинг «Шарҳи «Мишкот ал-масобих», «Шарҳи «Сафар ас-саодат», «Жазб ал-қулуб» ва «Мадори-жун нубувва» асарлари Хивада ўзбек тилига тўла таржима қилинган. Шунингдек, Абдулҳаққ Деҳлавийнинг «Таҳқиқ ас-самоеъ», «ат-Тибён фий адиллати маъзаби ал-Имом Аби Ҳанифа ан-Нўъмон» каби асарлари ҳам бор.

**Абдулҳаққ Қаранг** – Абдулҳаққ Деҳлавий.

**Абдулҳамид охунд** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хивалик олим таржимонлардан. Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. «Шарҳи «Сафар ас-саодат»ни таржима қилганлардан бири.

**Абулғозийхони аввал** – Абулғози Баҳодирхон (1603-1663). Шайбоний Арабшоҳлар сулоласидан Хива хони (1645-1663). У Тарихчи олим, шоир ва табиб ҳамдир. «Шажараи турк», «Шажараи тарокима», «Манофёе ал-инсон» асарлари муаллифи.

**Абул-Ҳасан ибн Ҳусайн Масъудий** – Абул-Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий (ваф. 345/956) араб тарихчиси. Ал-Масъудий IX аср охириларида Бағдодда задогонлар оиласида туғилган. Жуда кўп (915-945 йиллар) саёҳатлар қилган. Турли ўлкаларда бўлиб, адабиёт, фалсафа, фикр, тарих бўйича жуда кўп маълумотлар тўплаган. Шулар натижасида бир неча ўта муҳим тарихий асарлар тасниф қилган. Жумладан, «Ахбор аз-замон ва ажойиб ал-булдон», «ат-Таворих фий ахбор ал-умам мин ал-араб ва-л-ажам», «Ҳазойин ал-мулук», «Китоб ар-расойил» каби 20 дан зиёд асарлар таълиф қилган. Унинг «Муруж аз-заҳаб» номли асари Хивада ўзбек тилига таржима қилинган. У Қоҳирада вафот этган.

**Алихожа Бухорий** – Бухорода XIX асрда ўтган хаттотлардан бири. Унинг қалами билан китобат қилинган бир баёз Хива саройига олинган.

**Аллоҳберган Девон Тарро** – XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Хивалик хаттот. Унинг авлодлари ҳам моҳир хаттотлар бўлишган.

**Аллоҳберган Тарро** Қаранг: Аллоҳберган Девон Тарро.

**Аллоҳқулихон** – 1825-1842 йилларда Хива хони. Унинг хонлик даври ҳақида Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) «Риёз ад-давла» асарини ёзган.

Унинг даврида илм-фан ривожланган, таржимон ва котибларнинг фаолияти ошган. Сарой кутубхонаси бойиган.

**Амир Темур** – Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад Тарағай ўғли (1370-1405) Теурийлар сулоласига асос солган буюк саркарда, султон. Амир Темур умрининг кўп қисмини юришларда ўтказган. У юришларини Хоразм ва Хуросондан бошлаган. 1395 йилда бошланган беш йиллик уруш вақтида бутун Форс ўлкасини Ироққача босиб олди. Шу вақтда Дашти Қипчоққа юриш қилишга мажбур бўлади. Шимолда Россия ўлкасининг Рязан князлигига етиб боради. Ҳиндистонга бўлган юриш 1398 йилда бошланди ва Деҳлини эгаллаб олади. Фарбда эса 1402 йилда Усмонли султонлардан Боязид I (1389-1402) билан бўлган жангда уни мағлуб этади. Амир Темур Хитойга юриш қилишга тайёрланаётганда вафот этади. Амир Темур даврида Самарқанд ва умуман Мовароуннаҳр гуллаб яшнади. Самарқандга бутун Мусулмон шарқидан келтирилган олиму мутафаккирлар бу ерда илм-фан ва санъатнинг тараққий этишига буюк ҳисса қўшдилар.

**Атоуллоҳ охунд** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива таржимонларидан. Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. «Тарихи Фаришта»нинг иккинчи дафтарини 1907 йилда таржима қилган.

**Аҳмадшоҳ** – Афғонистон шоҳларидан Дурронийлар сулоласининг асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773)дир. Нодиршоҳ (1736-1747) ўлдирилганидан сўнг афғон ҳарбийлари Аҳмадни шоҳ қилиб кўтардилар. У Дурри Дуррон (Дурлар дури) деган унвон олади ва шундан бошлаб Аҳмадшоҳ асос солган сулола Дурроний сулоласи деб аталади.

**Бобожон Девон Қаранг:** Мулло Бобожон Тарро.

**Бобожон Махдум Қаранг:** Мулло Бобожон Тарро.

**Бобожон охунд Қаранг:** Мулло Бобожон Тарро.

**Болта Ниёз** – Хиванинг машҳур хаттотларидан Болта девон Надимий (Нодим)дир. У Шихлар (Шайхлар) қишлоғида Қурбонниёз харрот оиласида таваллуд топган. Надимий машҳур хаттот ва мусиқашунос хонанда Муҳаммадеқуб харротнинг укасибир. Хаттотлик сирларини акасидан ўрганган. Надимийнинг хушнавислигини кўрган Феруз уни девонга ишга олади ва «котиблиғ вазиғаси билан Ферузнинг фармони билан турлук китобатлар ёзув эрди». У турли адабий-тарихий китоблар ва девонларни гўзал наставкалиқ хати билан кўчирди. Болтаниёз Надимий тахаллуси билан турли услубда шеърлар ҳам ёзди. У 1938 йилда вафот қилган.

**Ҳазанфар ибн Аҳмад ибн Ҳазанфар Чалабий** 7<sup>о</sup>.

**Ҳулум Муҳаммад Лоҳурий** 10<sup>о</sup>.

**Гўримирий** – XVII аср охири XVIII аср бошларида Самарқанднинг Гўримирий маҳалласида яшаган Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқан-

дий Гўримирий ўзининг «Таржимат ал-Мухтасар» асари билан машҳур. Бу Убайдуллоҳ ибн Тоҷ аш-шарифа ал-Бухорий (ваф. 747/1347)нинг «Мухтасар ал-Виқоя» асари бўлиб, уни таржимон Фаҳриддин Маҳмуд ибн Илос ар-Румийнинг 1448 йилда ёзган шарҳи асосида форс тилида таржима қилишга ҳаракат қилган. Гўримирий таржимаси Мовароуннаҳрда жуда машҳур бўлиб кетади. Таржимон асарини Убайдуллоҳхон (1702-1711)га бағишлаётганини ва ўзи эса «ал-Ҳидоя» соҳиби Бурҳониддин Марғилоний (ваф. 593/1197)нинг авлодидан бўлишини фахр билан тилга олган.

**Домла Абдулқодир Девон** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива таржимонларидан. Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. «Солати Масъудий» таржимонларидан бири.

**Домла Абдуллоҳ Риёзатий** – Муҳаммадмурод ўғли Хоразмий XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттот ва олимларидан. Риёзий (математик) илмларга моҳир бўлганидан шу таҳаллус билан шуҳрат қозонган. Бир қанча асарларни маҳорат билан кўчирган. Алишер Навоий (1441-1501) асарларини жуда чиройли китобат қилган.

**Домла Бек Муҳаммад** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. 1893 йилда «Мухтасари Виқоя»нинг шарҳи таржимасини китобат қилган.

**Домла Бобожон Тарро** Қаранг: Мулло Бобожон Тарро.

**Домла Вайс Ниёз** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива таржимонларидан. «Тарихи Комил»нинг мутаржимларидан бўлиб, 1907 йилда унинг XI-жилдини таржима қилган.

**Домла Ибодуллоҳ Махдум охунд** Қаранг: Ибодуллоҳхожа охунд.

**Домла Иброҳимхожа** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. Кўплаб асарларни китобат қилган. Хива тошбосмаси учун ҳам китоблар кўчириб берган.

**Домла Исмоил валади Ивасниёз сўфий** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. «Тарихи Фаршта» ва «Хазинат ал-асфиё» таржималарини кўчиргани маълум.

**Домла Қаландар** Қаранг: Домла Қаландар Хонақоҳий.

**Домла Қаландар Хонақоҳий** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хиванинг маҳоратли хаттотларидан ва таржимонларидан бири. Настаълиқ хатида чиройли ёзган. Асли Хоразмнинг Хонқа туманидан бўлиб, Хивада яшаган. «Шарҳи Мишкот», «Саҳоиф ал-ахбор», «Анвори Суҳайлий», «Равзат ас-сафо» каби асарларни кўчирган.

**Домла Қаландар Хонақоҳли** Қаранг: Домла Қаландар Хонақоҳий.

**Домла Маҳмуд Махдум Хонақоҳий** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива таржимонларидан. Асли Хонқа туманидан бўлиб, Хива

мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. «Сафар ас-саодат» шарҳини таржима қилган.

**Домла Муҳаммадкарим** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. «Равзат ас-сафо» таржимасини китобат қилишда қатнашган. Унинг ўғли Отажон ҳам хаттот бўлган.

**Домла Муҳаммадрасул Мирзабоши** – Муҳаммадрасул Мирзабоши эди. У Мирзо тахаллуси билан ғазаллар битган, девон тартиб қилган шоир ҳамда ажойиб санъаткор ҳам бўлиб, отаси Комил Хоразмий билан Хоразм мақомларини ноталапгириш ишида қатнашган. Хоразм танбур чизигининг вужудга келишида унинг беқиёс хизматлари синган. Муҳаммадрасул Мирзо ёшлиқда илм таҳсилини Хива қозиси Иноятуллоҳ охундан олади ва «хаттотликда ҳам анчаikli хушхатли бўлганидек», у араб ва форс тилларидан баъзи китобларни таржима ҳам қилади. У мадрасада форс тилидан дарс ҳам беради. Бундан ташқари у «табаллуқ (аслида, таълик) ва насх хатларини хийлигина гўзал ёзар эрди. Муҳаммад Раҳимхон ва Исфандиёрларнинг амри билан бир неча китобларни ёзуб чиққондур. Тақрибан беш юз кишига хат таълим бергандур». Муҳаммадрасул Мирзо Хоразмнинг улуг хаттотларидан бўлиб, ўзининг услубий мактабига асос солган эди. У тошбосмада чоп қилинган «Девони Рожий» асарининг буюртмачи ношири бўлиб (1879 й.), уни ўзи қўлда кўчириб берган эди. Шунингдек, у Хива тошбосмасида нашр этилган «Девони Холис» (1880 й.), «Девони Феруз» (1879 й.), «Чаҳор китоб» (1880 й.) каби асарларнинг чоп этилишида масъул муҳаррир этиб тайинланган. Мирзо 1923 йилда 83 ёшида вафот этди ва ўз хусусий мадрасасига дафн қилинди.

**Домла Муҳаммад Раҳим охунд** – Муҳаммад Раҳим Бобо ўғли Хивақий XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хиванинг таржимон ва хаттотларидан. 1891 йилда «Дурарун назим»ни таржима қилиб, китобат қилган. «Шоҳнома», «Вомиқ ва Азро»ларни ҳам кўчирган.

**Домла Муҳаммадризо охунд** Қаранг: Муҳаммадризо охунд.

**Домла Муҳаммадшариф охунд Пирнахастли** – Хиванинг Пирнахост қишлоғидан бўлган Домла Муҳаммадшариф охунд Хива мадрасаларининг бирида мударрис бўлган, хаттотлик билан ҳам шуғулланган. «Маҳфилоро»нинг таржимасини 1905 йилда китобат қилган.

**Домла Муҳаммадшарифхожа ибн Абдурахмонхожа** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Хива хаттоти. «Тарихи Комил»ни китобат қилганлардан бири. Ҳажга зиёратга бориб келган. «Девони Салмон», «Девони Носир Али», «Девони Тавфиқ», «Калимоти аҳли сулук», «Миръот ал-обидин» каби асарларни ҳам китобат қилган.

**Домла Муҳаммадияқуб Орёқли** – Тўрткўлдан бўлган Домла Муҳаммадияқуб XIX аср охири XX аср бошларидаги хаттотлардан бири. «Жовидони хирад»ни 1903 йилда китобат қилган.

**Домла Одам махдум** – Муҳаммад Одам Домла Ортуқ ўгли Хивақий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Хивалик таржимон ва хаттотлардан. Ўнлаб асарларни гўзал настаълиқда маҳорат билан кўчирган.

**Домла Одам махдум ибн Домла Ортуқ Қаранг:** Домла Одам махдум.

**Домла Отажон** – XIX аср охири XX аср бошларида Хиванинг Ичон қальасида яшаган хаттотларидан бири. Шунинг учун Шаҳарли нисбаси билан танилган. Масжидда имомлик ҳам қилган. Йирик ҳажмли «Равзат ас-сафо», «Тарихи Комил», «Шарҳи Мишкот» таржималарини китобат қилишда қатнашган.

**Домла Отажон ибн Мулло Муҳаммадкарим Қаранг:** Домла Отажон.

**Домла Рўзмухаммад** – XIX аср охири XX аср бошларидаги Хива хаттотларидан. «Равзат ас-сафо» таржимасини кўчиришда иштирок қилган. Шунингдек, «Жомий ал-ҳикоят», «Насиҳатномаи Кайковус» таржималарини ҳам китобат қилган.

**Домла Сайид Абдуллоҳхожа** – Ивазхожа ўгли XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган моҳир таржимон ва хаттотлардан бири. «Маҳфилоро» таржимасида қатнашган. Шунингдек, «Иршод ат-толибин» ва «Тавбат ат-толибин»ларни таржима қилган.

**Домла Солиҳ Имом** – Муҳаммадсолиҳ Отаниёз ўгли XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива таржимон ва хаттотларидан саналган. Хива масжидларидан бирида имомлик қилган. «Ақойид» китобини таржима қилган ва ўзи китобат қилган.

**Домла Ҳабибуллоҳ Чаркас**ли – Хиванинг Чаркас қишлоғидан бўлган Домла Ҳабибуллоҳ XIX аср охири XX аср бошларида яшаган. «Тарихи Комил» таржимасида қатнашган. 1878 йилда тиббий қўлғезмани кўчирган.

**Домла Худойберган мулаққаб ба Аштий** – 1880 йилда Худойберган ибн Бекмуҳаммад ал-Аштий «Рашаҳот айн ал-ҳаёт»ни ўзбек тилига таржима қилган. Ўзи моҳир хаттот ҳам бўлган.

**Домла Хожаниёз Шатли** – Хожаниёз Эшбобо ўгли Хоразмий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган моҳир хаттот. Хиванинг Шат қишлоғидан бўлган. Ўнлаб асарларни китобат қилган.

**Домла Юсуф Қаранг:** Домла Юсуф Рожий.

**Домла Юсуф охунд Домла Юсуф Рожий.**

**Домла Юсуф Рожий** – XVIII аср охири XIX аср бошларида Хивада яшаган хаттотлардан бири Муҳаммадйусуф Рожийдир. Рожий «тамоми умрин хаттотлиг қилиб ўтказган» ўз даврининг машҳур шоир, моҳир таржимон ва олим эди. «Рожий шундоғ хушхат, хушнависот бўладики, онинг замонидаги ёзғувчилар мусаллам ангуштларин ҳайрат дандонлари билан тишлаб, Рожийга хат хусусида шогирд бўлмоқликни ўзларига файз биладурлар», деб

ёзади Ҳасанмурод Лаффасий (1898-1942). Рожий Хожамберди исмли кишининг ўғли бўлиб, Хива шаҳрида туғилган. Унинг туғилган ва вафот қилган йиллари номаълум. Аммо уни XIX асрнинг 30-йиллари охирларида туғилган деб ҳисоблайдилар. Унинг девони бизгача етиб келган. У моҳир таржимон сифатида «Равзат ас-сафо»нинг IV-V дафтарларини таржима этади.

**Жалолиддин Румий** – Мавлоно Румий, Мавлавий Румий номлари билан ҳам шуҳрат қозонган улуг донишмандлардан бири, шоир, мутасаввиф (1207-1273). Балх шаҳрида Муҳаммад Баҳоуддин Валад хонадонида туғилган. Отаси билан у Туркияга кўчиб кетади ва ўзини ўша ерлик ҳисоблаб, Румий деган тахаллус олади. Румийнинг мероси жуда катта. «Девони кабир»да қирқ мингдан ортиқ шеър бор. «Маснавий маънавий»си бир неча минг байтдан иборат. Шунингдек, унинг «Мактубот», «Мақолот», «Фиҳи мо фиҳи», «Мажолиси сабъа» каби асарлари ҳам бор.

**Жомий Қаранг:** Мавлоно Жомий.

**Жумъаниёз авлиё охунд Қаранг:** Жумъаниёз девон.

**Жумъаниёз девон** – Жумъаниёз Ҳабибуллоҳ Махдум ўғли Хоразмий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган таржимон ва хаттот. «Тарихи Комил»нинг таржимасида иштирок этган. «Бадойеъ ал-вақойеъ» таржимасини кўчирган. Шунингдек, «Муруж аз-заҳаб» таржимаси, «Девони Шариф» ва «Девони Киромий»ларни китобат қилган.

**Ибн ал-Асир Жазарий** – Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160-1234) машҳур араб муаррихи бўлиб, Ибн ал-Асир лақаби билан танилган. У Тигр дарёси бўйида жойлашган Жазират ал-Умар шаҳрида катта мулк эгаси оиласида туғилган. Умрининг кўп қисмини Мўс ал-(Сурия)да ўтказган ва ўша ерда вафот этган. Ибн ал-Асирнинг бир неча ўта муҳим йирик ҳаммуалли тарихий асарлари бор. «ал-Комил фи-т-тарих» асари 12 жилддан иборат. Мазкур асар Хоразмда ўзбек тилига тўла таржима қилинган. Шунингдек, унинг «Асад ал-ғоба фий маълумот ас-Саҳоба» номли саҳобаларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берувчи асари ҳам бор.

**Ибодуллоҳхожа охунд** – Ибодуллоҳ охунд Қози Иброҳим охунд ўғли (1844-1916) Хокий ва Фоний тахаллуси билан ҳам шеърлар ёзган. Отасининг тарбиясини олиб, Хива мадрасаларидан бирида таҳсил олганидан сўнг қишлоқларда қозилик қилиб юрган. Кейин Хива мадрасаларидан бирига мударрис этиб тайинланган. Хиванинг араб ва форс тилларидан бир қанча китобларни таржима қилган моҳир таржимон ва хаттотларидан саналган. Хокий Мир Убайд Бухорий (ваф. 1601) таълими асосида насх хатини, Мир Али Ҳиравий (1478-1546) услубида настаълиқни жуда чиройли ёзган, тез ва чаққон ёзганидан бир соатда 40-50 сатрни ёзар эди. Хокий бефарзандлигидан банги бўлиб қолган, 1916 (ёки 1914) йилда 72 ёшида вафот этган.

**Иброҳим Одилшоҳ** – Иброҳим Одилшоҳ II (1580-1627) йилларда Ҳиндистонда Бижапур султонлигининг одилшоҳийлар сулоласи вакили. Унинг даврида Бижапур Ҳиндистондаги энг бой шаҳарлардан бирига айланади, ҳар хил иморатлар қурилади. Ҳиндистонни Фарб билан боғлайдиган порт ривожланади.

**Иброҳим Ҳамадоний** – Иброҳим ибн Ҳусайн Заҳириддин Ҳамадоний (ваф. 1026/1616) адиб, файласуф. Шоҳ Аббос I (1587-1629) даврида яшаб ижод қилган. Абу Али ибн Синонинг «Шифо»сига ҳошия ёзган.

**Иноят Девон Қаранг**: Иноятуллоҳ Девон.

**Иноятуллоҳ Девон** – Иноятуллоҳ Девон Хивада ватан тутиб қолган Қўнғирот қозоқларидан бўлган. Муҳаммадмурод Девонбегининг ҳомийлигида саройда девонлик вазифасида хизмат қилган. Ўз даврининг шахмат устаси саналган. Лаффасий (1898-1942) айтишига қараганда, Тошкент ва Москвага бориб ҳам шахмат мусобақаларида қатнашган. Шунингдек, у моҳир хаттот ҳам бўлган. Иноят ва Иноятий тахаллуси билан шеърлар ёзиб, девон тузган. 1912 йили қирқ беш кун қамчиланади ва ўн беш ойлик зиндон азобларидан сўнг вафот этган.

**Каримберган** – XIX аср охири ва XX асрда яшаган Хиванинг Сангар қишлоғидан бўлган хаттотлар сулоласидан. Машҳур хаттот Худойберган Муҳркан (1822-1920)нинг ўғли. У моҳир хаттот ва ганч устаси бўлиб, Хива шоирларининг девонларини кўчирган.

**Киромий** – Сайид Музаффархожа Киромий (XVIII аср охири-XIX аср боши) Хоразмнинг егук шоирларидан, сўфий ҳам бўлган. У Мунис Хоразмий (1778-1829)га устозлик қилган. «Фирдавс ал-иқбол»да номи зикр этилган. Унинг ғазаллари Хоразмда яратилган баёзларда учрайди. (Қаранг: ЎРШИ-1, №№ 6993, 7011, 1188/II, 1189, 1103, 6640, 1155, 1156). Унинг йирик асари ҳам бўлиб, Фаридиддин Аттор (1145-1221)нинг «Тазкират ал-авлиё» асарини назм билан қайта ишлайди. Унга Хоразмлик авлиёларнинг таржимаи ҳолларини ҳам қўшган. Асар «Риёз ал-восилин» деб аталади. Яна Киромий Имом Ғаззолий (ваф. 505/1111)нинг «Минҳож ал-обидий» асарини «Мишкоти тойибон» номи билан таржима қилган. (Қаранг: ЎРШИ-1, № 7146/V).

**Мавлавий Ғаний Ҳиндустоний** – Асли Эроннинг Қум шаҳридан бўлган хаттот, шоир ҳам бўлган. 1150/1738 йилда «Девони Хоқоний»ни китобат қилган. Мазкур қўлёзма нуска Хива саройи кутубхонасига олинган.

**Мавлавий Жомий** Қаранг: Мавлоно Жомий.

**Мавлоно Атоуллоҳ** 10<sup>а</sup>.

**Мавлоно Жомий** – Шоир, мутасаввиф Абдураҳмон Жомий (1414-1492) Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида туғилган. Ҳиротда «Низомия» мадра-

сасида ўқигандан сўнг, Самарқандда Улуғбек мадрасасида Қозизода Румий (тахминан 1364-1436), Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий (XIV аср) кабилардан дарс олган. Ҳиротга қайтиб келиб, Саъдуддин Кошғарий (ваф. 1456)га қўл бериб, нақшбандия тариқатига киради. Шунинг учун Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) билан ҳам яқин муносабатда бўлади. Ҳусайн Байқаро (1469-1506) тахтга чиққандан сўнг Жомийнинг ҳурмат ва эътибори яна ҳам ортиб кетган. У 1472 йилда ҳажга ҳам борган. 1477 йилда Алишер Навоий (1441-1501) Жомийни ўзига пир деб, шогирдликка тушади. Жомий «Нафаҳот ал-унс», «Лужжат ал-асрор», «Рисолаи мусиқий», Рисолаи муаммо», «Ҳафт авранг» каби қирққа яқин асарлар муаллифидир.

**Мавлоно Муин** – Мавлоно Муиниддин Муҳаммад Фароҳий Ҳиравий (ваф. 907/1502) Султон Ҳусайн Байқаро (1470-1506) даврининг таниқли олими, воиздир. 1470 йилда Ҳирот шаҳрининг тарихига оид «Равзот ал-жаннот фий таърихи мадинати Ҳирот» номли асар ёзган. Мавлоно Муин ўзининг «Маориж ан-нубувва» асари билан танилган. Шунингдек, «Тарихи мусавий», «Равзат ал-воизин» каби асарлари бор.

**Мавлоно Ҳусайн Воиз ал-Кошифий** – У (1445-1505) Сабзаворлик бўлиб, Жомий, Навоий, Ҳусайн Байқаро олдида эътибор топган олим, нотикдир. Ҳиротда ўзининг ажойиб ваъз-мавъизалари билан шуҳрат қозонган. 40 га яқин асар ёзиб қолдирган. Машҳур асарлари «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Суҳайлий», Равзат аш-шуҳадо», «Футувватномаи Султоний», «Тафсири Ҳусайний»дир. Кимё, астрология фанларига оид асарлари ҳам бор.

**Мавлоно Ҳусайн Кошифий Қаранг:** Мавлоно Ҳусайн Воиз ал-Кошифий

**Маҳмуд охунд** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган Хива хаттотларидан. «Мажмуаи шуарои Ферузшоҳий»ни 1910 йилда кўчирган.

**Мир Али Ҳиравий** – машҳур хаттот ва шоирлардан бири. У 1478-1546 йиллар яшаган. Ҳиротда туғилиб, Машҳадда ўсган. Абдурахмон Жомий (1414-1492) тарбиясини олган. 1519 йилдан Бухорога келиб, Фатҳобод маҳалласида яшай бошлаган. Баъзилар 1538 йилда Убайдуллоҳхон (1538-1543) уни Бухорога зўрлаб олиб келган, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун Фатҳободий тахаллусини ҳам олган. Унинг «Мийдод ал-хутут» рисоласи ҳам бор. У настаълиқ хатини мукаммаллаштирган. Хатларида «Фақир Мир Али» ёки «Котиб Султоний» деб имзо қўйган.

**Мир Садриддин Бухорий** – Бухорода XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган маҳоратли хаттотлардан бири.

**Мир Сайид Музаффар Бухорий** – XIX асрда Бухорода яшаган хаттотлардан бири. 1844 йилда у кўчирган «Девони Ошиқ»ни Хива саройи кутубхонаси олган эди.

**Мир Сафийуллоҳ Бухорий** – XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган Бухоролик хаттотлардан бири. Унинг китобат қилган девонлар тўплами Хива сарой кутубхонасига олинган.

**Мирзо Масиҳо** – Хива хони Аллоҳқулихон (1825-1842) даврининг кўзга кўринган шоирларидан бири Мирзо Масиҳо эди. У асли Бухородан бўлган. Ўша давр Хоразм тарихини ёритувчи «Фирдавс ал-иқбол» ва «Риёз ад-давла» асарларида Мирзо Масиҳонинг 1248/1827 йил 22 сентябрда Аллоҳқулихон Хуросон юришидан қайтиб келиши ҳамда ўша йили Тошқовли саройининг битказилиши муносабати билан икки таърих айтганлиги ёзиб қолдирилган. Демак, Мирзо Масиҳо Аллоҳқулихон саройининг эътиборли ва маҳоратли шоирларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам Аллоҳқулихон унга «Сийари шариф» асарини таржима қилишни топширган ва у буни чиройли тарзда уддалаган.

**Мулло Абдол Қаранг:** Абдолниёз охунд.

**Мулло Абдурраззоқ Бухорий** – XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган Бухоролик хаттотлардан бири. Унинг 1292/1875 йилда китобат қилган «Девони Имло»сини Хива сарой кутубхонасига олинган.

**Мулло Бобожон мутахаллис ба Санойий** – XIX аср Хивада яшаб ижод қилиб ўтган (Комил Хоразмий тенгдоши) шоир, адиб, таржимон, хаттот. Бобожон Санойий Хиванинг Боқча масжиди имоми бўлган. У «Ҳафт кишвар», «Меҳр ва Моҳ», «Раъно ва Зебо», «Бадоёеъ ас-санойеъ» каби тўртта бадий таржима асаридан ташқари «Канз ал-маориф» ва «Ҳадиқаи аз-ҳор» номли илмий-фалсафий асар ёзган.

**Мулло Бобожон Тарро** – Бобожон Тарроҳ Ходим Абдулазиз ўғли (1880-1952) бўлиб, ёшлиқдан мадраса таълимини олган эди. Хат машқини тоғаси машҳур хаттот Муҳаммадшариф тарроҳ девондан ўрганади. Илмни Хиванинг машҳур охундларидан бири Юсуф ҳожи охун Дойидан ўрганади. Бобожон Тарроҳ Ходимий тахаллусида девон ҳам тартиб қилган. Тоғаси Муҳаммадшариф Тарроҳ калтакланиб ўлдирилгандан сўнг у саройга таклиф этилади. 15 дан зиёд асарларни китобат қилган. Тарроҳни халқ орасида тарро деб юритилган, бу кўрпа ва чойшаб тайёрловчи усталарга нисбатан айтилган.

**Мулло Болта Ниёз Қаранг:** Болта Ниёз.

**Мулло Дўст Муҳаммад** – XIX аср биринчи ярмида яшаб ўтган Дўстмуҳаммад Эшмуҳаммад ўғли Хоразмий моҳир хаттот сифатида Алишер Навоий (1441-1501)нинг «Ҳазойин ал-маоний» ва «Хамса» асарларини кўчирганлиги маълум.

**Мулло Исмоил Муҳркан** – XIX аср иккинчи ярмида яшаган хаттот. Комил Девоний (1885-1938)нинг отаси. Муסיқага оид Хоразм Танбур чизғи нусхаларини кўчиришда ҳам ёрдам берган.

**Мулло Муҳаммад Носир** 3<sup>6</sup>, Хожандда 1255/1840 йилда «Девони Имло»ни кўчирган.

**Мулло Муҳаммадшариф котиб Бухорий** – Асли Ҳиждивонлик хаттотлардан бири. XIX асрда яшаган.

**Мулло Муҳаммадйосуф** – Чокар тахаллусли Муҳаммадйосуф (1881-1952) Хоразмлик шоир, мусиқашунос ва хаттот. Девон тузган, бир қанча асарларни китобат қилган. Хиванинг энг моҳир тўртта хаттотидан бири Муҳаммад Ёқуб Харротнинг ўгли. Яна қаранг: Муҳаммадйосуф ибн Муҳаммадйқуб.

**Мулло Фаттоҳий** – Нишопурлик бўлмиш Мавлоно Яҳё Себак Фаттоҳий (ваф. 853/1449) машҳур адиблардан. Алишер Навоий (1441-1501) ҳам «Мажолисун нафоис»да тилга олган. Унинг «Шабистони хаёл» асари машҳурдир. Шунингдек, «Даҳнома» деган асар ҳам ёзган. У гоҳида Асрорий, Туффоҳий, Хуморий деб ҳам тахаллус қўллаган. Фаттоҳий билан шуҳрат қозонган.

**Мулло Холмурод Гурлонли** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Хоразмлик моҳир хаттотлардан бири. Гурлан туманидан бўлган. Унинг «Маҳфилоро» таржимасини, «Рисолаи жавоҳир», «Девони Имло»ларни кўчирганлиги маълум.

**Мулло Шоҳмурод ибн Надрмуҳаммад Хивақий** – XVIII аср охири XIX аср бошларида яшаган Хива хаттотларидан бири. 1803 йилда «Девони Шавкат»ни кўчирган.

**Мулло Эрмуҳаммад** – XIX асрда яшаган хаттот. 1864 йилда «Девони Салмон»ни кўчирган.

**Мулло Эшжон Қўнғиротли** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаган хаттот. Қўнғирот туманидан бўлган, Хивада яшаган. «Ҳисн ал-ҳасин»нинг таржимасини кўчирган. Шунингдек, «Девони Ҳилолий», «Девони Махфий»ларни китобат қилган.

**Мулло Эшниёз** – XIX аср охири XX аср бошларида яшаган Хивалик хаттот.

**Мулло Юсуф Дурговикли** – Хонқа туманининг ҳозирги Дурводик қишлоғидан бўлган. Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) амри билан «Ҳисн ал-ҳасин»ни китобат қилган.

**Мулло Юсуф Қаромонли** – 1850 йилда «Хамса»ни кўчирган моҳир хаттот. XIX асрда яшаган. Урганчнинг Қаромон (Қаҳрамон) қишлоғидан бўлган.

**Мунис мироб** – Хиванинг Қиёт қишлоғидан бўлган Шермуҳаммад Мунис Амир Ивазбий ўгли (1778-1829) саройда мироб вазифасида ишлагани учун шу лақаб билан ҳам танилган. Шоир, хаттот, таржимон, тарихчи олим. Шоир сифатида 1804 йилда «Мунис ал-ушшоқ» номида девон тузди, хаттот сифатида «Саводи таълим» асарини ёзди, муаррих сифатида

«Фирдавс ал-иқбол»ни ёзди, таржимон сифатида «Равзат ас-сафо» каби асарни таржима қилди.

**Мустафохон** – Мустафо II (1695-1703) Усмонли султонлардан бўлиб, унинг даврида Шарқий Европа билан Усмонийлар Туркияси ораси ёмонлашган эди. 1697 йилда Венгрияга қилинган ҳужум муваффақиятсизликка учрайди. 1699 йилда эса Австрия, Венгрия, Словакиянинг кўпгина қисми Усмонийлар қўлидан кетади.

**Муҳаммад** – Ҳожи Муҳаммад (тахминан 1573-1663) Ҳиротнинг машҳур хаттотларидан, настаълиқ хатини жуда гўзал ёзган. Унинг 1069/1658 йилда «Девони Авҳадий»ни кўчирган қўлёзмаси Хива сарой кутубхонасида сақланган.

**Муҳаммадамин ал-Балхий** – Ўнинчи ҳижрий асрда (XVI аср) яшаган форсийгўй шоир, Балхга яқин Абҳар қасабасидан бўлган. Истанбулга кетиб яшаган. Илми каломга оид форсий, манзумаси бор.

**Муҳаммадамин Махдум охунд** – XIX аср охири XX аср бошларидаги Хива муфтийларидан бири, араб тилидан моҳир таржимон. «Нур ал-абсор», «Ажойиб ал-осор», «Тибби агрози тиббия» асарларини таржима қилган.

**Муҳаммадаминхон** – Хива хонлигининг Қўнғирот сулоласи вакили Муҳаммадаминхон (1845-1855)дир. Огаҳий (1809-1874)нинг Муҳаммадаминхон даври воқеаларига бағишланган асари «Жомиъ ал-воқеоти султоний»дир. Мазкур асарда асосан Хива хони Муҳаммадаминхоннинг Марв (ва Сарахс) устига қилинган юришлари тасвирига дуч келамиз. Муҳаммадаминхон буйруғига мувофиқ Марв устига биринчи юриш 1262 (1845-1846) йили унинг бошчилигида рўй беради. Марвда яшаётган туркманлар устига Хива аскарлари юриш қилдилар. Умуман, Муҳаммадаминхон Марв устига етти марта юриш қилган. 1855 йили туркманлар билан бўлган охирги жангларнинг бирида Муҳаммадаминхон ўзининг бир қанча аъёнлари билан ҳалок бўлади. Унинг даврида маданият ва санъат ривожланади. Мадрасалар жонланади. Сарой кутубхонаси ҳам китоблар билан бойитилади.

**Муҳаммад Жамил ибн Абу Туроб ал-Бадахший** – У XVI аср охири XVII аср биринчи ярмида Кашмирда яшаган адиб бўлиб, асли Бадахшондан бўлган. Абдулазизхон (1645-1680) даврида Бухорога келган. Унинг девони ва 1607 йилда ёзиб тугатган назмий «Мунтахаб ал-ақоид» номли асари маълум.

**Муҳаммад ибн Зайд Тусий** 13<sup>е</sup>.

**Муҳаммад ибн Имод** – Муҳаммад ибн Имод ибн Иваз ал-муаллим XV асрнинг моҳир хаттотларидан бири. Унинг 859/1455 йилда настаълиқда чиройли китобат қилган Муҳаммад ибн Ибодуллоҳ ал-Котибий (ваф. 1439)нинг куллиёти қўлёзмаси Хива сарой кутубхонасида сақланган.

(Қаранг: ЎРШИ-1, №806). Ибн Имод (1552-1615) номи билан шуҳрат қозонган яна бир хаттот билан адаштирмаслик керак.

**Муҳаммад ибн Шиҳнаи Ҳанафий** – Ҳалаблик бу зот Ҳанафий мазҳабининг таниқли олимларидан бўлиб, тўлиқ номи Муҳиббиддин Абул-Валид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шейна ал-Ҳанафий ал-Ҳалабийдир. 749-817/1349-1414 йилларда яшаган. Тарихга оид асари, Пайғамбарлар тарихига бағишланган асари ва девони мавжуд.

**Муҳаммад Комил Девон** – Муҳаммад Комил Девоний (1885-1938) машҳур хаттот Исмоил девоннинг ўғли бўлиб, амакиси Худойберган Муҳркан (1822-1920) қўлида тарбия топган. Кейинчалик у Юсуф ҳожи Доийдан ҳам таълим олади. У хушхат ва хушхон бўлганлиги боис 15 ёшларида саройга ишга таклиф қилинади. Комил Девоний Худойберган Муҳрқандан танбур, дугор, ғижжак чертишни ҳам ўрганади. У Хоразм дугор мақомларини Хоразм танбур чизифига ўгириб, мукамал тарзда кўчириб чиққан буюк санъаткор ҳамдир. Бундан ташқари у амакиси Худойберган Муҳрканга ўхшаб пичоқ, қилич ясовчи, тошларга нақш ва ёзувлар ёза оладиган моҳир сангтарош ҳам эди. Унинг замондоши Бобожон Тарроҳ у ҳақда бундай ёзади: «У беш илмга эга эди. Аввало, агар асбоб бўлса, бешотар милтиқ тузатар, иккинчидан олти ярим соз чертмоқни билар, лекин айтмоқни билмас эди. Учинчидан, яхши хушхат котиб эди. Тўртинчидан, яхши шоир эди. Иккинчи Навоий дейиш мумкин эди. Бешинчидан, яхши ислимкор наққош эди». У 1938 йилда вафот қилган. Девоний хаттотликдан ташқари музаҳҳиб (зарҳал билан нақш ишловчи) – олтин ва нуқралар билан китобларга лавҳа ишловчи, муҳрканлик ва заргарлик ишларида ҳам ихтисосли эди.

**Муҳаммад Комил Қаранг:** Муҳаммад Комил Девон.

**Муҳаммад Қосим мулаққаб ба Фаришта Ҳиндустоний** 11<sup>а</sup>.

**Муҳаммадрафий охунд ибн Нуруллоҳ Махдум** – XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган кучли таржимон ва хаттотлардан. «Ажойиб ал-асор» ва «Тарихи комил», «Тазкираи Давлатшоҳий», «Муҳит ат-таворих», «Муруж аз-заҳаб» таржималарида қатнашган. «Нодир ал-меърож»-ни китобат қилган.

**Муҳаммадризо Мироб мутахаллис ба Огаҳий Қаранг:** Огаҳий мироб.

**Муҳаммадризо охунд** – Муҳаммадкарим Девон ўғли Хоразмий Хиванинг энг моҳир хаттотларидан бири. XIX аср охири XX аср бошларида яшаган. Ўнлаб қўлёзмаларни кўчиргани маълум. Унинг ўғли Аллоҳберган ҳам хаттот бўлган.

**Муҳаммад Салоҳ** 19<sup>б</sup>.

**Муҳаммадфозил** – Фозилжон Бухорий номдор котиблардан бири. Хушхат хаттот бўлиб, Амир Ҳайдар (1800–1826) ва Амир Баҳодирхон (1826

йил) даврида шуҳрат қозонган. 150 га яқин қўлёзмаларни кўчирганлиги маълум.

**Муҳаммад Ховандшоҳ Ҳиротий** – Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд ал-Балхий Мирхонд (1433-1498) Темурийлар даврининг кўзга кўринган тарихчиларидан биридир. Ота-боболари асли Бухородан бўлган, ўзи Балхда туғилган. Умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказгани учун Ҳиротий ҳам дейилади. Алишер Навоий (1441-1501)нинг ҳомийлигида «Ихлосия» хонақоҳида яшаган. Унинг таклифи билан бир қанча тарихий асарлар битган. Шулардан энг машҳури «Равзат ас-сафо»дир.

**Муҳаммадшариф Девон Тарро** – Хива саройининг энг машҳур ва энг тезкор хаттотларидан бири бўлиб, Аллоҳберган Тарронинг ўғлидир. Хон саройида бир неча Муҳаммадшариф номли хаттот фаолият олиб борган. Муҳаммадшариф Тарроҳ саройининг энг моҳир хаттотларидан саналар эди. Унинг адабиётга тегишли кўчирган асарларини кўздан кечирар эканмиз, Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида қарийб ҳар ойда биттадан китоб кўчирганининг гувоҳи бўламиз. Муҳаммадшариф Девон Тарроҳ 1901 йилда калтаклаб ўлдирилади. Тарроҳ деб пахта титиб, ип тайёрловчи ҳамда кўрпача тикувчиларга нисбатан айtilган.

**Муҳаммадшариф охунд** – XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган моҳир таржимон ва хаттотлардан бири. Хиванинг Ичон қалъасидан бўлгани учун «Шаҳарли» нисбасини олган. Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган, Хиванинг етти муфтийсидан бири. Лақаби Чағалай бўлган.

**Муҳаммадшариф ҳожи.** Қаранг: Муҳаммадшарифхожа ибн Абдурахмон хожа.

**Муҳаммадйосуф ибн Муҳаммадьяқуб** – Чокар тахаллусли Муҳаммадйосуф (1881–1952) Хоразмлик шоир, мусиқашунос ва хаттот бўлиб, девони ҳам бор. Чокар 1881 йилда Хива шаҳрига яқин Шомахулум қишлоғида туғилган. У машҳур хаттот ва созанда Муҳаммадқуб Харротнинг ўғли бўлиб, ҳусни хатни отасидан ўрганади. Чокар ўз таржимаи ҳолида аввал қишлоғидаги Мулло Рўзмат мактабида ўқиганлигини, кейинчалик эса Муҳаммадрасул Мирзо қўлида таълим олганлигини ёзади. Чокар олти ярим мақомнинг айтим-чертим йўлларини тўлиқ билган. У Хиванинг ўша даврдаги моҳир созандалари Қаландар Дўнмасдан ғижжакни, Мулло Машарип Қанбардан дуторни, Қурбон созчидан гармонни ўрганади. Кейинчалик Хивада, Самарқандда ва Тошкентда мусиқадан дарс ҳам берган.

**Муҳаммадйосуфбек (Баёний)** – Бобожонбек ўғли Баёний (1840-1923) тарихчи олим, шоир, таржимон. «Шажараи Хоразмшодий», «Хоразм тарихи» каби тарихий асарлар ва бир неча таржималар муаллифи. Девони

ҳам бор. У ўз даврининг етук олими Яхшимуродбек (XIX аср)дан таълим олади. Араб ҳамда форс тилларини мукаммал эгаллайди. Шу тиллардан Феруз фармони билан таржималар қилади. Кейинчалик тошбосмада «Девони ҳафт шуаро» асарига ноширлик ҳам қилади. У араб ҳамда форс тилларидан ташқари рус ва ҳинд тилларини ҳам биларди. Баёний Хиванинг бетакрор хаттотларидан бири ҳисобланган. Муסיқа соҳасида ҳам ижод қилиб, Хоразм Танбур чизигини чиройли китобат қилган.

**Муҳаммадйосуфбек ибн Бобобек** Қаранг: Муҳаммадйосуфбек.

**Муҳаммадьяқуб Девон** – Муҳаммадьяқуб Харрот (1867-1939) Хива саройининг энг моҳир хаттотларидан ва сарой созандаларидан биридир. Саройда девонлик вазифасида ишлаган. Муסיқашуносликда ҳам Хоразм Танбур чизигини китобат қилиш ишида қатнашган. Кейинчалик Хива муסיқа мактабида дарс ҳам берган, Урганч театрида ишлаган. Харрот ёғоч йўнувчи касби билан шуғулланганларга нисбатан айтилган.

**Муҳаммадьяқуб Девон мулаққаб ба Харрот** Қаранг: Муҳаммадьяқуб Девон.

**Муҳаммадьяқуб охунд** – Хоразмнинг Бешариқ тумани (қишлоғи)дан чиққан маҳоратли таржимонлардан. Хива мадрасларидан бирини битказган ва шундай мадрасалардан бирида мударрис бўлган. Тоҳир Эшон (XVIII аср ўртаси)нинг «Тазкират ал-авлиё»сини таржима қилгани билан танилган.

**Навоий** – Низомиддин Мир Алишер ибн Ғиёсиддин Муҳаммад Навоий (1441-1501) тоғаларида илк сабоқларни олади, кейин Сабзавор, Машҳадда яшайди. Сўнг Самарқандда ўқийди. 1469 йилда Ҳиротга қайтади. Хусайн Байқаро (1469-1506) саройининг кўрки бўлиб, вазирлик ҳам қилди. Кейинчалик Астарободда ҳам ҳокимлик қилган. Ўша даврларда Навоий ўз ҳисобидан мадраса, хонақоҳ, шифохона ва қорихона, кутубхоналар қурдирди. Ҳирот илмий доирасига, фан ва маданиятга бевосита ҳомийлик қилган. Унинг ижоди ҳам жуда баракалидир. 50 минг мисрадан ортиқроқ «Хамса» асари, шунингдек, «Хамсат ал-мутаҳаййирин», «Мажолисун нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Мезон ул-авзон» ва тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний» каби асарлари билан ўзбек-туркий адабиётга мислсиз ҳисса қўшган. Унинг ижодиёти ҳам Хоразм адиб ва шоирлари учун беҳад қадрли эди.

**Нишотий** – Муҳаммадниёз Нишотий XVIII аср бошларида яшаб ўтган Хоразмлик шоир. Асли келиб-чиқиши Бухородан бўлган. Унинг «Ҳусну Дил» достони, «Қушлар мунозараси» номли асари бор.

**Нозим** Қаранг: Нозим Ҳиравий.

**Нозим Ҳиравий** – 1601-1671 йилларда Ҳиротда яшаган шоир. Кейин Шоҳ Аббос II (1642-1666) саройида хизмат қилган. Унинг «Юсуф ва Зулхайхо» достони шуҳрат қозонган.

**Огаҳий мироб** – Муҳаммадризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий (1809-1874) Хиванинг Қиёт қишлоғидан. Саройда мироб вазифасида ишлагани учун шу лақаб билан ҳам айтилади. Унинг илмий мероси жуда бой. «Фирдавс ал-иқбол»ни охирига етказди, шунингдек, алоҳида «Риёз ад-давла», «Жомеъ ал-воқеоти султоний», «Зубдат ат-таворих», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» каби тарихий асарларни ёзди, йигирмага яқин асарларни таржима қилган. 1872 йилда «Таъвиз ал-ошиқин» номли девон тузган.

**Огаҳий Муҳаммадризо мироб Қаранг:** Огаҳий мироб.

**Отажон охунд Шаҳарли** – XIX аср охири XX бошларида Хивада яшаган хаттот. Асли Ичон қалъалик бўлгани учун Шаҳарли нисбасини олган. «Равзат ас-сафо» таржималарини китобат қилишда қатнашган.

**Отаниёз охунд** – Отаниёз охунд Бобониёз охунд ўгли Ниёзий (1858-1928) қорамтир бўлгани учун Отаниёз қора лақаби билан танилган эди. У Шовот туманининг Қиёли қишлоғидан бўлган. Бошланғич мактаб таълимини ўз қишлоғида олиб, олий таълимни Хива мадрасаларидан бирида олади. Хушхат хаттот, хушовоз хонанда бўлиб танилади. Абдуллоҳхон мадрасасида мударрис ҳам бўлган. Ўша давр анъанасига кўра девон тартиб қилади, араб тилидан бир неча китобларни таржима қилади. «Тарихи Комил»нинг таржимасида қатнашади.

**Рафий охунд Қаранг:** Муҳаммадрафий охунд ибн Нуруллоҳ Махдум.

**Раҳмонқули қори охунд** – XIX аср охири XX бошларида Хивада яшаган моҳир таржимон ва хаттот. Хива мадрасаларидан бирида мударрис ҳам бўлган. У кўплаб китобларни араб тилидан таржима қилишда қатнашган.

**Рифқат Кашмирий** – Кашмирлик шоир Рифқат Кашмирий (XVIII аср) 1138/1726 йилда одам аъзолари таърифига бағишланган баёз тузгани маълум.

**Сайид Абдуллоҳ Қаранг:** Сайид Абдуллоҳхожа.

**Сайид Абдуллоҳхожа** – XIX аср охири XX бошларида Хивада яшаган хаттот. «Тарихи Комил», «Саҳойифи ахбор», «Анис ал-воизин» таржималарини китобат қилишда қатнашган.

**Сайид Азизуллоҳ котиб** – XVIII асрда яшаган хаттотлардан бири. Унинг китобат қилган «Девони Шамс» қўлёзмаси Хива сарой кутубхонасида сақланган.

**Сайид Ибодуллоҳхожа Қаранг:** Ибодуллоҳхожа охунд.

**Сайид Муҳаммад Баҳодирхон** – Хива хонлигининг Қўнғирот сулоласи вакили Сайид Муҳаммад 1856-1864 йилларда хонлик қилади. Унинг даври қорақолпоқлар билан жангу жадаллар билан ўтади. 1958 йилда қорақолпоқлар қўзғалон кўтаради. 1860 йилда уларнинг раҳбарлари Муҳаммад Паноҳ ўлдирилади. Кейин явмут туркманларини салтанатга бўйсинтириш учун юриш қилади. Унинг даврида Огаҳий, Муҳаммадйосиф Ро-

жий, Худойберган Муҳркан каби шоир ва хаттотлар сарой ва мамлакатда маданий ҳаётни жонлантириб турдилар.

**Сайид Ниёз ҳожи** – Сайид Ниёз Муҳаммадқуб ўғли XIX аср охири XX бошларида Хивада яшаган моҳир хаттотлардан бири. «Тарихи Комил», «Кимёи саодат», «Тарихи Фаришта» асарларининг таржималарини кўчиришда иштирок этган.

**Саъдий (Шерозий)** – Мушаррафиддин ибн Муслиҳиддин Абдуллоҳ Шайх Саъдий Шерозий (1189-1292) форс адабиётининг энг машҳур намо-яндаси, улуғ адибдир. У Бағдодда таҳсил олган, сўнг узоқ йиллик сафарга чиққан. У тўртта девон тузган. Уни машҳур қилган асарлари шубҳасиз – «Гулистон» ва «Бўстон» асарларидир. Саъдий асарлари Хоразмда ҳам қайта-қайта китобат қилинди, ўзбек тилига таржима этилди.

**Саъдий Хоразмий** – Саъдулла тўра Сайид Абдуллоҳхон (1918-1920)нинг ўғли бўлиб, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг неварасидир. Мадраса таълимини Баёнидан олади. Сибирга сургун қилинган тўралар қаторида у ҳам бор эди, лекин бир неча йилдан сўнг қайтиб келган. 1937 йилда хор-ликда ўлиб кетади. Унинг девони ва «Муфарриҳ ал-қулуб» асари бор.

**Субҳонқулихон** – Бухорода Жонийлар сулоласининг вакиллари-дан бири Субҳонқулихон Надр Муҳаммадхон ўғли (1680-1702). У акаси Абдулазиз (1645-1680)дан сўнг хон бўлган. Унинг даврида Хоразм билан алоқалар совуқлашган.

**Сулаймонхожа Хўқандий** – XVIII аср охири – XIX аср бошларида яша-ган Қўқонлик хаттотлардан бири. У китобат қилган битта қўлёзма Хива сарой кутубхонасида сақланган.

**Султон Аврангзеб Муҳиддин подшоҳ** – Ҳиндистонда Бобурийлар суло-ласининг кўзга кўринган вакиллари-дан бири Аврангзеб Оламгир (1658-1707). Унинг даврида сарой ва давлатдаги ахлоқ бобидаги энгилтаклик-ларга чек қўйилади. Диний расм-русумларни бажармайдиганлар таъқиб-га учрайди. Мамлакатдаги ҳиндилар, шиа мазҳабидагилар қаршиликка учрайди. Унинг бевосита раҳнамолигида Ҳанафий мазҳабига оид йирик ҳажмли «Фатовойи Оламгириййа» асари таълиф этилган.

**Султон Ҳусайн Мирзо** – Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Байқаро (1469-1506). У Темурийлар ичида сўнги йирик сиймо. Унинг даври Тему-рийлар сулоласининг энг гуллаган, ўз равнағининг охирларини кечирган эди. Ҳусайн Байқаро ҳам нозик таъбли шоир бўлган. Унинг саройида Али-шер Навоий (1414-1501) ҳомийлигида илм-фан ва санъат гуллаб-яшнаган.

**Табибий** – Аҳмаджон Табибий (1869-1911) Хоразмлик шоир, хаттот, таржимон, тазкиранавис. Унинг бешта форсий ва туркий девони, иккита тазкираси ва бир неча таржима асарлари бор. Аҳмаджон асли афғон Али

маҳрамнинг ўгли бўлиб, 1869 йил туғилган, форс тилини отасидан ўрганган. Ёшлигидан машҳур олим Яхшимуродбек (XIX аср) қўлида таълим олган. Табибий хоннинг хос котибларидан бири бўлган, айни кезде хон саройининг билимли табиби ҳам эди. Шу боис у сарой шоирларининг етакчиси, тошбосма ва хон кутубхонасининг бошлиғи ҳам бўлиб турган.

**Турқхон 15<sup>а</sup>.**

**Умархожа** – Иброҳимхожа ўгли Умархожа ҳам Хивада XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган хаттотлардан бири. Хива шоирларининг девонларини кўчирганлиги маълум.

**Файзуллоҳ Бухорий** – Асли Бухоролик, лекин Самарқандда XVIII асрда яшаган хаттотлардан бири.

**Фирдавсий** – Абулқосим Фирдавсий (941-1025) Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида туғилган. Унинг отаси Тус ҳокимининг «Фирдав» деган боғида боғбонлик қилар эди, ўзи ҳам шу ерда боғбонлик қилган шоир тахаллусни ана шундан олади ва вафотидан сўнг ўша боғга дафн қилинган. Фирдавсийнинг шоҳ асари «Шоҳнома»дир. Уни 30 йиллар чамасида ёзиб тугатган. «Шоҳнома» ўзининг ҳажми, мавзуси, образлари, ғоявий мотивлари ва бадиий қиммати жиҳатидан дунёдаги энг катта эпик асардир.

**Ҳабибуллоҳ охунд Муфтий** – Абдуссалом ўгли Хивада XIX аср охири XX аср бошларида яшаган хаттотлардан бири. Хива мадрасаларидан бирида мударрис ва 7 муфтийнинг бири бўлган. Кўп қўлёзма китобларни маҳорат билан кўчирган.

**Хавосхони Маданий 16<sup>а</sup>.**

**Ҳазрати Баҳоуддин** – Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) йирик тасаввуфий тариқат намояндаси. Бухорода туғилиб ўсган, шу ерда вафот этган. Нақшбандия тариқатининг асосчиси, «Дил ба ёру даст ба қор!» деган ғояни илгари сурган. У ҳақда тазкираларда ва бир қанча маноқибий асарларда хабарлар берилган.

**Ҳотифий** – Мавлоно Абдуллоҳ Ҳотифий (ваф. 927/1521) Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг синглисининг ўгли. У Амир Темуր воқеаларини назм билан «Зафарнома» номли манзума ёзган. Унинг «Хусрав ва Ширин» достони ҳам бор.

**Худойберган Девон Муҳркан** – Хоразмнинг етук хаттотларидан бири. Худойберган Муҳркан (1822-1920) эди. У ажойиб муҳрлар, тангалар зарб этувчи, тош ва ёғоч ўймакорлигининг моҳир устаси бўлиш билан бирга қўли гул хушхат хаттот бўлган. Худойберган муҳркан қўлёзмалар хотимасида ўзининг касбу ҳунарларини мана бундай санайди: «Ал-фақир у ҳақир, хоксори зарравор бал-ғубори осор муҳркан, тўпрез, соатсоз Худойберган девон ибн устод Муҳаммад Паноҳ Хоразмий» (Қаранг: ЎРШИ-1,

№1135). У бошланғич мактабни битиргандан кейин, отаси уни Хивада Эрмон халифа исми хаттотга шогирд қилиб топширади. У кишида Худойберган бир қанча вақт хат машқ қилиб, ҳуснихатда маҳоратга эришади. Устозининг таълимига қаноатланмай, настаълиқ устози Мир Имод (ваф. 1615)-нинг қитъаларини топиб, унинг хатига тақлид қилиб машқ қилади. А.Н.Самойлович 1908 йилда Хивага келганида Хоннинг Тозабобдаги кутубхонасини ҳам бориб кўради. У ёзади: «Кутубхона деворларига шеърлар ёзиб ташланган, ҳар хил ҳуснихатда битилган қоғоз парчалари ёпиштирилган ёки мрамртошга ёзилган ёзувлар – буларнинг ҳаммаси саройнинг бош хатоти, моҳир устаси Худойберган (Муҳркан)нинг қўлидан чиққан экан». Худойберган Муҳркан ўз даврининг етук созандаси ҳам эди. У Хоразмда яратилган Танбур чизиги нусхаларининг энг муҳимларини ҳам китобат қилган (Қаранг: ЎРШИ-1, №7406). Хоразм мақомлари таркибида Рост мақомида унинг басталаган «Сақили Муҳркан» номли куйи ҳам бор.

**Худойберган охунд** – Бекмуҳаммад ўғли XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган таржимон ва хаттотлардан бири. Хива мадрасаларидан бирида мударрис бўлган. «Тарихи Комил»ни таржима қилишда қатнашган.

**Ҳусайн Яздий** – Ҳож Мавло Ҳусайн Яздий (XVII аср) Сафавийлар даври олими. «Хулосат ал-ҳисоб»га шарҳ ёзган.

**Хусрав Деҳлавий** – Тўлиқ номи Яминуддин Абдулҳасан Амир Хусрав ибн Амир Сайфиддин Маҳмуд Деҳлавий бўлган бу зот 1253-1325 йилларда яшаб ўтган асли шаҳрисабзлик шоир ва адибдир. Деҳли ҳокимлари саройида обрў-эътибор қозонган. Унинг 120 минг байтдан ортиқроқ 5 та девони мавжуд. Шунингдек, ўз «Хамса»си билан Шарқда шуҳрат топган. Унинг яна «Қирон ас-саъдайн», «Мифтоҳ ал-футуҳ», «Нуҳ сипеҳр», «Тарихи Деҳли», «Эъжози Хусравий» каби ўнлаб асарлари бор.

**Шайх ал-Аттор** – Фаридиддин Аттор (1145-1221) Нишопурда Кодакон қишлоғида аттор ва табиб оиласида туғилиб ўсган, ўзи ҳам атторлик касби билан шуғулланган. Нишопур ва Машҳад мадрасаларида ўқиб, забардаст шоир, олим, хаттот ва мутасаввиф бўлиб етишган. Атторнинг 150 га яқин асарлари борлиги айтилади. Унинг «Тазкират ал-авлиё», «Мантиқ ат-тайр», «Илоҳийнома» каби асарлари жуда машҳурдир.

**Шайх Фаридиддин Қаранг**: Шайх ал-Аттор.

**Шайх ал-ислом Ҳиравий** – Аҳмад ибн Яҳё ибн Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний ал-Ҳиравий (ваф. 916/1510) Ҳусайн Байқаро (1470-1506) даврида Ҳиротда қози ал-қуззот, шайх ал-ислом мансабларида бўлган. Олим, фақих, муфассир, муҳаддис сифатида донғи кетган. Унинг «Шарҳи Талхис», «Шарҳи Таҳзиб ал-мантиқ», «Шарҳи Ақоид», «Шарҳи

Мутававал», «Шарҳи Виқоя», «Шарҳи фароиз», «Сайдийа» каби асарлари бор.

**Шаҳзода Сулаймон** 15<sup>а</sup>.

**Шоҳ Аббоси соний** – Эрон ҳукмдорларидан Сафавийлардан бўлмиш Аббос II ибн Сафий I (1642-1666). Маърифатга, илм-фанга ҳомийлик қилар эди. Унинг даврида Сафавийлар сулоласининг сиёсий қудратининг энг юқори чўққисидан пастанлиш кетаётган пайти эди. Унинг вафотидан кейин сулоланинг таназзули аён бўлиб қолди, ундан кейинги айрим шоҳлар кўғирчоқ ҳукмдорлар сифатида тарихда қолди.

**Эшон Махдум охунд** – XIX аср охири XX аср бошларида Хивада яшаган таржимон ва хаттотлардан бири. «Ҳисн ал-ҳасн»ни таржима қилган. Алишер Навоий (1441-1501) асарларини кўчирган.

**Эшонхожа** – Хивада XIX аср охири XX аср бошларида яшаган хаттотлардан бири. Настаълик хатида жуда маҳоратли ёзадиган бўлган. Кўплаб китобларни кўчирган.

**Эшонхожа ибн Қубодхожа Қаранг:** Эшон хожа.

**Юсуф Ҳожи охунд** – Хивада XIX аср охири XX аср бошларида яшаган таржимон ва хаттотлардан бири. Тиббиётга оид «Тухфат ал-мўъминин» асарини таржима қилган.

**Қози Муҳаммадсалим охунд** – Хиванинг қозиси, XIX асрда яшаган. Мадрасада мударрис ҳам бўлган. XX аср бошларидаги мамлакат қозикалони Бобоохун Салимовнинг отаси. 1857 йилда «Гулшани тавҳид»ни кўчирган.

**Қурбонхожа** – 1865 йилда Қаробоғ мавзеида «Девони Мушфиқий»ни китобат қилган. Демак, XIX да яшаган хаттотлардан бири.

## КЎРСАТКИЧЛАР

### Асар номлари бўйича

Абдулҳаққи форсий шарҳи Мишкоти шариф, қаранг: Мавлоно Абдул-  
ҳаққ

Аврод 16<sup>б</sup>

Ажиб ал-қисас 18<sup>б</sup>, 19<sup>б</sup>

Ажойиб ал-осор 16<sup>а</sup>

Ажойиб ат-табақот 14<sup>а</sup>

Айн ал-илм 19<sup>а</sup>

Ақойиди Имом Турпуштиий 14<sup>а</sup>, 17<sup>б</sup>

Ақойиди Туропуший, қаранг: Ақойиди Имом Турпуштиий

Анвари Суҳайлий 13<sup>а</sup>, 19<sup>а</sup>, 19<sup>б</sup>

Анис ал-воизин 13<sup>а</sup>, 19<sup>б</sup>

Анис ал-қодирия 15<sup>б</sup>

Анис ат-толибин 14<sup>б</sup>

Аҳкоми нужум 17<sup>б</sup>

Ахлоқ ал-муҳсинин = Ахлоқи Муҳсиний 13<sup>а</sup>, 15<sup>а</sup>, 18<sup>б</sup>

Ашаъи ламаот 13<sup>б</sup>

Бадойеъу иншо 17<sup>б</sup>

Баёзи Мирзо 2<sup>б</sup>

Баёзи мухаммасот 5<sup>а</sup>

Баёзи рубоиёт 2<sup>б</sup>, 5<sup>а</sup>

Баёзи таърифи тамоми аъзойи нос 6<sup>б</sup>

Баёзи Ферузшоҳий 2<sup>б</sup>

Баҳодири дониш = Баҳори дониш 15<sup>б</sup>

Баҳори ажам 18<sup>б</sup>

Баҳористон 17<sup>б</sup>

Баҳр ал-жавоҳир 17<sup>а</sup>

Бўстон 7<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>, 21<sup>б</sup>

Бўстони ғаройиб 18<sup>б</sup>  
Василат ан-нажот 19<sup>а</sup>  
Василат ат-толибин 15<sup>а</sup>  
Василат аш-шафоёт 18<sup>а</sup>  
Вомиқ ва Узройи форсий 2<sup>а</sup>, 13<sup>а</sup>  
Восифий 13<sup>а</sup>  
Вуслатнома 20<sup>а</sup>  
Гулистон 15<sup>а</sup>, 17<sup>б</sup>, 20<sup>а</sup>, 21<sup>а</sup>, 21<sup>б</sup>, 25<sup>б</sup>  
Гулшани тавҳид 20<sup>а</sup>, 25<sup>б</sup>  
Дақойиқ ал-ахбор 19<sup>б</sup>  
Дақойиқ ал-ҳақойиқ 4<sup>б</sup>  
Далойил ал-хайрот 15<sup>а</sup>, 22<sup>а</sup>  
Дастур ал-илож 16<sup>б</sup>, 18<sup>б</sup>  
Девон Юсуф ва Зулайхо Нозим Ҳиравий 21<sup>а</sup>  
Девони Комил 8<sup>а</sup>  
Девони Малик аш-шуаро 25<sup>б</sup>  
Девони Бўстони Саъдий қаранг: Бўстон  
Девони Искандарномаи баррий форсий 20<sup>б</sup>  
Девони Хористо = Хористон 21<sup>а</sup>  
Девони Абдураҳмон 7<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Иваз 2<sup>б</sup>, 25<sup>а</sup>  
Девони Авний 21<sup>а</sup>  
Девони Авҳадий 7<sup>а</sup>  
Девони Айний 6<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Алавий 21<sup>а</sup>  
Девони Амир Хусрав 20<sup>б</sup>  
Девони Амоний 25<sup>б</sup>  
Девони Анварий 3<sup>а</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони Андалиб 6<sup>б</sup>  
Девони Асад 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Афғон 7<sup>а</sup>, 7<sup>б</sup>  
Девони Аҳмад ҳазрати Жоми Зиндафил 6<sup>б</sup>  
Девони Баёний 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 25<sup>а</sup>  
Девони Балогат, унвони Ҳофиз Алавий 21<sup>б</sup>  
Девони Бедил 4<sup>а</sup>, 7<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>  
Девони Бенаво 7<sup>а</sup>  
Девони Боязиди соний 21<sup>а</sup>  
Девони Вафо 21<sup>б</sup>  
Девони Вафойи 21<sup>а</sup>

Девони Ваҳбий 6<sup>а</sup>  
Девони Восиф 21<sup>б</sup>  
Девони ғазалиёт маъа қасоиди Висол Широзий 21<sup>б</sup>  
Девони ғазалиёти Муштарий 21<sup>а</sup>  
Девони Ғаний 7<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони Ҳарибий 21<sup>а</sup>  
Девони Ғиёсий 3<sup>а</sup>  
Девони Ғозий 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Ғолиб 6<sup>а</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони Ғуломий 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Девоний 2<sup>б</sup>, 25<sup>а</sup>  
Девони Доъий 2<sup>б</sup>  
Девони Жазбий 7<sup>а</sup>  
Девони Жайҳун 6<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Жомий 3<sup>б</sup>, 6<sup>а</sup>, 7<sup>б</sup>, 25<sup>б</sup>  
Девони Журъат 20<sup>а</sup>  
Девони Зариат ар-ризавия 21<sup>б</sup>  
Девони Зафар 8<sup>а</sup>  
Девони Зевар 21<sup>а</sup>  
Девони Зотий 21<sup>а</sup>  
Девони Зухур (Зухурий) 3<sup>б</sup>, 20<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Ибн Ямин 25<sup>б</sup>  
Девони Имло 3<sup>б</sup>, 5<sup>а</sup>, 7<sup>б</sup>  
Девони Имод 3<sup>а</sup>  
Девони Иноят 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Ироқий 3<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Исмат 7<sup>б</sup>  
Девони Калим 20<sup>а</sup>  
Девони Камолий 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Киром 20<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Қудсий 3<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>  
(Девони) Лайло 21<sup>б</sup>  
Девони Кишвар 25<sup>б</sup>  
Девони Қоилий (Қойил) 4<sup>а</sup>, 25<sup>б</sup>  
Девони Комил 1<sup>б</sup>  
Девони Қооний маъа Фуруғий ва Жалолий 21<sup>а</sup>  
Девони Қосимий 7<sup>б</sup>  
Девони Котибий 5<sup>б</sup>  
Девони куллиёти Хоқоний 3<sup>а</sup>, 4<sup>а</sup>, 8<sup>а</sup>, 20<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>, 21<sup>б</sup>

Девони куллиёти Бедил 21<sup>а</sup>  
Девони куллиёти Ғолиб 6<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>  
Девони куллиёти Жомий 20<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони куллиёти Назирӣ 4<sup>б</sup>, 7<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони куллиёти Фузулий Қаранг: Куллиёти Фузулий  
Девони куллиёти Ҳазин 6<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>  
Девони Қутбиддин 6<sup>а</sup>  
Девони Лутфий 25<sup>б</sup>  
Девони Мавлавий Жомий Қаранг: Девони Жомий  
Девони Мағрибий 8<sup>а</sup>  
Девони Мажзуб 20<sup>б</sup>  
Девони мажмуатуш шуаро 2<sup>а</sup>  
Девони Мазҳар 3<sup>б</sup>  
Девони Манучеҳрхон 21<sup>а</sup>  
Девони Масгоншоҳ. Қаранг: Девони Оташкадаи ваҳдат  
Девони Маҳвий 20<sup>а</sup>  
Девони Маҳмуд 20<sup>б</sup>  
Девони Махфӣ 6<sup>а</sup>  
Девони Мижмар 6<sup>а</sup>  
Девони Мирзо Бедил Қаранг: Девони Бедил  
Девони Мирзо Жайҳун форсий. Қаранг: Девони Жайҳун  
Девони Мирзо Нақӣ Кошонӣ 25<sup>б</sup>  
Девони Мирзо 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Мискин 25<sup>б</sup>  
Девони Музних 2<sup>б</sup>  
Девони Музҳиб 8<sup>а</sup>  
Девони Мулҳам 8<sup>а</sup>  
Девони Мунис 1<sup>б</sup>  
Девони Муродӣ 6<sup>б</sup>  
Девони Мутриб 2<sup>а</sup>, 2<sup>б</sup>  
Девони Муфид 7<sup>а</sup>  
Девони Муҳӣӣ 3<sup>а</sup>, 4<sup>а</sup>  
(Девони) Муҳит 3<sup>б</sup>  
Девони Муҳлис 21<sup>а</sup>  
Девони Мушфиқӣ 3<sup>б</sup>, 25<sup>б</sup>  
(Девони) Моҳир 21<sup>б</sup>  
Девони Навидӣ 7<sup>б</sup>  
Девони Навоӣ 6<sup>а</sup>, 7<sup>а</sup>, 20<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>б</sup>  
Девони Надимӣ 2<sup>б</sup>

Девони Назирий форсий. Қаранг: Девони куллиёти Назирий  
Девони Насибий 7<sup>а</sup>  
Девони Нафъий 20<sup>б</sup>  
Девони Неъматхони олий 21<sup>б</sup>  
Девони Неъматхони олий 21<sup>а</sup>  
Девони Ниёзий 2<sup>б</sup>  
(Девони) Ниёз (Румлик) 21<sup>б</sup>  
Девони Низомий 25<sup>б</sup>  
Девони Нишотий 6<sup>б</sup>  
Девони Нобий 7<sup>а</sup>  
Девони Нозим 7<sup>а</sup>  
Девони Нозир 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Ноилий 25<sup>б</sup>  
Девони Носир Али 20<sup>б</sup>, 25<sup>б</sup>  
Девони Обид 7<sup>б</sup>  
Девони Огаҳий 1<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 7<sup>б</sup>  
Девони Ожиз 2<sup>б</sup>, 25<sup>а</sup>  
Девони Озарий 7<sup>а</sup>  
Девони Оқил 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Орзу 25<sup>б</sup>  
Девони Ориф 21<sup>а</sup>  
Девони Оташкадаи ваҳдат 21<sup>а</sup>  
Девони Оташкадаи Озар 20<sup>б</sup>  
Девони Ошиқ Юнус румий, туркий 6<sup>а</sup>, 20<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони Ошиқ форсий 4<sup>б</sup>  
Девони Партав 25<sup>б</sup>  
Девони Пури Комил 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Равнақ 1<sup>б</sup>  
Девони Равшан 21<sup>б</sup>  
Девони Рафиъ Колоий, туркий 20<sup>б</sup>  
Девони Роғиб 2<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Рожий 1<sup>б</sup>, 6<sup>а</sup>  
Девони Салмон Соважий 20<sup>б</sup>, 25<sup>б</sup>  
Девони Самим 8<sup>а</sup>  
Девони Саъдий (Хоразмий) 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Сирожий 4<sup>б</sup>  
Девони Содиқ Мунший 20<sup>б</sup>  
Девони Содиқ 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Сойиб 3<sup>б</sup>, 21<sup>а</sup>, 25<sup>б</sup>

Девони Солим 20<sup>б</sup>  
Девони Сомий форсий 6<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Софий 25<sup>б</sup>  
Девони Сулаймон 8<sup>а</sup>  
Девони Султоний 2<sup>б</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>б</sup>  
Девони Сурайё 21<sup>а</sup>  
Девони Суҳбат форсий 21<sup>а</sup>  
Девони Табибий 2<sup>а</sup>, 6<sup>б</sup>, 24<sup>а</sup>, 24<sup>б</sup>, 25<sup>а</sup>  
Девони Тажаллий 21<sup>а</sup>  
Девони тазкираи Ҳусайний 21<sup>б</sup>  
Девони Тарзий 20<sup>а</sup>  
Девони Таҳсин 3<sup>б</sup>, 20<sup>б</sup>  
Девони Тож аш-шуаро 21<sup>а</sup>  
Девони Толиб 25<sup>б</sup>  
Девони Умархон 21<sup>а</sup>, 21<sup>б</sup>  
Девони Умидий 2<sup>б</sup>  
Девони Урфий Шерозий 4<sup>б</sup>, 20<sup>а</sup>, 21<sup>а</sup>  
Девони Усмонбек 21<sup>б</sup>  
Девони Усмони Наврас 21<sup>б</sup>  
Девони Фавжий 20<sup>а</sup>, 24<sup>а</sup>  
Девони Фано 7<sup>а</sup>, 20<sup>а</sup>  
Девони Фаррухшоҳий 6<sup>б</sup>  
Девони Фасиҳий 20<sup>а</sup>  
Девони Феруз 21<sup>а</sup>  
